

496

1984/5



ГУЛИСТОН

5

1984

Этюд
№2

5-12

БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБА



Халқ ташаббусини, иш жойидаги меҳнатга омилкорлик билан ижодий ёндашишдан тортиб, давлатни, жамиятни идора қилишда актив қатнашишгача жуда кенг маънодаги ташаббусни ўз вақтида пайқай билиш ва қўллаб-қувватлай олиш тараққиётимизнинг энг буюк, айтиш мумкинки, битмас-туганмас манбаидир.

К. У. ЧЕРНЕНКО

Совет халқи яқиндагина ўзининг энг яхши фардларини ҳокимиятнинг олий органи — СССР Олий Кенга сайлади. Ватан бахт-саодати, равнақи ва бақирини янада ошириш ва мустақамлашдек муҳим вазифаларни ўз зиммасига олган депутатларимиз шарафли бурчларини бажаришга киришдилар. Сайловчиларнинг депутатлар билан бўлган учрашувлари навбатдаги беш йил ичида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада ёрқинроқ таърифлаётган бўлди.

СССР Марказий Комитетининг Бош секретари ўр. Константин Устинович Черненконинг Москва вилояти Куйбишев сайлов округи сайловчилари ҳузурда бўлган ёрқин ва сермазмун нутқи халқимизнинг қўлидан, чет мамлакатлардаги тараққиётлар

қилар томонидан зўр қизиқиш билан маъқуллаб кўтирилди. Мазкур учрашув партия билан халқ метиндек бирлигининг, социалистик демократия тантанасининг, совет кишилари КПСС XXVI съезди режаларини, партия Марказий Комитетининг 1983 йил Декабрь ва 1984 йил Февраль пленумлари қарорларини муваффақиятли тарзда амалга ошираётганлигининг, ер юзидеги тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигининг қудратли намоёнишига айланган.

Ўртоқ К. У. Черненко сайловда йўналишида сўзлаган нутқида совет кишиларининг фидокорона меҳнатига юксак баҳо бериб бундай деди: «Биз эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси учун, биз фахрланган ҳамма нарса — Ватаннинг озодлиги ва кучдорлиги, унинг халқро майдондаги юксак обрў-қўдрати, халқнинг ҳаётини тинч турмуши учун — мана шуларнинг ҳаммаси учун биз совет кишиларининг қизғин ижодий меҳнатидан миннатдоримиз. Мана шу меҳнат — келажакка бўлган қомил ишончимизнинг битмас-туганмас манбаидир».

Кейинги вақтда меҳнат коллективлари тўғрисида қабул қилинган қонун, партия ва ҳукуматимизнинг интизомни мустақамлаш, меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шаклини ривожлантириш ҳақидаги ва бошқа қарорлари меҳнатқиларнинг ижодий ташаббускорлигини янада кучайтириб юборди. Корхоналар, қурилишлар, қолхоз ва совхозларда социалистик мажбуриятлар ва мўжиб планлар ишлаб чиқиши жараёнида КПСС Марказий Комитетининг Декабрь ва Февраль пленумларида олдинга сурилган аниқ вазифа — меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини белгиланганидан ярим процент арзонлаштиришга эришиш диққат марказида бўлмоқда. Партияимизнинг бу даввати ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш учун меҳнат коллективларини янгидан-янгидан изланишларга сафарбар этяпти.

Совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг рақамларда ифодаланган салмоғини тасаввур этишнинг ўзиёқ ўсиш суръатларимизнинг буюклигидан далолатдир. Масалан, мамлакат давлат планида бу йил саноат соҳасида ишлаётган ҳар бир киши бошига ишлаб чиқаришни 3,4 процентга ўстириш мўлжалланган. Буюк аҳамиятга молик бўлган вазифа: мамлакат миқёсида меҳнат унумдорлигини бир процентга ошириш 7 миллиард сўм ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Бу эса 400 минг кишининг меҳнатига тенг демакдир. Меҳнат унумдорлигини юздан бир қисм баробарида ўстириб бориш таъминланган тақдирда ушбу беш йилликнинг охирига бориб, деярли 15,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси, 1,5 миллион тонна минерал ўғит, 7,75 миллион тонна кўмир планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилади, миллион квадрат-метрдан зиёд уй-жой қурилади. Қишлоқ хўжалигини худди шу ҳажмда ўстириш 1985 йилда 1,47 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот этиштирилишини таъминлайди.

Саноат маҳсулотининг таннархини ярим процентга арзонлаштириш эса деярли 3 миллиард сўм миқдоринда иқтисодий тежамкорликка эриштирилиши билдиради. Ушш суръатларимизни қийёси тасаввур этиш учун мана шу ярим процент салмоғи 1971 йилда бир ярим, 1950 йилда эса атиги чорак мил-

лиард сўмга тенг бўлганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Партияимизнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ўстириб боришга қаратилган даввати бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамиз меҳнатқиларни томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди. Турли жабҳаларда коммунистик бунёдкорлик билан машғул бўлган Ўзбекистон меҳнатқиларини ички резервларни ишга солиш йўл-йўриқларини аниқ чамалаб, кўпроқ иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадларини кўламоқдалар.

Рақамлар салмоғи республикамиз миқёсида ҳам нақадар залворлидир. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда бир процент миқдоринда ошириш республикамиз халқ хўжалигида 400 миллион киловатт-соат электр энергияси, 100 донна пахта тегириш машинаси, 246 та трактор ва 16 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқариш имконини беради. Капитал қурилишида 90 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Бу — битта электр станциясини тиклаш ёки 500 минг квадрат-метр уй-жой барпо этиш демакдир. Транспортида 3 миллион 200 минг сўмлик иш бажарилади ёки 1 миллиард тонна километрдан кўпроқ қўшимча юк ташиб имкони туғилади. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг бир процентга ўсиши, айна пайтада, республикамизда ўн минглаб кишилар меҳнатини тежаб қолиш ва уларни ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим участкаларига ўтказиш имконини яратади. Бу ишларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини янада ўсишига, истеъмол молларига бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондирилишига хизмат қилади. Яъни меҳнат унумдорлигини бир процентга ошириш — бу соҳада 3 миллион метр игазама, 500 минг жуфтга яқин пайпоқ, 800 донна холодилик, 300 тонна атрофда қийёси ювиш воситалари қўшимча равишда ишлаб чиқарилишини ҳам билдиради.

Меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш йўли билан маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент камайитиришга эришиш саноатда 70 миллион сўмдан кўпроқ, капитал қурилишида 16 миллион сўмлик, автомобиль транспортини эса 3 миллион 100 минг сўмлик маблағ тежаб қолинади, демакдир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳамме соҳаларда иқтисодий самарадорликка эришиш талаб этилади. Яъни ишлаб чиқариш натижаларини унга кетган харажатлардан тезроқ ўстириш, нисбатан камроқ ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда кўпроқ самараларни қўлга киритиш лозим. Материаллар ва хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат интизомини мустақамлаш, ишлаб чиқариш қувватларини иложи борича тўлароқ сафарбар этиш, асбоб-ускуналарнинг бўш туриб қолишига йўл қўймаслик қўзланган марранни эгаллашнинг энг муҳим омиллари ва резервларни ҳисобланади.

Партияимиз давлатига жавобан халқ ташаббусининг янги-янги шакллари майдонга келаятган, меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақа авж олган кўнаралимида меҳнат унумдорлигини кўтариш ва маҳсулот таннархини камайитиришга қаратилган жанговар вазифа ҳам шараф билан бажарилишига ишончимиз қомил. Зотан, улугвор ишларни амалга ошириш йўлида халқ ва партияимизнинг яқинлиги социалистик ҳаётимизда яратувчилик ва бунёдкорликнинг битмас-туганмас манбаидир.

Бутун дунё пролетарлар, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий журнали



№ 5 (411)

Май
1984



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти



Республика партия-хўжалик активи ва ишлаб чиқариш илғорларининг йиғилиши Президиуми.

Ўзбекистон ССРга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топшириш пайти.

Н. Шарипов фотолари

МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИ

САРИ!

Ўзбекистон меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилини экономика, илм-фан ва маданият соҳасида ажойиб зафарлар ва сеvimли Ватанининг гуллаб-яшнаши йўлидаги илҳомбахш ишлар билан муносиб яқунладилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг вакиллари ўтган йилни социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари тарихий қарорларини рўёбга чиқариш соҳасидаги фидокорона меҳнатлари билан нишонладилар. Мана шу шонли ишларни Ватан муносиб баҳолади. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1983 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш Давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун Ўзбекистон ССР КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ютуқлари сурункасига ўн биринчи марта мана шу байроқ билан тақдирланди.

Республика партия-хўжалик активи ва ишлаб чиқариш илғорларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширишга, КПСС Марказий Комитети 1984 йил Февраль пленумининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи асосида Ўзбекистон меҳнаткашларининг вазифаларини муҳокама қилишга бағишланди. 12 март куни меҳнат коллективларининг вакиллари, министрликлар ва идора-

ларнинг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари, фан ва маданият арбоблари Тошкент Санъат саройига келдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов кириш нутқи сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сибсий бюроси баланд руҳ билан йиғилиш фахрий президиумига сайланади.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димшицга сўз берилди.

У катта меҳнат ғалабаси ҳамда Ватанинг фахрли мукофоти билан республиканинг барча меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненконинг топшириғига биноан қизғин ва самимий қутлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмоновжаев кўчма Қизил байроқни қабул қилиб олар экан, қуйидагиларни айтди: КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко катта меҳнат ғалабаси билан сидиқидилдан муборакбод этиб, зиг яхши истаklarини йўллаганлиги йиғилишнинг барча қатнашчиларини чин қалбдан фойта руҳлантирди. Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан у ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар ва ёшларнинг бунёдкорлик меҳна-

тига юксак баҳо берганликлари учун, республикамизни иқтисодий ва социал ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, ВЦСПСга ва ВЛКСМ Марказий Комитетига, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Константин Устинович Черненкога самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Музахонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Ш. Назаров, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, Қитоб районидаги Навоий номи совхоз бригадир Г. Бобомуродова, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси М. Ж. Юсупов, «Навоий-азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта аппаратчиси Л. М. Жолудева, Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари М. Ҳайдаров, И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти Э. Қодирова, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Андижондаги 162-қурилиш трестининг бригадир Г. А. Иванов, Фориш районидаги «Қизилқум» совхозининг бош чўпони М. Бўронбоев сўзга чиқдилар. Улар республика меҳнатчиларининг эришилган натижа билан кифояланиб қолмасликка, меҳнатда янги зафарларга эришишга, ишлаб чиқаришни янада кучайтириш, чш самарадорлиги ва сифатини ошириш, моддий-техника ресурсларидан оқил-

она фойдаланиш учун мавжуд резервларни тўлиқроқ ишга солишга интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда Озарбайжон ССР Тайёрлаш министри И. Ш. Шамиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Насриддинов, Туркменистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Езқулиев сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистон меҳнаткашларини Ватанинг юксак мукофоти билан самимий табрикладилар, барча пахтакор республикалар меҳнатчиларининг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдами меҳнатдаги ғалабаларнинг битмас-туганмас манбаи эканини таъкидладилар, мусобақадош дўстларга ишда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, ВЦСПСга ва ВЛКСМ Марказий Комитетига табрикнома йўлладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ф. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишқов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Г. М. Орлов, К. Раев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, С. У. Султонова, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўнаев қатнашдилар.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР



МАЙ ҚУШИҒИ

Май — баҳорнинг нақ сўлим пайти,
Шудринг юрган гунча каби соф.
Дил эритиб булбулнинг байти,
Яйраб чиқар уфқдан офтоб.

Адирларда алвон табассум,
Мавжланади лола байроқлар.
Сочларимни ўйнайди насим,
Кўз олдимда яқин-йироқлар:

Гилосларнинг қизиллигида,
Нур оқимин қизғинлигида,
Зилолланган ўрмонларда ҳам,
Мовийланган уммонларда ҳам —
Табиатнинг ранг тантанаси,
Яшаш, яшаш, тонг тантанаси!

Она — ерим, она — диёрим,
Бу ранг фасли бунча сўлимсан,
Кўксимдаги ҳақиқ гулимсан,
Сенда ақлу қалб, ихтиёрим!

Момиқ пахта чаноғи бўлиб,
Нилуфарнинг яроғи бўлиб,
Дилбар қизнинг яноғи бўлиб,
Сўнмас Ильич чироғи бўлиб,
Вужудимга оқиб кирасан,
Эзгу ҳислар ёқиб кирасан,
Кўш бўлиб балқиб кирасан!

Майни қутлаб қутлуг шеър билан,
Манглайдаги инжу тер билан,
Азим, буюк она—Ер билан
Шод боқаман кенг уфқларга,
Бағрим тўлиб соз қўшиқларга.

Ватанимнинг ҳусну жамоли,
Қирчиллама йигит камоли,
Беҳад дарё, беҳад тоғлари,
Минг жаннатдан ортиқ боғлари,
Водиллари, қишлоқ-шаҳари,
Нурли кундуз, ойдин саҳари,
Барча фасли, барча баҳори
Бир нуқтада бўлган каби жам,
Қалбим ичра барг ёзар кўркам.

Меҳнат, ижод тўқинларида,
Дўстлик, бирлик туйғуларида,
Элнинг умид-орзуларида
Юқсалишлар завқин туяман,
Ҳисларимни шеърга қуяман.

Олам гўзал... ташвишли аммо,
Ҳали кўпдир унда муаммо.
Қанча эллар баҳордан маҳрум,
Қанча эллар зулматга маҳкум.
Воқиф бўлиб мен барчасидан,
Ҳаяжону изтироб ила
Кузатаман ТАСС дарчасидан!
Бир нафесга жим тургил, сабо!
Қулогимга келар бир садо —
Океаннинг долғаси янглиғ,
Ишчининг чўнг болғаси янглиғ.
Зулм кишани узилмоқдадир,
Панжаралар бузилмоқдадир,
Дунё қайта тузилмоқдадир!
Лов-лов ёнган ёлқинли олов —
Бу — йўқсиллар кўтарган ялов,
Бу — энг сўнги, энг кескин жангга
Ундаётган қутлуг аланга!

Ибрат бўлиб кенг жаҳон узра,
Давру даврон ва замон узра,
Ер устида ва осмон узра
Шуъла сочиб порлар Ватаним,
Эрка ташна меҳнат ахлини
Истиқболга чорлар Ватаним!

Уфқларни қамра, улуг Май,
Еқут байроқ елпинсин тинмай!

САПУН ТОҒИДА

Авайлаб босингиз заминни,
Оҳиста босилсин қадамлар.
Бу ерда ботирлар ётулар,
Бизни деб жон берган
одамлар.

Уларнинг рухлари чарх уриб,
Бош узра беором кезмоқда.
Шамолмас, шивирлаб елпинган,
Уларнинг нафаси эсмоқда.

ИНСОН ИСТАСА...

Бу ерда атиргуллар
Сабоғи миллиард-миллиард,
Офтоб эмган, сув ичган,
Еноғида йўқдир гард.
Қизилида — тонгларнинг
Қирмизи товланиши,
Сариғида — саҳронинг
Қадим оловланиши.
Бири қорамтир бахмал,
Бири оппоқ аланга,
Пуштисидан камалак
Ейилгудек оламга.
Чўлнинг минг йиллик охи
Ердан қалқиб дафъатан,
Гулларга кўндими ё
Этмоқ-чун мангу Ватан?
Етти ранг, етмиш жило,
Чексиз зилол устида,
Боқар эдим маҳлиё
Ажиб хаёл устида.
Инсоний буюк фахр,
Дилни қучди ноғохон,
Инсон истаса, ахир,
Гулга айлангай жаҳон.

Тошкент



ЮГОСЛАВИЯ ОРДЕНИ

Фаргона область ҳарбий комиссариатининг бошлиғи, полковник Боқи Қаримов Ленинград районидagi Ленин номли колхоз чорвадори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, собиқ партизан Усманбой Холматовга Югославия ордени Кумуш юлдузни топширмоқда. У. Холматов Улуғ Ватан уруши йилларида Югославия партизанлар ҳаракатида фаол иштирок этгани учун шу юксак мукофотга мүнносиб кўрилган эди.

К. Сердюк фотоси

ИККИНЧИ ҚЎРИҚ

лардаги бўлим бошқиларни, бригадирлар, областда, районда масъул лавозимларда ишлаётган бир қанча раҳбарлар ҳам, унинг деҳқончилик таълимидан баҳраманд бўлган эдилар. У дилидагини Новвотга ҳам айтди.

— Мактабни битириб, менга учраш, сениям чўлга олиб кетаман,— кейин йигитга юзланди.— Тўрабой жиян, Новвотга ёрдам қилгин, хўпми?

Тўрабой Новвотга қараб жилмайди. Новвотнинг юраги жиз этди...

Новвот ўзининчи битирди. Ана шунда механизатор Тўрабой Жўрабоев унга совчи қўйди. Совчи ким дегн? Холмурод Саодатов! Ленин ордени кўксини безаб турибди. Новвотнинг отасига: «Кизингизни илгор механизаторимга берасиз. Мактабда тажриба оширди. Совхоз маккажўхори эк, депти. Маккажўхорикор бригадир бўлади» деб туриб олди. Холмуроз ота Саодатовлар очган қўриқ ерлар янги хўжалик—«Октябрь 60 йиллиги» совхозига ўтганлигини биларди. Холмурод Саодатов совхозидеги йирик бўлимга бошлик эди. У отага Таллашқон дашти келажаги ҳақида ҳикоя қилди. «Даштдан келгусида юз минг тоннага қадар ҳосил олинеди», деганда Холмуроз отанинг кўзига даштдаги кўз илғамас пахтазор кўриниб кетди.

Ота қизини Таллашқонга узатди. Орадан ҳафта ўтмай эми ҳам у ерга кўчиб борди.

Бригадирлик осон эмас экан. Новвот асли шошилмаганда, Тошкентга ўқишга борарди. Шифокор ё бошқа касб эгаси бўларди. Йўқ, энди у ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. Ишлаганда ҳам ҳалол меҳнат қилади. Тонналар изидан қувишлар барҳам топади. Ошириб ёзишларга чек қўйилади... У анча вақт шу сўзлари билан ўзини хотиржам қилиб юрди. Аммо бўлмади. Бир куни у, беш кун ичиде ҳамма ҳосилини йиғиб олиш керак, деган топшириқ олди. Бунинг илжони йўқ эди. Маккажўхори дони ҳали етилмаган, думбул эди. «Донни сентябрнинг охиригиде йиғамиз», деди Новвот. «Бўлмайди», дейишди. «Биз қачонгача маккажўхорини чорва эми деб тушунамиз?» деди Новвот.

Новвот маккажўхори ҳақида соатлаб гапириши мумкин. Маккажўхори бугўйдан тўйимли. Маккажўхори ундан зогора нон, ёрмасидан бўтқа, донидан бодроқ тайёрласа бўлади. Думбулини шўврага солса, асалдай таъм беради, дейди у.

— Узингиз ҳеч зогора нони пиширганмисиз?

— Йўқ.

— Неге?

— Тегирмон қани? Ҳатто ёрунчоқ ҳам йўқ. Аммо, эшитдим: Наманганда бир новвой зогора нон пишираркан. Андижону Фарғонадан, Тошкентдан одамлар бориб, тандир-тандир зогора нон олиб қайтишаркан. Бригадамиз 1979 йилда гектарига 87 центнердан маккажўхори дони олди. Кейинги йили 100 центнер, сўнг 127 центнерга етказдик. Тонна-тонна дон оламизу зогора нони биз учун тансиқ...

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, республика Ленин комсомол мукофоти лауреати Новвот Холмурзаева йиғилишларда, ҳамкасблари даврасида дилидагиларини тўкиб солади. Унинг айтганлари отаси Холмурза бобо, умр йўлдаши Тўрабой Жўрабоев, механизатор укаси Расул, бригада сувчилари Абдурауф Тангиров, Ҳайит Ражабовларнинг ҳам дилидаги гаплар. Улар сёрташвиш, тиниб-тинчимас одамлар. «Қаҳрабо дони»миз кўпайсин, деб область, район маккажўхорикорларини беллашувга қақирадилар. «Чорвамиз тўйсин, гўшт-ёғ мўл бўлсин», дейдилар. Улар яна бир нарсани орзу қилдилар: маккажўхори дони тансиқ таом сингари дастурхонларимизни ҳам безасин...

Норкул ҲАЙИТКУЛОВ

Сурхондарё область Шеробод району.

Партиямиз белгилаган Озқовват программасида тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш, ердан олинадиган даромадни кескин кўпайтириш масаласига муҳим ўрин берилган. Ноқораттупроқ ерларни экинзорларга айлантириш, суғорилладиган майдонларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга партия ва ҳукуматимиз жуда катта эътибор бериб, бунинг учун кўплаб маблағ ажратмоқда. Аини пайтда олимларимиз деҳқончилик маданиятини ошириш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш борасида жиддий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг бир гуруҳ олимлари академик Мирзавали Муҳаммаджонов раҳбарлигида республикамизнинг бир қанча хўжаликлариде деҳқончиликнинг янги системаси деб ном олган муҳим тажрибани бир неча йилдан буён синовдан ўтказмоқдалар.

Жамоатчи мухбиримиз Андижон районидеги Карл Маркс номили совхоз тажриба даласида академик М. Муҳаммаджонов билан учрашиб, деҳқончиликдаги янги системанинг моҳияти ва келажаги ҳақида суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мухбир. Мирзавали Валиевич, деҳқончиликнинг янги системаси деб ном олган агротехник тадбирини жорин этишга мажбур қилган сабабларни шарҳлаб берсангиз.

Олим. Маълумки, тупроқ қанчалик унумдор, чиринди моддаларга қанчалик тўйинган бўлса, ҳосилдорлик шунчалик ортади, олинадиган маҳсулот ҳам арзонга тушади. Аммо суғорилладиган ҳамма ерларимиз ҳам мана шундай юқори унумдорликка эга, деб айтолмаймиз. Анчагина хў-

жаликларимизда, айниқса Фарғона водийси хўжаликлариде асарият майдонларга узоқ йиллар давомида узлуksиз пахта экиб келинаётгани, алмашлаб экиш ҳамма жойда ҳам тўғри ва тўла-тўксин жорий қилилмаётгани тўғриси тупроқнинг унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган органик моддалар анча камайиб кетган. Бунинг устига, бизнинг суғорилладиган ерларимизда ҳар йили бир ернинг ўзидан ўттиз мартадан ортиқ трактор «депси» ўтади. Ерларни эса биз қирқ йилдан буён бир хил чуқурликда ҳайдаганимиз сабабли 30—35 сантиметрли қисмде плуг изларидан метин қатлам ҳосил бўлган. Бу шероитда, шубҳасиз, тупроқ қатламида микробиология тажрибавилар сусаяди, сув яхши эмилмайди, шимилмайди. Оқибатда гўза ва бошқа ўсимликлар керагича томир ея олмайди. Демак, ҳосил олиш чегараланиб қолади.

Мухбир. Энди янги системанинг моҳияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

Фан халқ хизматида

Олим. Мана шу чегараланиш, тўхталишга барҳам бериш учун институтимизда деҳқончиликнинг янги системаси кашф этилди. Бунинг туб моҳияти нимадан иборат?

Биринчи галда, шундай ерлар кучли тракторга тиркалган бир корпусли плуг билан 60—70 сантиметргача чуқурликда юмшатилади. Биз бу ишни ҳозирча беда экилган майдонларда жорий қилмоқдамиз. Негачи, одатда, бузилган бедаюялар ўрнига пахта ё бошқа экин экилганда, беданинг томири ўсиб чиқиб, экинни ўт босади. Агар биз уни 60—70 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, унинг устки ўттиз сантиметрлик қисмини пастки қатламга тушириб юборсак, у ҳолда беданинг ҳамма қолдиқлари, ажирик, гўмай ва бошқа

ёввойи ўтларнинг томирлари билан бирга вилтнинг замбуруғлари, ҳашаротларнинг тухумлари чуқур қатламда қолиб кетади. Асрлар бўйи отобини кўрмаган тоза тупроқ ери озабига чиқиб қолади.

Ҳозирги мавжуд деҳқончилик системасида агар беданинг қувавати тўрт-беш йил, кўп деганда олти йилга етадиган бўлса, янги системде беданинг тупроққа таъсири 12—13 йилга етар экан, буни биз тажрибада синаб билдик. Демак, беданинг томирларидаги органик моддаларнинг таъсир кучи икки баравар ортади.

Мухбир. Кечирасиз, фикрингизни бўламан. Баъзи мутахассисларимиз ерлар шундай чуқур ҳайдалганда, унинг ҳали ишланмаган, ортоб кўрмаган қатлами пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг камайишига сабаб бўлади, деб чўчимоқдалар.

Олим. Тўғри. Ернинг пастки қатламининг — илгари ҳаво, ортоб кўрмаган қатламининг шундай ағдариб қўя қолинса, унда озуқа кам, ҳосил албатта камайиб кетади. Лекин бунинг йўли жуда осон. Биз тажрибада синаб билганимизга кўра агар ўша ерларга ё кузда, ё эрта баҳорда 250—300 килограммдан аммофос ўғитига оз-моз азот ўғити қўшиб, механизатор воситасида 15—17 сантиметр чуқурликка берилса, ундан кейин пахта ўстириладими, бошқа экинлар экиладими — жуда эркин ривожланади.

Одатда, бедани баҳорда икки марта ўриб олингандан кейин ҳайдаимиз. Бу ёз ойларига тўри келди. Саратонда ерни 60—70 сантиметрга ағдарганимизда қуйи қатлам — иккинчи кўриқ юзага чиқади. Унга, айтиллик, маккажўхори экамиз. То у вояга етгунча, тупроқ саратон отобини еб, сув, ўғит, ишловдан фойдаланади, ҳадемай тупроқнинг унумдорлиги тикланади. Келас йилдан эса бу ерда пахта ўстирилс, ривож жуда ҳам яхши бўлади.

Мухбир. Ерни чуқур ҳайдаш пахтачилигимизда, умуман, деҳқончиликимизда янги кўриқ очиш билан тенг, дедимиз. Одатда, биз янги ер оче-



Республика партия-хўжалик активи ва ишлаб чиқариш илгорлари йиғилиши иштирокчилари. Н. ШАРИПОВ фотос

миз, уни оборотга — қишлоқ хўжалиги тасарруфига киритамиз. Бу — оёздер. Пахта навларини янгилаймиз. Бу ҳам — резерв. Демак, ерларни 60—70 сантиметр чуқурликда ағдариб қўйдасак, бу ҳам деҳқончилигимиз учун яна бир янги қўриқ демокчиликдир.

Олим. Эндиликда ернинг ҳайдов қатламини икки марта ошириш — бу, агрономия фанида бosh масала бўлиб турибди. Илгари ерлар омов билан 15 сантиметр чуқурликда ҳайдалар, ҳосил эса 8—10 центнердан ошмас эди. Мана, қирқ йилдан кўпроқ мўддат орасида ерларни 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб, ҳосилдорликини 30—35 центнерга кўтардик. Биз тақлиф қилаётган янги система пахта ҳосилдорлигини бирмунча ошириш, деҳқонларимизга мутатасил юқори ҳосил етиштириш имкониятини яратиши керак. Шунинг учун биз уни тўла асос билан иккинчи қўриқ, деб айта оламиз. Бу янгидан ер очиб билан баробардир.

Одатда, қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганда, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, сув иншоотлари, йўллар, каналлар қуришга, у ерларга одамларни кўчириб боришга тўғри келади. Бинобарин, жуда катта давлат маблағи талаб қилинади. Бунинг устига, Урта Осиё шароитида ерлар кам, айниқса Фарғона vodiysida ўзлашмаган ер йўқ. Аҳолининг сонини эса йил сайини кўпайиб бормоқда. Уларни боқиб, тўдириш керак, озик-овқат кўп бўлиши керак. Суғориладиган ерларнинг бир қисми йилдан-йилга қурилишлар учун ажратиб боришмоқда. Шундай шароитда нима қилишимиз керак! Шубҳасиз, ернинг қўқурига қараб интилишимиз керак! Бунинг учун одамларни кўчиришнинг ҳожати йўқ, кўплаб қурилишлар учун маблағ ҳам сарфлаш шарт эмас. Ҳа, ер, ўша сув, ўша каналлар, ўша иншоотлар... Бунинг иқтисодий фойдаси беқиёсдир.

Мухбир. Сиз юқориди бир майдонга бир йилда ўттиз марта трактор оралайди, дедингиз. Қизиқ, бу тракторлар ерни юмшатишдан кўра кўпроқ қотирса керак! Кейинги пайтларда мутахассислар ўртасида резина гилдиракли тракторлардан воз кечиб, яна занжирли тракторлардан фойдаланиш тарафдорлари кўпаймоқда. Бизда илгари тишли гилдиракда ишлайдиган универсал тракторлар бўларди, тупроққа ботиб кетмас, ерни унчалик қотирмасди. Мана шу масалага қандай қарайсиз?

Олим. Биз ўтган йили ноябрь ойида Тошкентда Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясини ўтказдик. Унда тупроқнинг зичлинишига қарши кураш масаласи муҳокама қилинди. Конференция қатнашчилари келгусида ерларни ишлашда занжирли тракторлардан фойдаланишга ўтиш керак, деган қарорга келдилар. Бунда ернинг зичлиниши резина гилдиракли тракторлар юрганлигини 5—6 марта камаяди.

Биз кейинги йилларда текшириб қўрдик: пахта экиладиган ерларимизда микроблар камайиб кетибди. Одатда, бизнинг тупроқларимизнинг бир граммада 3—4 миллиард дона микроб бўлиши керак. Шу микроблар ўн марта камайган. Мана шу оғир тракторларнинг қайта-қайта ўтиши, сўнгра тупроқда чиринди моддаларининг камайиши натижасида чувалчанг қолмабди. Ваҳоланки, чувалчанг ерни то бир метр қалинликкача қавалб бора олади, тупроқни ўзидан ўтказиб, унинг структурасини яхшилабди. Ана шу табиий ер ҳайдовчиларимиз, афсуски, йўқолиб кетибди. Бунга, албатта, биргина тракторларнинг ерни қотиргани сабаб бўлиб қолмай, шу билан бирга деҳқончиликда гербицидлар, дефолиантлар, минерал ўғитларнинг берилиши ҳам чувалчангларнинг қирилишига олиб келмоқда.

Демак, биз тупроқларимизнинг

унмдорлигини ошириш учун унинг микробиология жараёнларини ҳам тиклашимиз керак. Буни ҳам биз қўлламоқчи бўлган деҳқончиликнинг янги системаси хал қилиб бера олади. Шу усулни қўллаган жойларимизда чувалчанглар кўпаймоқда, бўзанинг вилт касаллигига чалиниши камаймоқда.

Шу фикрга яна бир нарсани қўшмоқчиман. Деҳқончиликнинг янги системаси қўлланилганда, ёввойи ўтларга қарши кураш катта самаралар бермоқда. Бунинг дастлабки яхши натижаларини биз Фарғона областининг Бағдод районидаги «Москва» совхозини, «Большевик» колхозини, Андижон районидаги Карл Маркс номи совхозини, Избосган районидаги «Партия XX съездин» колхозини ва Наманган областининг Учқўрғон районинидаги Ленин номи совхозини тажрибаларимизда кўрмоқдамиз. Қаредкаки шу усулга ўтилган бўлса, ўша жойларда ерлар ёввойи ўтлардан қоли.

Мухбир. Фарғона vodiysida, айниқса Андижон областида кейинги йилларда бўз тупларини кўпайтиришга ружу қўйиш авж олиб кетди. Кўчат қанча кўп бўлса, ҳосил шунча ортиқ бўлади, дейиш оқсалади бир гектар ерда 110 мингдан 140 мингтага кўчат сақлаш одати кучайиб бормоқда. Пахтачилик олимни сифатида бунга қандай қарайсиз?

Олим. Бу масалада мутахассислар ўртасида ҳар хил фикрлар мавжуд. Шу фикринини айтидиган бўлишсам, мен умуман кўчатни қалин қўйишга тубдан қаршиман. Кўчатни шундай қўйиш керакки, у кўп бўлиб қолиб, кейин суғуринга ўхшаб ўсиб кетмасин. Менинчга, Андижон области шароитида, айтиялик, қора тупроқ ерларда кўчат микдори 80 минг тупдан, бўз тупроқда 90 минг, ёнбағир, куч-сиз, адир ерларда 100 минг тупдан ошмагани маъқул.

Мухбир. Яна бир мулоҳаза. Илга-

ри Андижон областида бўз қатор ораларини ўзунасига-кўндалангига юмшатиш ниҳоятда яхши йўлга қўйилган эди. Пахтакорлар агротехникани бу усулни қўлланишга жуда моҳир, омил бўлиб кетган эдилар. Кейинги пайтларда бу усулдан воз кечиб, фақат ўзунасига ишлов берилмоқда. Бўз қаторини ҳам илгаригидай сифати ўтказилмаяпти. Натижасида область территориясидаги пахта майдонларининг талай қисмини ажирик босиб кетди. Ажирик пахтамининг кам ҳосил бўлишига ёки кечга тортишига олиб келмоқда. Бу фикрга қандай қарайсиз?

Олим. Бўз қатор ораларига икки-ўқлама ишлов беришни жорий қилган ташаббускорлардан бири ўзимман. 1954—1955 йилдан бошлаб бу усулни кенг қўллаган эдик. Шунинг натижасида республикада пахта ҳосилни бирмунча оширишга муваффақ бўлдик. Лекин кейинги йилларда техниканинг қўпайиши, механизаторларимизнинг малакаси ортанглиги, ёввойи ўтларни йўқотиш қучайгани натижасида бўзаларни қаторлаб экишга кенг киришиб кетилди.

Тўғри, ёввойи ўтлар ҳозир анчагина авж олган. Айниқса ажирик, ғумай, булар пахта ҳосилининг ҳақиқий ва ашададий душмани. Улайиманки, бўзалар квадрат-уялаб экилса, уни пухта ўзлаштирган механизаторлар етарли бўлса, шубҳасиз, ишимизга катта наф етэди.

Яна тақдорлайман, ажирик, ғумай, курмак, шўра, итузум сингари ёввойи ўтлар кўп ўсадиган майдонларда биз жорий элтаётган янги усул, яъни ерларни 60—70 сантиметр чуқурликда ағдариб ҳайдаш жуда яхши натижа беради.

Мухбир. Мазмуни сўхбатингиз учун раҳмат, Мирзавали Валиевич!

Сўхбатни Рустам РАҲМОНОВ олиб борди

Шарк дурдонаси

Афсонавий Боғи эрам деганда, тилларда дoston бўлган гўзал Самарқанд назарда тутилган бўлса, не ажаб. Ҳақиқатан ҳам, қадимий ва ҳаммаша навоқирон шаҳарини кўрган ҳар бир кишининг қалби чексиз ғурур ва ифтихорга тўлмаслиги мумкин эмас.

Айтишларича, чет эллик саяҳатчилардан бири ақли пол қолдирадиган тарихий обидаларнинг ҳусн-жамолига маҳлиё бўлиб: «Дунёда етти мўъжиза бор, деб эшитган эдим, шунинг бири — Самарқанд», деб хитоб қилибди.

Бизнингча, сайёх шаҳарга баҳо беришда анча зикналиқ қилганга ўхшайди. Аслида Совет Шарқининг энг кўркем ва обод шаҳарларидан бири бўлиши Самарқандни бемалол дунё мўъжизаларидан биричиси дейиш мумкин!

Самарқанддаги тарихий-маданий обидалар: машҳур Регистон ва Шоҳнзидна ансамбллари, ўзининг улғурворлиги, гўзал меъморчилиги билан алоҳида ажралиб турадиган Бибихоним мадрасаси, Улғубек расадхонаси, шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турган Афросиёб мўзейи, Ўзбекистон республика маданияти ва санъат тарихи музейи кимларни мафтун этмайди дейсиз!

Ҳа, Самарқанд шаҳри сўнгги йилларда туризмнинг

йирик марказларидан бирига айланиб қолди. Бу ерга ҳар йили Ер кўррасининг турли бурчакларидан — Европа, Америка ва Осиё китъаларидаги етмишдан ортиқ мамлакатдан саяҳатчилар келишмоқда. Масалан, фақат ўтган йилнинг ўзиди 40 мингдан ортиқ чет эллик меҳмонлар шаҳарда бўлдилар. Турган гап, шаҳардаги ижтимоий ўзгартишлар, меҳнаткашларнинг турмуш тарзи меҳмонларнинг кўпроқ эътиборини тортмоқда. Шунини ҳам айтиш керакки, Самарқанд Опера ва балет театри, Алишер Навоий номидиги Самарқанд шаҳрида ўтказилган аjoyиб куларини сотирилганда узоқ сақланиб қолмади», деган сўзлар билан ифодалади.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа-лар ўрнатиш республика жамяти област бўлими, «Билим» жамяти област ташкилоти ҳамкорликда чет элдан келадиган меҳмонларни, умуман, шаҳарга ташриф буюрувчи бошқа

лар ташриф буюрадиган жойларга айланиб қолди. Шунини ҳам айтиш керакки, шаҳарда бўлган меҳмонлар ўзларига кўрсатилаётган хизматдан ниҳоятда мамун бўлмоқдалар. Аксарият сайёхлар, жулмалдан Германия Федератив Республикасида келган меҳмонлар ўз таасуротларини: «Самарқанд шаҳрида ўтказилган аjoyиб куларини сотирилганда узоқ сақланиб қолмади», деган сўзлар билан ифодалади.


Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа-лар ўрнатиш республика жамяти област бўлими, «Билим» жамяти област ташкилоти ҳамкорликда чет элдан келадиган меҳмонларни, умуман, шаҳарга ташриф буюрувчи бошқа

саяҳатчиларни яхши қутиб олиш, уларга намунали хизмат кўрсатиш мақсадида мутахассислар, олимлар билан, шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Шаҳарга келётган меҳмонларнинг сонини тобора ортиб бораётгани ҳисобга олинб, 500 ўринли янги меҳмонхона қуриб битказилмоқда. Ун олти қаватли бу меҳмонхонада саяҳатчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳа, қадимдан «Шарк дурдонаси» номи билан шўҳрат қозонган Самарқанд шаҳри ўзининг бугунги етук камоли билан жаҳонни ҳайратга солмоқда.

А. ҲАЙТОВ,
Н. САЙФИДИНОВ.



Самарқанд шаҳрининг Регистон майдониди тарихий обидалар ҳаммаша сайёхларда катта қизиқиш уйғотэди.



Чет эллик сайёхлар халқ даҳоси билан яратилган мўъжиза ёдгорликларни томоша қилмоқдалар.

МЕҲМОНЛАРГА БАҒРИМИЗ ОЧИҚ

Турди НОДИРОВ,

Ўзбекистон ССР Ҳужжатли фильмлар киностудиясининг
директори, СССР Давлат мукофоти лауреати

Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоиловнинг бир кўшиғи ёдингиздами? «Тошкент Шарқ мешъалия» деб куйланади бу кўшиқда. Дарвоқе, Шарқнинг энг улғувор, машҳур шаҳарларидан бири ҳисобланган жонажон Тошкентимиз ўзининг меҳмоннавозлиги, дастурхонининг тўкин-сочинлиги билан ҳам азалдан олис қитъаларда яшовчи дўст-биродарларимизнинг қалбларини мафтун этиб, яхши ниятли кишиларга ҳамisha бағрини кенг очиб келди. Бағри кенглиги тўғрисида республикамиз пойтахти кейинги ўн йилликлар ичида Халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказга айланма қолди. Ана шундай анжуманларнинг бири бўлмиш — ҳар икки йилда ўтказилаётган уч қитъа киносанъати вакилларининг форуми умумсанъатимизнинг ривожига ўчмас излар қолдирмоқда. Анжуман программасида тинчлик, дўстлик, халқлар озодлиги ва ижтимоий тараққиёт ўз аксини топмоқда.

Набатдаги бу анжуманга эндигина мустақилликка эришиб, киносанъат оламга илк бор тетапоа қадам қўяётган мамлакатлар билан бир қаторда, ўз фильмлари билан дунёнинг деярли барча қисмида жуда қадимдан шуҳрат таратган Мексика, Ҳиндистон, Япония мамлакатларининг етук кино намояндалари ҳам бир хил имтиёз ва бир хил шарт-шароитда қатнашилари учрашувлардаги ўзаро мулоқотни кенгайтиради, мусохабаларнинг яхши ўтишини таъминлайди. Шу ваҳдан бўлса керак, фестивал Ташкилий комитетиغا, ер юзидagi катта-кичик мамлакатлардан киноанжуманда иштирок этишга хоҳиш билдирилган хатлар тинимсиз келиб турди.

Биз фестивалда мезбонлик вазифасини ўташ билан бирга ўзимизнинг

кинофильмларимиз билан ҳам иштирок этамиз.

Дарҳақиқат, Тошкент кинофестивалини машҳур ҳинд кинорежиссёри Мринал Сеннинг олтин кўприк, деб таърифлаши бежиз эмас.

Киноанжуман ўз иштирокчиларини эзгулик йўлида ҳормай-толмай курашишга даъват этади. Демак, улар томонидан яратилган фильмлар ҳам тинчлик, халқлар озодлиги ва ижтимоий тараққиёт йўлида хизмат қилиши ўз-ўзидан аёндыр. Фикр ва ғоялар муштараклиги кино мухлисларига маънавий озиқ беради, ижодкорларнинг ўзига эса обрў ва шуҳрат келтиради.



Биз ҳамisha тинчликни тараннум этамиз ва шу йўлда садоқат билан хизмат қилиб келмоқдамиз. Айни пайтда халқор кескинлик кучаймоқда. Тиш-тирноғигача қуролланган империалистик кучлар зўр бериб, ер юзида яна даҳшатли уруш оловини ёқшига уринмоқдалар. Бу биз киношуосларнинг олдига мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйиб, янада ҳушёр туришга қақиради. Биз капитализмнинг жирканч сиёсатига қарши, қурол-яроғларни кўпайтириш билан эмас, балки инсоний, энг

олижаноб фазилатларни, юксак ҳистуйғуларни, эзгуликни, ёмонлик устидан яхшиликнинг ғалаба қозонашига ишонч қўйиб, яратаётган фильмларимиз билан мана шу даъватга «лаббай» деб жавоб бермоғимиз, халқлар қалбига кириб бормоғимиз лозим.

Биргина бизнинг студиямиз фестивалга «Икки миллион чехра», «Қизил-қумни саҳро деб атаманг», «Пахта даласидаги жасорат», «Мен қишлоқда яшайман», «Мен тўқувчиман» каби кино картиналари билан қатнашди. «Ўзбекистон—84» фильми эса, йил бошидан то фестивал очиладиган кунгача Ўзбекистон ҳаётида бўлиб ўтган муҳим воқеалар, ўзгаришлар ҳақида киноя қилади. Кинорежиссёр Ҳожимурод Иброҳимов бошчилигидаги киногруппа бу фильм устида изленишлар олиб бормоқда.

Атоқли кинорежиссёр, студиямизнинг бадиий раҳбари Малик Қаюмов бўлажак фестивалнинг унутилмас дамларини кинолентага тушириб, икки қисмдан иборат фильм яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Биз меҳмон ҳамкасбларимиз билан кинотеатрларда, завод ва фабрикаларда, республикамиз пахта далаларида, чўпонлар орасида, бутун Ўзбекистон бўйлаб қиладиган сафарлари давомида мулоқотда бўламиз.

Уч қитъа кино вакилларининг яратган фильмлари республикамиз кинотеатрларида кенг намойиш этилади. Анжуман давомида машҳур киноақтиёрлар билан томошабинларнинг учрашувлари мунтазам ўтказиб борилади.

VIII Халқаро Тошкент кинофестивали аэваллгидек бу сафар ҳам халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, башариат эзгу ниятларининг тантанаси учун хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.



А. HOЛИҚОВ чизган расм

ЁРДАМЧИ ХАЗИНА

Ачахон Иномова қолхоз ёки совхоз фермасида ишламаса ҳам, Чортоқ районининг машъал сут соғувчиларидан бири саналади. Бир неча йил муқаддам у Чортоқ Пахта тозалаш заводига иш бошлаган эди. Уша

йилнинг ўзида корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб беш бош қорамол сотиб олинган эди.

Маълумки, мазкур завод Фарғона водийсида ипак пахтаи қуритиш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган ягона корхона ҳисобланади. Заводга областнинг уч йирки пахта таёкёрлаш пункти хом ашё етказиб беради. Утган йили бу корхонада 400 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» қайта ишланган бўлиб, шундан 8 минг тоннасини қимматбаҳо ипак пахта ташкил этган эди. Бу муваффақиятлари учун завод коллективи Ўзбекистон ССР Енгил sanoати министрилиги ҳамда Наманган область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил Бағроғига сазовор бўлди.

Бундан икки йил муқаддам завод қошидаги ёрдамчи хўжаликни янада

кенгайтириш тўғрисида тadbирлар ишлаб чиқилган эди. Натижада қорамоллар 46 бошга, совлиқлар эса 86 тага етди, товуқлар сонини 520 дан ошиб кетди.

— Озиқ-овқат программасини амалга ошириш мақсадида бу ерда қилинаётган ишлар самарали бўлмақда, — дейди завод директори Дадаҳон Умрзоқов. — Ишчиларимизнинг ҳар кунини сут, қатиқ, тухум сингарин зарур маҳсулотлар билан бепул таъминламоқдамиз. Ёрдамчи хўжаликда ҳар йили 5 тонна гўшт, 35 тонна сут, 3,5 минг дон тухум етиштирилади. 140 ўринли болалар боғчасидаги кичкинтойлар ҳам ёрдамчи хўжаликда етиштирилётган маҳсулотлар ҳисобига таъминланади. Қисқаси, ёрдамчи хўжалигимизни бемалол ёрдамчи хазина деб айтаверсак бўлади. Ёрдамчи хўжаликда атиги

беш киши меҳнат қилади. Опоқ тонларни фермада қарши олиш Ачахон опа учун одат тусига кириб қолган. Заводда меҳнат кунини бошлангунга қадар у 18 бош говмишни соғиб, идишларни серқаймоқ сут билан тўлдириб қўйишга улғуради.

Бувабой Раҳматов ҳам — ёрдамчи хўжаликнинг жонқуярларидан. Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашда унинг хизмати таҳсинга лойиқ. У 10 гектар майдонда беда ва сабзавот экинлари етиштиради. Заҳматкаш деҳқоннинг меҳнати тўғрисида заводга қарашли ошхоналар сабзавот ва ошқўнлар билан ҳам узлуксиз таъминланаётган.

Хуллас, Чортоқ пахта тозалаш заводи коллективининг озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш йўлидаги мақсадлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Тўлқин ЭШБЕКОВ



ЯШИЛ МЎЪЖИЗА

Болтабой ЮСУПОВ

Меҳнат — бойликнинг отаси бўлса, ер — унинг онасидир, деб таъкидлаган эди Карл Маркс. Лекин ер ҳам турлича бўлади. Ерлар борки, табиатнинг барча эҳсонларидан баҳраманда — эҳканинг беҳато униб чиқади, бир хили эса заранг каби қаттиқ, бетмон урсанг ўт чакнайди.

Шу боисдан ҳам деҳқонлар жуда қадимдан оқ ернинг унумдорлигини янада ошириш учун тупроқнинг физик ва қисман, нимёви хоссаларига таъсир қиладиган турли воситалардан фойдаланиб келганлар: ариқ-зовурлар қазиб, сув чикарганлар, ернинг паст-баланд жойларини текислаб, уларни суғоришга мослашганлар, ерларни ағдариб, тупроққа ишлов берганлар.

Шунингдек, улар экин майдонларини тупроқ унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланган маҳаллий ўғит билан тўйнтирганлар. Ариқ-зовурларни қазиб ва тозалаш натيجасида қирғоқларда тўпланиб, кўп муддат кувёш нурида қизиб, таркибида табиий чиринди ҳосил бўлган тупроқларни, шунингдек, эски иморатларнинг тупрогини ва бошқа органик моддаларни ерга сешганлар. Бу моддалар тупроқ таркибидagi микробиологик жараёни тезлаштирган.

Ота-боболаримиз ерларнинг унумдорлиги экинлар хили ва уларнинг алмашигиб туришига ҳам боғлиқ эканлигини ўз тажрибаларида синиб кўришган. Масалан, ҳадеб маккажўҳори ёки бугдой экилиб, тупроқ таркибида бора-бора шу экинлар учун энг зарур моддалар камайиб кетиши оқибатида чамаларга ҳосил олинавермасе, одамлар бундай ерларни «даққи бўлиб қолган» деб ҳам айтишган. Шунинг учун алмашлаб экишни ҳам қанда қилмаганлар.

Илм-фан тараққий этиб боргани сари тупроқдаги микробиологик жараёнга таъсир қилишининг сунъий усуллари ҳам кенгроқ жорий этила бошланди. Шулардан бири экин майдонларига тупроқ таркибида ўсимликнинг ривожини учун биологик омил аэзифасини ўтайдиган, органик бирикмалар ҳосил қиладиган минерал моддалар (азот, фосфор, калий, гипс ва бошқалар)ни солишди. Бу моддалар ҳар хил ўғитлар шаклида далаларга олимларнинг таъсияларига кўра маълум бир муддатлардагина солинад, албатта.

Қишлоқ ҳўжалигини жадал ривожлантириш вазибалари янги-янги имкониятларни қидириб топишни тақозо этиди. Шу сабабдан фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш билан бир пайтда партов ерлар ҳам қишлоқ ҳўжалиги тасаруфига киритили бошланди. Кейинроқ кўриқ ва бўз ерларни, сўнгра, даштлар ва чўлларни ўзлаштириш бошланди. Лекин, очигини айтганда, экин майдонларининг ҳаммасидан ҳам қулганлик ҳосил олинаётгани йўқ. Ҳосилдорлиқни ерга солинадиган минерал ўғитларнинг миқдорини ошириш ҳисобига кўпайтириш учун бўлган урнишлар эса, кўпинча кўнгилсиз ҳодисага — тупроқда микробиологик жараёнинг бузилишига олиб келди. Натижанда пахта майдонларида вилт касаллиги пайдо бўла бошлади. Бунга ҳатто пахта сортларини алмаштириш билан ҳам барҳам бериш имкони бўлмай қолди. Масалан, бу касаллик кўп тарқалмаган келарда 108-Ф навли гўза

вилтга қарийб 25 йил бардош берган бўлса, кейинги йилларда яратилган навлар нари борса 6—7 йилдан сўнг бошқа нав билан алмаштирилмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Илмий тадқиқот институтларида ўтказилган кўплаб тажрибалар тупроққа солинадиган азот нормасини ошириш билан пахта майдонларида ҳосилдорлиқни кўтариб бўлмаслигини кўрсатди. Оммавий тарзда ўзлаштирила бошланган йилларда, Мирзачўл ва Жиззах, Сурхон-Шербод ва Қарши чўлларида пахта ҳосилдорлиги мутгасил ошиб борарди, гўза вилтга чалинмасди. Эндикда бу ерларда ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 30—32 центнердан ошмапти. Минерал ўғитлар нормасининг оширилиши ёки камайрилиши ҳам ҳосилдорлиққа деярли таъсир кўрсатмапти, балки ерларга солинадиган у ёки бу турдаги ўғит нормаси оширилган жойларда тупроқ структураси бузилиб, пахта толасининг сифатига ва чигитнинг ёғиллиги даражасига салбий таъсир кўрсатаётгани кузатилмоқда. Гал шундаки, пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ҳозирги пайтда республикамиз колхоз ва совхозларида экин майдонларининг ҳар гектари ҳисобига солинадиган 200—400 килограмм азот, 100—200 килограмм фосфор ва 75 килограмм микқдордаги калийли ўғитларнинг ҳаммасини гўзалар тўла «ҳазми» қила олмапти.

қурбақа тўни деб ҳам аташади. Аслида эса бу ўша бир ҳўжайрали ўсимлик бўлиб, уни микроскоп ёрдамидагина кўриш мумкин.

Олимлар ана шу яшил ўт — хлореллани тупроқдан ва сувдан ажратиб олиб, сунъий шароитларда кўпайтириш йўллари топлалар. Эндикда уни республикамиз халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида қўллаш имкониятлари аниқланмоқда. Хлорелла, даставвал, чорвачилиқда, паррандачиликда ва пиллачиликда қўлланила бошлаган эди. Хлорелла суспензиясидан сановат корхоналаридан чиқадиган сувларни, ҳовуларни биологик жиҳатдан тозалашда фойдаланса бўлади. Хлореллани пахтачиликда ҳам қўллаш методикаси ишлаб чиқилди. Олимлар чигитни хлорелла суспензиясида ивитиб экишни, уни ерларга шудгорлаш вақтида ва шудгор устидан ҳамда гўза 2—3 та чин барг чиқарган ва шоналаётган пайтларда ўсимлик устидан сепишни таъсия қилдилар.

Утган йили Эллиққалъа районидagi «Октябрь 60 йиллиги» совхозида 400 гектар ерга чигит хлорелла суспензияси билан ивитиб экилган эди. Совхоз директори А. Тожиев шундай хўжа қилади:

— Хлорелла бамисоли мўъжиза экан. Авваламбор, чигит хлорелла суспензияси билан ивитиб экилган майдонларда тупроқнинг табиий нами воситасида 7—8 кундаёқ беҳато униб чиқди, гўза яхши ривожланди,

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

Ҳўш, гўза «танавуви»дан ортб қолган минерал моддалар қайқа кетади? Тупроқшунос олимларнинг фикрларига қараганда, гўза ривожланиш мобайнида ерга солинган азотнинг атиги 45—60 процентини ўзлаштирилади. Қолган қисми эса ўсимликнинг ривожланиши, ҳосил туғиши каби жараёнларда қатнашмайди, акинча, тупроқ таркибидagi нитрат тузларни салмоғининг ортб кетишига, атмосферанинг ифлосланишига сабаб бўлади.

Аниқланишча, ўсимликда унга солинган минерал моддалар ва айниқса, азотни «ҳазми» қилиш даражасини ошириш мумкин. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг тупроқ микробиологияси лабораториясида биология фанлари кандидати Исмоил Жуманов раҳбарлигида ўтказиб келинадиган илмий ва амалий тадқиқотлар шунки кўрсатдики, тупроқ таркибидagi митти микроорганизмлар, масалан, бир ҳўжайрали ўсимликлар олисига мансуб яшил сувўтлар (хлорелла, сценедемус) ерга солинадиган минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиш даражасини оширишга кўмаклаша олади.

...Баҳорнинг илиқ кунлари ва ёз ойларида ариқ-зовурларнинг қирғоқларида, экинзор четларида ўсимликларнинг илдиз атрофларида тупроқ бетини яшил рангли парда қоплайди. Қўлмак сувлар юзюда ҳам шундай рангли парда бўлади. Одамлар бунини

касалликларга чалинмади. Тёз шоналаб, гулга кирди. Август ойининг ўрталарига бориб, ҳар туп гўзада одатдаги усулда экилган ерларга қараганда 2—3 тадан ортиқча кўсак санади. Пахта ҳам 10—15 кун эрта очилди, ҳатто гўзанинг устки қисмидаги кўсаклар ҳам йғим-терим оммавий туз олгунга қадар тўла пишиб етилди.

Мана, бир неча йилларки, Шовот районидagi барча колхозларда, Беруний районидagi Беруний номили совхозда, Навоий номили ва Махтумқули номили, Урганч районидagi Охунбобоев номили, Вобкент районидagi Калинин номили ва Урта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозларида чигитни хлорелла суспензиясида ивитиб экилаётди. Утган йили республикамизда хлорелладан фойдаланилган пахта майдонлари 10 минг гектардан ошиб кетди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг директори, академик Ахром Музафоров қизиқ бир мисол келтиради: — Яшил сувўтнинг катталиги 3—10 микро атрофида бўлган шарсимон ё эллипс шаклидаги жажжи ҳўжайралари таркибида оқсил, карбонсувлар, ёғлар, азот, фосфор кислотаси, минерал тузлар ҳамда бошқа макро ва микроэлементлар борки, улар тупроқдаги карбонат ангидридга гасини ўзлаштирган ҳолда ўзлари касилород чиқариб, тупроқни углеводлар билан бойиатади, унинг азрацияси

ва ҳаво режимини яхшилайтиди, азотли бирикмалар ҳосил қиладиган бактерияларнинг ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар яратади. Сувўтнинг ана бир хўсусияти шундаки, у тупроқ азрацияси жараёнида ёки ўсимлик баргида юз берадиган фотосинтез орқали ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб, унинг минераллашувини ва тупроқда чиринди ҳосил бўлишини тезлаштиратади. Маълумки, тупроқнинг биологик ҳолати яхшилаши ва унумдорлиги ошишига айнан шу органик моддалар ёрдам беради.

Олимнинг сўзларини пахтачиликда хлорелла қўлланишининг яшиқни олган деҳқонлар амалда тасдиқлашди. Фақат баъзи бировлар хлорелла суспензияси билан ивитиб экиладиган чигитнинг туқсилантирилмаган ва захарли химикатлар билан дориланмаган бўлиши кераклигидан бир оз чўчқиришади. Улар чигит униб чиққач, гўза ниҳоллари илдиз чиршии ва шунга ўхшаш бошқа касалликларга чалиниб қолмаслиги учун эҳтиёт чораси сифатида шундай дорилаш тўғрисидаги талабларга ишора қилишади. Ваҳоланки, дориланган чигит хлорелла суспензияси билан ивиладиган бўлса, яшил сувўт ҳўжайраларининг кўпгина қисми ўлиб кетади. Тоза чигитга шимдирилганда эса, яшил сувўт танасидаги хлорофилл доначалари чигитга маҳкам ёпишиб қолади ва ерга тушган, ҳўжайралар бўлиниб, янада тез кўпаяди. Ҳўжайралар ўзидан шиллиқ моддалар ажратиб туради ва ердаги микроорганизмларни бириктириб, тупроқнинг дондорлигини оширатади.

Агар чигит хлорелла суспензияси билан ивитиб экилган ва кейинчалик ўсимлик устидан хлорелла сепилган далаларга бориб қолсангиз, яшил сувўтлар чиндан ҳам яшил мўъжиза эканлигига амин бўласиз. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг: бир гектар ерга норма бўйича экилиши лозим бўлган чигитни ивитишга, гўза 2—3 чин барг чиқарган ва шоналай бошлаган пайтларда ўсимлик устидан сепишга жами 6 тонна хлорелла суспензияси ишилайтилади. Шунча миқдордаги яшил сувўтнинг тայёрлаш учун эса нари борса 4 сўм атрофида маблағ сарфланади. Чигитни экиш олдидан фентиуром билан дорилаш учун сарфланадиган маблағнинг тежаб қолинини ҳисобга олмаганда ҳам, хлореллани қўлланиш туфайли ҳар гектар ер ҳисобига келадиган қўшимча 250—350 сўм соф фойда олднда бу арзиманган харажат эмасми? Дала шароитида ўтказилган кўп йиллик тажрибидан, хлореллани чигитни ивитиб экишда, гўзанинг устидан сепишда қўлланилган ҳўжайраликларнинг эришган натижаларидан шу нарса маълумки, хлорелладан тўғри фойдаланилса, ҳар гектар ердан олинладиган пахта ҳосили ана қанда 5—7 центнерга кўпайиши мумкин.

Яшил сувўтнинг деҳқончиликда қўлланишининг она табиати муҳобада қилиш борасидаги аҳамияти ҳам қатта. Олимлар ва тажрибакор пахтакорлар хлорелла қўлланилганда, илгари вилт касаллиги билан зарарланган далаларда ҳатто 108-Ф нави экилган тақдирда ҳам гўза илдиз чирши ёки вилт касалига чалинмаганини таъкидлашди.

Пахтачилигимиз истиқболли бугунги кунда айнан ана шундай умрбоқий ечимлар ва ҳулосаларни тақозо этмоқда. Яшил сувўтнинг мўъжизаси умрбоқийдир.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

«Ҳар бир ёш инсонни мактаб, оила, ишлаб чиқариш коллективлари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъатнинг, бутун жамоатчилигимизнинг бирлашган куч-ғайрати билан меҳнатга оғли эҳтиёжин сезиш руҳида тарбиялаш иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга молик вазифадир».

(КПСС Марказий Комитети «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасидан).

Дарҳақиқат, истиқболимиз эгалари жисмоний бақувват, маънавий дунёси юксак, келажаги порлоқ совет ёшларидир. Улар ривожланган социализм давр-давронимизнинг суялган тоғлари, она-Ватанимизнинг кўз қорачиқлари, коммунистик дунёнинг навқирон бунёдкорларидир.

«Бола азиз, одоби ундан азиз», дейди халқимиз. Пурқикмат бу мақолда бир дунё маъно ва мазмун мужжасам. Шу маънода оила жамиятнинг кичик бир ячейкаси сифатида муҳим мақога эга бўлиб, бошланғич тарбиянинг манбаи ҳисобланади. Бола тарбиясининг ибтидо ва интиҳоси ҳам оила билан боғлиқ. «Онасини кўриб, қизини ол, арқонини кўриб, бўзини ол», «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ҳикматлар замирида ҳам олам-олам мазмун яширин. Шунинг учун ҳам ёшлар тарбияси энг муҳим масалалардан биридир.

Ҳа, социалистик тузум шароитида ёшлар тарбияси алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз тақдирини, ривожланган социализм тақдирини бугун, эрта ва келажакимиз ёшлар тақдирини билан чамбарчас боғлиқ. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлган учрашувда: «Замон ёшларнинг фойдасига ишломқода... фақат бизнинг ўрнимизни Октябр байроғига, Ленин голярига асло хиёнат қилмайдиган, ўз ишини мирдан-сиригача яхши биладиган кишилар олишларига ишончимиз комилдир», деб таъкидлангани бежиз эмас.

Ёшларни муносиб кишилар қилиб тарбиялаш муаммоси — фақат бизнинг кунларда келиб чиққан масала эмас. Шарқ халқлари азал-азалдан бу соҳага ҳам алоҳида аҳамият бериб келганлар. «Қутадғу билик», «Маҳбуб ул-қулуб», «Қобуснома», «Бўстон», «Гулистон», «Калила ва Димна» каби классик асарларда бу борада айtilган гаплар фикримизнинг ёрқин далилидир. Одоб-ахлоққа доир ҳикматларни меҳнаткаш халқимиз асрлар давомида кўз қорачиқдек асраб келмоқда.

Совет педагог олимларининг ахлоқ-одоб бобидаги тадқиқотлари ҳам меҳнаткаш халқ яратган бой меросни бойитиб бормоқда. Бу борада мен узоққа бормасдан, шундоққина сизу биз билан энма-ён яшаб, ижод қилаётган педагог олимларимиздан бири, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети педагогика кафедрасининг муdiri, профессор Раҳимжон Усмоновнинг ижодий фаолияти ҳақида фикр юритмоқчиман.

Раҳимжон Усмонов «В. И. Ленин намунасида авлодини тарбиялаш», «Фарзанд — умр меваси», «Ҳаёт — усто, халқ — муаллим», «Дилнома» деб аталган рисоалар яратди. У газета ва журнал саҳифаларида «Одобнома», «Саодатнома» сарлавҳалари остида эълон қилиб бораётган мақолаларида марксизм-ленинизм классикларининг таълим-тарбияга оид назарий қарашларини тарғиб-ташвиқ этиб келаётир. Илгор педагогларнинг, тарбиячи ва ота-оналарнинг тажрибалари, узоқ йиллик педагогик фаолияти тўғрисида юзага чиққан умр сабоқлари унинг илмий тадқиқотларига асос бўлди. Булар кенг китобхонлар оммаси учун ўткир тарбиявий таъсир қуроли бўлиб қолди. Шунинг ҳам мамнуният билан қайд этиш лозими, Раҳимжон Усмонов Ленинномани тадқиқ этиш мақсадида узоқ йиллик илмий изланшлар олиб борди. Олим ўзбек адабиёти ва санъатида яратилган Ленинномани тарихий жараёни ва қалам соҳиблари томонидан мадҳ этилган ҳўйга хос бетакор улғу фазилатларини кунт билан ўйганди ва шу асосда таълим-тарбия методикасини ишлаб чиқди. «В. И. Ленин намунасида ёшларни тарбиялаш» асарида доҳининг мислсиз ақл-заковати, башоратгўйлик фазилатлари, энг оддий инсонга хос камтарлиги, шунингдек, шухратпарастлик, манманлик, кибру ҳаво, лаганбардорлик, қарсақбозлик каби иллатларга нафрати жонли мисолларда кўрсатилади. Ленинча ишлаш, ленинча фикр юритиш, ленинчасига фидойи бўлишга даъват китобхон учун аjoyиб сабоқ ролини ўтайди.



Муаллифининг рисоалари ва илмий методик мақолалари, жумладан, «Ҳаёт — усто, халқ — муаллим» деб номланган асари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Атоқли совет педагоглари В. И. Калинин, Н. К. Крупская, А. С. Макаренко, В. А. Сухомлинский, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Тошмухаммад Қориниёзий каби салафлар ҳамда замондош педагогларнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари атофлича ва чуқур тадқиқ этилади. Олимнинг ярим аср давомида орттирган педагогик тажрибаси ва ҳаёт сабоқларидан келтирган ибратли мисоллари унинг асарларига алоҳида ҳажим бағишлайди. Педагогик нуқтаи назардан теран фикр-мулоҳазалар ҳаёт гулшанидан таллаб терилган гулдаста, ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган долзарб масалалар бўлиб

миратнинг актив қурувчиси қилиб тарбиялашдек улғу ва шарафли ишга даъват қилинган. Ано шу ҳолатни муаллиф маҳорат билан ифодалайди. «Мақтаб — ёшлик гулшани, болалар эса, гулшанининг бебаҳо ниҳоллари, усто, ўқитувчилар — бу гулшанининг доно соҳибқирлари... У кўқартирган ниҳолларнинг ноёб ҳосили авлоддан-авлодга ўтиб, ундан эл баҳраманда бўлаверади». Рисоланинг қиммати яна шундаки, муаллиф халқ педагогик меросига ижодий ёндашади, уни давр билан уйғунлаштиради.

Раҳимжон Усмоновнинг «Дилнома» деб номланган асари китобхонларга ниҳоятда манзур бўлди. «Дилнома» қадимий анъанавий шаклда — устоизнинг шоғирд билан дил суҳбати тарзида ёзилган. Бу шакл ҳаётнинг ахлоқ, одоб бобидаги хилма-хил эҳтиёжларидан келиб чиқиб, долзарб муаммоларни содда ва таъсирчан баён қилишга имкон беради. Раҳимжон Усмоновнинг китобларини баҳолаган баъзи тақризчилар «Ҳаёт — усто, халқ — муаллим» рисоласини «ХХ аср қобусноми», «Дилнома»нинг эса «Уқитувчи поэзияси ёки одоб-ахлоқ ҳақидаги поэма» деб атадилар.

Дарҳақиқат «Дилнома»даги услуб ўзбек совет педагогикасининг ҳаётга янада яқинлашганини кўрсатади. Муҳим ҳаётий масела ва муаммолар содда баён этилгани тўғрисида китобхон саҳифадан-саҳифага ўтишга шошилади, маъно ва мазмун тўлиқнида сузаётганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Раҳимжон Усмоновнинг вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган, ҳозир эса китоб ҳолида нашр этилаётган «Одобнома» ва «Саодатнома» асарлари оммавий суратда катта қизиқиш уйғотмоқда. СССР Педагогика фанлари академиясининг президенти академик Михаил Иванович Кандановнинг сўнги йиллар давомида педагогика ва психология фани соҳасида эришилган ютуқларга баҳо бериб, Совет Иттифоқидаги бир қатор олимлар муваффақиятларини шарҳлаган ҳолда: «Улғу рус педагогларининг анъаналарини, хусусан халқ педагогикасининг бой меросини ижодий ўрганиб, ижодий ривожлантираётган олимлардан бири Раҳимжон Усмоновдир», деб таъкидлаши бежиз эмас.



Жиззах Трикотаж фабрикаси коллективни ҳар йили катталар ва кичиктойларга мўлжалланган кийим-бош ишлаб чиқаради. Эллиқдан ортиқ турдаги махсулотнинг йигирма турига Давлат сифат белгиси берилган. Суратда: корхонанинг калавалаш цехида.

А. Жданов фотоси

Партия ветеранлари билан бўлган учрашувда: «Умуман ёшларнинг хусусиятларини эътиборга олиб, улар билан ишлаш ва доимо ишлайвериш керак», деб таъкидлангани бежиз эмас. Ҳар бир партия ва меҳнат ветерани ёшларнинг мураббийси бўлиши керак, деган фикр замирида бир дунё маъно бор. Жамият аъзоларини коммунистик одоб-ахлоқ асосида интизомли, ақл-идроқли, чинакам бунёдкор, ватанпарвар, интернационалист граждандар қилиб тарбиялаш доимий ва изчил кундалик ишимиз бўлиб қолмоғи керак.

Зеро, «ёшларни гоъвий, сиёсий руҳда тарбиялашга, уларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришга, масъулиятни ҳис этиш, уюшқоқлик ва интизом руҳида тарбиялашга нисбатан талаблар ошиб бормоқда», дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасида.

Раҳимжон Усмоновнинг Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги тавсияси билан «Уқитувчи» нашриёти чоп этган рисоалари партияимиз олдинга сураётган вазифаларга хизмат этиши билан ҳам қимматлидир. Шу сабабли маъзур рисоаларни жамлаб, ўзбек ва рус тилида алоҳида китоб ҳолида кўп нусхада чоп этилса, айна мудоао бўлур эди. Бу маърифий иш қанча тез бажарилса, шунча кўп маънавий фойда келтириши мумкин.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Ислом ШОҒУЛОМОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори,
тарих фанлари кандидати

Буюк олимларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз ўзларининг ўлмас асарларида билим ва илм чашмаси бўлган китобнинг сермазмун, сержило сатрларини оламни чароғон шуъласи билан нурафшон этувчи офтобга қиёс этадилар. Мана шу муқаддас маънавий хазинани авлодлардан авлодларга гард юқтирмай етказишда ўз касбининг фидойилари бўлган матбаачиларнинг хизматлари каттадир. «Зар қадри» ни заргар билади. Бу нақд ана шу касб кишилари ҳақида тўқилгандай туюлади. Зеро, улар инсон қалбининг офтоби бўлмиш китобни ҳамisha меҳр-муҳаббат билан эзозлайдилар.

Инсон меҳнатда тобланади, деб бежиз айтилган, албатта. Бунинг асл маъносини полиграфия саноатида завқ-шавқ билан ишлаётган қўли гул усталарнинг сермашқат, мураккаб ва нозик ишларининг қанчалик зарур ва шарафли эканлигини миллион-миллион газетдон ва журналхонларимиз яхши билишади, уларни қадрлашади.

Отaxon адибларимиз Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратӣ, Шароф Рашидов, Сергей Бородин, шунингдек, Уйғун, Михаил Шевардин, Назир Сафаров, Абдулла Қаҳҳор, Комиля Яшин, Зулфия, Сарвар Азимов, Александр Удалов, Раҳмат Файзий, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Борис Пармузин каби таниқли ижодкорлар газета ва журналлар редакцияларида, нашриётларда меҳнат қилаётган даврларида ўз ижодий маҳсуллари қандай рўбга чиқаётганини босмаҳонада, яъни унинг ҳарф териш, чоп этиш ҳамда китобларни муқовалаш цехларида ўз кўзлари билан кўриб, уста матбаачилар, полиграфия саноати раҳбарлари Юнус Юсупов, Василий Архангельский, Тоживой Исоқов, Ҳошим Олимов, Йўлдош Қосимов, Аким Мазор, Виктор Кузнецов, Зикрилла Умурақов, Мирлатиф Миртемиров, Асқар Абдурахмонов, Маҳмуд Нигматуллин, Анатолий Карташев, Федор Леонтьев, Борий Қамбаров, Нуъмон Ваҳобовлар билан яқиндан алоқада бўлганлари, бўлаётганлари ҳаммамизга маълум. Улар ўз асарлари саҳифаларининг сатрлари ҳарф терадиган машиналарда сўзма-сўз терилиб, китоб саҳифалари шаклига

келтирилиб, тайёрланиш жараёнининг қанчалик мураккаблигини тўла ҳис этадилар. Шунинг учун ҳам адиб билан матбаачи мутахассиснинг ижодий ҳамкорлиги яхши натижа беради.

Ижод ва ижро машаққати асарнинг дунёга келиши йўлидаги ҳал этувчи омиллардан биридир. Бу борада амалга ошириладиган ишларнинг ижобий натижаси матбаачининг маҳорати, замонавий машиналарнинг «биллимдонлиги», ишлаб чиқаришдаги меҳнат муҳити ижодийлигига ҳам боғлиқдир. Босмаҳона цехларида ўрнатилган ўта сўзгир машиналарни ўз ишининг моҳир устаси, билимдон киши бошқарса, технологик жараёнлар тўғри ташкил этилса, тайёрланаётган китоблар жозибали, нафис ва оқори сифатли бўлади. Бу шарт-шароитлар матбуот ва матбаа ҳамкорлигини жонлантириш соҳасида алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, газета-журналлар ва китоблар маънавий тўлиқлиги ва маданий-полиграфик ижросининг жозибадорлиги билан ўқувчиларни ўзига жалб қилиши, мафтун этиши — ижодкор ва ижронининг асосий мақсади ва эзгу нияти, десак хато бўлмайди.

Ижодкор ўз асарининг жозибадор, сермазмун, замонавий, актуал, ўқишли бўлиши учун жон куйдирса, матбаачи мутахассислар босмаҳонада тайёрланиб, рўбга чиқаётган асарларнинг нафис ва чиройли чиқиши учун ўзларининг билим ва маҳоратларини тўла сарфлайдилар. Ижод соҳиби билан ижронининг меҳнатдаги бирлиги ва ҳамкорлиги ноширларнинг нафис, кўркем, чиройли, замон талаби даражасига етишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Маълумки, авторнинг ҳар бир мақола, очерк, ҳикоя, лавҳа ёки оқддий хабари редакция ходимлари томонидан ишланиб, маромига етказилади. Бу қўл-ёзмалар, матбуот тили билан айтганда, адабий ходимларнинг қўлида пишитилиб, редакция бўлимида расмий масъул секретарь, бош редактор муовини ва бош редактор томонидан тасдиқланганидан кейин босмаҳонанинг ҳарф териш цехига келиб тушади. Босмаҳона мутахассислари — матбаачиларнинг иш жараёни шу ердан бошланади. Ҳарф териш цехида моҳир усталар бошқарадиган ўта сўзгир ва ақлли машиналар қисқа дақиқаларда мақолаларни ўта тезкорлик билан фото-плёнка ёки кўрғошинга кў-

радиради. Бизнинг техник иборамиз билан айтганда, терилган набордан нусха олинди, текст нусхаси ўқилиб, иш жараёнида йўл қўйилган имловий ва стилистик хатолар ҳарф терувчилар томонидан тузатилади. Сўнгра макет бўйича гранкалардан саҳифалар яратилади. Бу саҳифалардан фото-кўчирмалар олинади. Моҳир матбаачи-рассомлар ушбу фотонусхаларни сарлавҳа, рубрика ва суратларнинг нусхалари билан тўдирадилар. Турли бўлақлардан монтаж қилинган саҳифаларнинг нусхалари махсус эмulsion билан қопланган пўлат формага кўчирилади. Саҳифаларга кимёвий ишлов берилиб, улардан босма шакл тайёрланади, бу металлга ўтказилган саҳифалар махсус агрегатларга ўрнатилади.

Бундай мураккаб жараёнлар асосида юзага келган нашрнинг икки нусхасини редакциянинг навбатчи ходими кўздан кечириб, хатоси йўқ, деб имзо чекиб, чоп этишга розилик беради. Босма нашрни юзага келтирувчи шу мураккаб жараёнларнинг ҳаммасини моҳир матбаачилар цех мастери раҳбарлигида усталик билан амалга оширадилар. Газета ва журналларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳамма жараёнларини билимдон инженерлар, цех ва бўлим раҳбарлари кузатиб турадилар.

Фан-техника тараққиёти рўбга чиққан ҳозирги ажойиб замонамизда билим ва маданият ютуқларини мустаҳкам эгаллаш учун ҳамма имкониятлар мавжуддир. Ҳозирги кунда барча меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Февраль пленуми қарорларини, шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган нутқида берган маслаҳат ва кўрсатмаларни амалга ошириш борасида, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва Коммунистик партияимизнинг меҳнат унумдорлигини планда белгилаганига қўшимча бир процент ошириш, махсулот таннархини ярим процент камайтириш дэъватига жавобан зўр иштиёқ ва фаоллик билан меҳнат қиялтилар.

Бутун мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳамма кишилар яхши кайфият ва ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳаёт, иқтисод ва меҳнат жараёнларининг андагина ўсганлиги ҳамма соҳада аққол сезилмоқда, эндиликда энг муҳими — юксак суръатни қўлдан бермаслик, ишга ижобий ёндошиш, кишиларнинг меҳнат фаолиятидаги мавжуд ижобий ўзгаришларини фаол ривожлантириши такозо этмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича қўйилган вазифалар, меҳнатнинг барча сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасидаги ҳамма зарур тадбирлар коллективимизда ҳам зўр меҳнат завқи билан олиб боришмоқда. Сўнгги пайларда КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати саноат корхоналарини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни йиркилатириш асосида ягона бирлашмаларни вужудга келтириш, техника тараққиёти ва илм-фан ютуқларини изчиллик билан ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига татбиқ этишга катта эътибор бермоқдалар. Бунинг корхонамизда амалга оширилаётган ишларнинг ҳамми ва салмоғида ҳам аққол қириш мумкин. Коммунистик партиянинг совет халқи билан кундалик алоқасини таъминлашдаги ўткир ғоявий қурол бўлган вақтли баптоунинг техника воситасини тараққий эттириш давр талабидир.

Давр талабларини назарда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг амалий ёрдамида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сўнгги йилларда нашриётимиз билан босмаҳонамиз техника базасининг барча тармоқларини янги, серунум машиналар билан таъминлаб, уни тез суръатлар билан қурилаётган бинолар ҳисобига ривожлантирмоқда.

Шуни фахр билан айта оламизки, ҳозирги серкўёш Ўзбекистонимиз полиграфияси халқ ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан бири даражасига кўтарилди. Нашриётимизнинг сўнгги йиллардаги илмий-техника ютуқларини меҳнат жараёнига татбиқ этиш, иқтисодий истиқболни изчиллик билан амалга оширишдаги ютуқлари билан қардош республикалар партия органлари нашриётлари босмаҳоналарининг кенгайиши ҳамда ривожланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги нашриётимиз босмаҳонаси мамлакатдаги юксак тараққий этган полиграфик корхоналар қаторига ўтди, босма нашрларнинг ҳамма турларини чиқариш ва техника тараққиёти бўйича корхонамиз «Правда» нашриётидан кейин фахрли иккинчи ўринга кўтарилди.

Нашриётнинг ҳамма тармоқлари гуркираб ривожланиши натижасида матбаачилар ва журналистларнинг меҳнат, яшаш, дам олиши учун зарур бўлган деярли ҳамма шарт-шароитлар ҳам яратилди. Ҳозирги кунда газета редакциялари учун янги ети қаватли корпусни топшириш арасида турибмиз. Бу янги газета комплекси Иттифоқимиздаги энг йирик полиграфик корхоналаридан бири бўлади дейишимиз мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлиги ва раҳнамолигида яратилган бу тенгсиз шароит матбаачилар ва журналистларнинг ижодий меҳнатини юқори талаблар даражасига кўтариш, газета ва журналларни тайёрлаш ва чоп этишда машиналардан унумли фойдаланиш дўстона ҳамкорликдаги меҳнат завқини суратган ижод аҳлини беҳад қувонтиради. Бу замонавий комплекснинг бунёд этилиши босма нашрларни ўз вақтида, янада



Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг ботиқ босма цехида.

хушбичим ва нафис этиб тайёрлашга ижобий таъсирини кўрсатади.

Шу ўринда юқорида эслаб ўтилган барча жараёнлари биринчи бўлиб рўёбга келтирувчи асл мутахассис — ҳарф терувчиларнинг серташвиш, мураккаб ва шарафли меҳнати аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш айниқса ўринлидир. Ҳарф терувчи — авваломбор баъдий адабиёт, шеърят, публицистика сатрларини қозғоқ саҳифасидан қўрғошнинг ўтказиб, сатрлардан саҳифалар бунёд этади. Бунинг натижасида босма асар лавҳалари газета ва китоб, журналлар саҳифаларида намоён бўлади. Илгаридан бежиз айтишмаганидек, ҳарф терувчилар бошқа мутахассислар орасида янгиликлардан доим тўла хабардор бўлган билимдон кишилар ҳисобланадилар. Аини кезде уларни адабиёт, санъат ва маданиятнинг тенгсиз муҳлислари ҳамда илхомландирар, дейиш ҳам мумкин. Гап шундаки, ҳарф терувчилар баъдий асарларнинг кўз илғамас, майда ҳарфлардан бунёд бўлган сатрларни йиғиш жараёнида уларни бирма-бир кўздан кечириб, сўнгра журналнинг навабтадаги сони ёки янгида яратилаётган китобнинг қолинга олинган оригинал саҳифаларини чоп этиш учун тайёрлаш билан бирга, бу асарларни биринчи бўлиб ўқиб чиқадилар.

Китоб нашр этиш ҳақида фикр юритарканмиз, биз корхонамиздаги эски газета цехларидан бушанг биналар таъмир қилиниб, китоб тайёрланадиган дастгоҳлар ўрнатилаётганини айтишимиз лозим бўлади. Бу цехларда йилга 6 миллион нусха қаттиқ муқовада китоб тайёрланадиган янги ишлаб чиқариш тармоғи бунёд этилади. Таъмир ишларининг умумий ҳажми 2 миллион сўми ташкил этади.

Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, техникавий ва баъдий эстетикани яхшилаш бўйича бир қатор ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар тугаллангач, корхонамиз меҳнаткашларининг иш шароитини янада яхшилаш имконияти вуҷудга келади. Янги-янги прогрессив технология жараёнлари ишлаб чиқаришга изчил жорий этилиши нашриётимиз босмаоханасида нафис тасвир-бевақило нашрларнинг кўркам турларини кўплаб, юқори сифатли чоп этишдек муҳим вазифалар билан уйғунлаштириб олиб борилмоқда. Корхонамизда чоп этилаётган газета-журналлар ва китоблар ҳар йили ўтказилаётган республикалараро конкурсларда биринчи даражали диплом ва ёрлиқлар билан мукофотланган нашрларимизнинг баъдий бевақило ва полиграфик ижроси сифатининг йил сайин юксак даражага кўтарилаётганидан далолат бериб турибди.

Газета, журнал ва китоб муҳлисларига маълумлик, нашриётимиз кўп йиллардан буён «Шарқ классикалари меросидан» рубрикаси остида кўпрангли совғабоп китобчалар — шеърӣ тўпламларини нашр этиб келмоқда. Утган йиллар давомида Алишер Навоӣ, Саъдий, Умар Ҳайём, Зебунисо, Маҳтумқули, Фурқат, Увайсий, Нодира, Анбар отин шеърियाти, тиббиёт илмининг бобоқалони, аллома Абу Али ибн Синонинг шеърӣ дostonи, Хусрав Дехлавӣ, Низомӣ, Машраб, Оғаҳӣ, Бердакнинг шеърӣ тўпламлари ўзбек ва рус тилларида, жонқуяр олим, УзССР ФА мухбир аъзоси нарҳум Ҳамид Сулаймон ва унинг рафиқаси, филологია фанлари кандидати Фozила Сулаймонова билан биргагиҳа биринчи марта нашрга тайёрлаган, шу пайтгача бизга номаълум бўлган ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмийнинг икки

жилддан иборат кўпрангли шеърӣ тўплами ўзбек тилида, шунингдек, Алишер Навоӣнинг икки жилддан иборат шеърӣ тўплами ва Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг махсус бевақилоларда тайёрланган «Бобурнома»си ва шеърӣ тўплами рус тилида чиқаришган эди. Бу китоблар қатор конкурсларда энг юқори мукофотларга сазовор бўлди. Уларни нашрга тайёрлашда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кўлөзмалар ва Шарқшунослик институтларининг олимлари бевақило иштирок этишган. Шунингдек, нашриётимизда кўпрангли хушбичим буклетлар, байрам табриқномалари, ранг-баранг мавзуда календарлар, ҳар йилги янги модага оид ва кийим-кечак тўқуш бўйича кўпрангли альбомлар ва шунга ўхшаш совғабоп нашрлар йил сайин миллион-миллион нусхада чиқаришмоқда.

Бундай кенг кўламадаги машаққатли, серқирра ва ўта масъуляти ишларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Фаттоҳ Абдураҳмонов бошчилигидаги Б. Бўриқонов, И. Исоева, Т. Абдуллаев каби журналистлар, нашриётимиз бош рассоми Г. Аксенов, техника редактори Г. Ломиворотова ва кичик редактор З. Турсунбоевалар ташкил этадиган ижодий группа ҳамда ўйлаб-ўйлаб штатсиз ижодкорлар олиб бормоқдалар.


Нашриётимиз коллективи «Еш гвардия», «Ўзбекистон» нашриётлари, Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг китоб чоп этиш бўйича буюртмаларини ҳар йилги шартнома асосида ўз вақтида сифатли бажариб келмоқда. Йилги тайёрланадиган китобларнинг умумий тиражи 10 миллион нусхадан ошиб кетди. Бу ютуқларга нашриётимиз бўлинмалари коллективлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, печатниклардан Қаҳрамон Аҳмедов, Владимир Никифоров, Қутбидин Мансуров, ҳарф терувчи-линотипчилардан Людмила Буровлева, Наима Холотова, Мария Чубакова, Гулсум Бокиева, Роза Тошолонова, Тамара Полянская, муқовачилар Уғилой Сотволдиева, Вера Копитова, Нина Данкина ва уларнинг кўплаб издошларини ҳурмат билан тилга олиш мумкин.

Сидқидилдан меҳнат қилаётган кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароитларини кун сайин яхшилаш билан боғлиқ бўлган саховатли ишлар ҳақини диққат марказида туради. Корхонамиз ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган социал-иқтисодий режаларига биноан матбазчилар, журналистлар ва нашриёт ходимларининг унумли меҳнат қилишлари учун яна ҳам яхши шароитлар яратиб бериш, уларнинг кўнглидагидек дам олишлари ва даволанишларини таъминлашнинг истиқболли чоралари белгиланган. Нашриётимиз келтираётган соф фойдадан бир қисми уй-жой қурилиши, ишчилар, инженер-техник ходимларини моддий рағбатлантириш, корхона ривожлантириш фондларига ажратилаётган маблағларнинг йил сайин кўпайтаётганили нур устига нур бўляпти, янги замонавий уй-жойлар, пионер лагерлари, дам олиш уйи, профилакторий-санаториялар шундай маблағлар ҳисобига қуришган. Техника тараққиётини ишлаб чиқаришга моҳирлик билан жорий этаётган, иқтисодий режаларни ишинг кўзини билиб амалга ошираётган минглаб ота-оналар ўз фарзандлари билан бирга Чимён тоғлари ёнбағрида жойлашган оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқдалар.

Республикаимиз матбаа корхоналарининг байроқдори номига сазовор бўлган коллективимиз 1984 йилги халқ хўжалигининг барча соҳаларида зарбдор меҳнат йилига айлантириш ниятида ҳамма зарур чора ва тадбирларни белгилаб, ўн биринчи беш йилликнинг халқ қилувчи йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларини конкрет рақамлар билан аниқлаб, уни ҳаётга татбиқ этиш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Нашриётимиз ўтган 1983 йил план ва социалистик мажбуриятларида белгиланган топшириқларни бирмунча ошириб бажарди. Йиллик план барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича мудиатдан илгари адо этилди. Махсуслот ишлаб чиқариш плани нисбатан 3,9 процент ошди, пландан ташқари 392 минг сўмлик махсуслот реализация қилинди. Утган йил капитал маблағлардан оқилона фойдаланиш билан ҳам характерлидир. Булардан энг салмоқлиси газета комплексининг ишлаб чиқариш биносидир. Янги газета-ротацияси цехини бунёд этиш учун 18 миллион сўм сарфланиб, комплексининг ишлаб чиқариш қисми фойдаланишга топширилди. Шу комплексга кирадиган газета-набор цехининг янги биноси ҳам қуриб битказилди. Коллективимиз 11 «Висотропи» трести бинокорлари билан ҳамкорликда газета редакциялари жойлашадиган янги етти қаватли корпус қурилишини зарбдорларча олиб бормоқда. Бу ҳашаматли бинонинг фойдаланишга топширилиши билан газета комплексини бунёд этиш бош плани тўла амалга оширилди. Нашриётимизнинг янги, иккинчи босмаоханаси ишга тушди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёрдами билан юқори малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бермоқдамиз. Бундан тўрт йил муқаддам Тошкент Тўқимачилиқ ва енгил саноат институти қошида бизнинг ташаббусимиз билан полиграфига бўлими ташкил қилинган эди. Ҳозир бу бўлимида 125 студент таълим олмоқда. Шу



Босмаохананинг репродукция марказида иш қилгани.

В. Насеников фотолари

лардан 100 нафари кундузги ва 25 таси сиртки бўлимларда ўқимоқда. Полиграфия ўқув юртларида таълим олаётган студентларнинг қўлчилиги корхонамизда иш ўрганиб улгайган, маҳорат сирларини яхши биладиган ёшлардир. Улар институтни тугаллагандан сўнг жонжон коллективига технолог-инженер бўлиб қайтадилар. Шунингдек, босмаоханамизда ташкил этилган Тошкентдаги 9-полиграфия билим юртининг филиали билимдон мутахассислар тайёрлашдек муҳим ишга катта ҳисса қўшмоқда.

Корхонаимизнинг ўтган йилдаги меҳнат ютуқларига катта баҳо берилади. Республикаимизнинг илгор коллективлари қатори 1983 йил натижалари бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофотини олиш шарафига муяссар бўлди.

Бу йил нашриётимиз ходимлари олдида катта ва масъуляти вазифалар турибди. Ишлаб чиқариш плани 14 миллион 750 минг сўм ҳажмида белгиланди. Бу ўтган йилдагидан бир миллион сўм ортиқдир. Капитал қурилиши, янги машиналарни ишлаб чиқаришда ўзлаштириш, уй-жой қурилишидаги режаларимиз ҳам салмоқлидир. Бу вазифалар ҳам ортинги билан бажарилади.

Ўзгал замонамизда вақтли матбуотни меҳнат кунимизнинг ибтидоси, десак янгилашган бўламиз. Чунки жуда кўп муҳлисгаримиз ўз ишларини эрта тонгда газета ва журналларнинг янги сонларини қўришдан, босмаохана бўёғининг ҳиди уфуриб турган саҳифаларидан ажойиб ва қизқариб ҳикоя, лавҳа, очеркларни ўқиб чиқшидан бошлайдилар. Дунё воқеалари билан бир оз бўлса ҳам танишиб чиқадилар. Бу эса ижод аҳли билан биргаликда биз ношрлар, матбазчилар зиммасига ҳар куну босиб чиқарилаётган газета-журналлар, китобларни юксак маданиятли, чиройли, нафис ва жозибдор нашр этишдек юксак ҳамда шарафли масъуляти юкляди.

Серкўёш дёғримининг барча меҳнаткашлари қатори корхонамиз коллективи ҳам 1984 йилни янги куч-ғайрат, зўр иштиёқ билан, партияимиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари тарихий қарорларини рўёбга чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ушшоқликни кучайтириш ва интизомини мустахамлаш, янги ўрнатиш ва мавжуд машина-ускуналардан оқилона фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш, махсуслот таннархини арзонлаштириш, унинг сифатини янада оширишга аҳд қилган. Коллективимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини социалистик мусобақани янада кенг қўлоқ ёздириб, катта ютуқларга эришиш билан кутиб олади, ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган улғувор режаларни албатта ошириб бажаради.



Қабарик босма цехи замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

ҲАР ЙИЛНИНГ БИР БАҲОРИ БОР



Гаффор ҲОТАМОВ

Гаффор Ҳотамов ўзининг «Қон ва сўт» деб номланган янги қиссасида қишлоқ мавзусини қаламга олади. Асар қаҳрамонлари замонамизнинг муносиб фарзандлари бўлишга интиладилар ва шу мақсад йўлида меҳнат қилдилар. Шу қиссадан парча ўқийсиз.

ТУШЛИК чоғи эди. Ҳақимбек Тошбевниқидан келатган эди. Ошхона анидан ўтаётганида биро овоз бергандек туюлди, у ҳовуз гирдидаги супага бирров кўз қирини ташлади. Ҳеч ким чақирмапти. Лекин Ҳақимбек илғади: серкокил мажнунтоллар соясидаги чорпояда уч-тўрт киши оёқларини айқаштириб ўтирипти, таниди: хурпайиб чой хўплавётган — дўсти, район газетаси муҳаррири — Саид Махсум, Ҳақимбек кўз уза туриб, унинг айхайлаб: «Буёққа кел-ов!» дегандек кўл силкиганини кўрди. Уша пайт Ҳақимбекнинг димоғи чоғ, у кўлдан бунчалик яйрамаган эди. Борди. Одатича, дилзорлик қилиб, Махсумнинг қорамтир ойналк кўзойнагига тикка чанг солди.

— Балдоғи амири тилладан бўлса ҳам, шунингни опқўй! Кўнглингдагини тўсгани-тўсган. Маҳмуд кўрдай қора ойнак таққанингда куяйми?!

Махсум оёғини чалиштириб ўтира берди. Энсаси қотди чоғи, бетакаллуп:

— Утир, ўтир! — деди. Эгардан тушгиси келмай, оғир чайқалди ва кўлларини кўкрагига чалиштириб, кўз учида жой кўрсатди:

— Утир!
Махсум қув-да, куйган кулчадек юзига ташвиш кўлага солди: «Озимга қараган манави жужуқлар қошида қилиқ қилма!»

«Э, Махсум, Махсум, соянгдан ўлардай кўрқасан, Махсум! Шумлигинг этти эшакка юк бўлади-ку... Майли-да. Бир майизни қирқ бўлардик, энди мавқеъ сақлайсан, мартабангни кўндаланг қўясан! Ҳов, уша кеча ҳам кенгаз тилаб, бўсаганга бош урганман. Йикила туриб, суянай, деганимда думингни хола қилгансан! Кўй-э! Махсум тугул Расул бўлганингда ҳам, ёқангдан олиб, ҳовузга чалпак қилардим-ку, мавриди эмас-да! Азмойиш олиб қарайсан менга? Бу тентак чорчоқни дамбага элтиб қопламасайди, деб бад олясанми?»

— Нима, хола ютганмисан, Ҳақим, ўтирсанг-чи!

— Дастурхонинг қуруқ-ку?

— Шу зормандадан бўлак дардинг йўқми, дейман?

— Бозоринг касод бўлса, айт, берай?

— Кўймадинг-қўймадинг-да! Шокирвой, тур, яримта опке! Томоғини хўлламасан, бу хумсанинг гапи-гагига қовушмайди! — У Ҳақимбекнинг кўлтиғидан олди-да, суланинг куоқ сояли хилватига бошлади. — Бири камсан-да, Маҳмуд кўр, дейсан, Шокирвой шунинг ўртанчиси.

— Бўлса, бўлар.

— Ха-а... Йўлнига маҳтал бўп турувдим. Гап бор, оғайни!

— Нима дейсан?

— Ҳанифа сендан хафа. Уйга доримайтган эмишсан?! Энди, жўра, Маҳмуд кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотган... Анави дўмбоққа илакишинг, буд-шудингдан айрилдинг. Шилмагани — теринг қолди. Сен эм

бўлдинг, қовзонгач, Ажамга жуфтани ростлади. Уша Гавҳарингни айтаман-да?

— Гавҳар Ажамга кетди, деб сенга ким айтди?

— Э, кўй! Ҳаммани гўсала қиламан, дейсан-ов. Сабил, энди Ойбарчинни тусапти-да. «Волганниям сотипсанми? Ҳанифани чирқиратиб, толгантутганингни ўшанга тикиштиравер. Ошнам, газетачилар тилида бу ўбакетган рибкорлик, дейилади. Террор-ку, бу! Қилғилигинг оқибати вой. Са-ал ўлкангни бос, ўйлаб кўр, шу қилмишинг инсофданми? Бола-чақа қайғусини ҳам чекиш керак! Рўзорим, деб, бир нимали бўлайин, деб одамлар этти пуштини сотаяптию, сен тентак ризку рўзингга тупураясан!»

Махсумнинг лузумсиз ўнгитўйлиги, энсақотар жонқуярлиги Ҳақимбекка малол келди. Бирда ярим Махсум унинг дунёсига бундай бесўроқ кириб, қилмишини ўз майлича муҳокама этмас, Ҳақимбек юрак ёрганда ҳам муносабат билдирмай, тайсаллаб тургуви эди. Ҳозир эса бурунги истихолани бир четга йиғиштириб, даб-дурустдан бетига чолди, устивор оҳангда сўзланди. Ҳақимбекнинг қитқ патига тегишини билатуриб, Ойбарчинни бузуқни, деган шаъмада жўрттага гапга суқди. Бу ҳам камдек, Ҳақимбек кўзига суртган мукаррамликка тил теккизди. Хусусан, оилавий ишларига аралашуви, Ҳанифага ошқора муруввати ва шунинг замиридаги маломат Ҳақимбекнинг дарду дунёсини элак-элак қилиб юборди. Жаҳли чикса, кўзалари қисилар, бурун паррақлари кенгаяр эди. Ҳозир чеп қабоғи пир-пир уча бошлади. У кибр билан димоғини кўтарди-да: «Бас қил!» дегандек хезланиб, Махсумга тепадан қаради:

— Менинг ишларимга тумшугингни тикма сен!

Ҳаволаниб турган Махсум тутдай тўкилди. Каловланиб деди:

— Ичим ачиганидан айтдим, кўйдим-да.

У ўнғайсизланиб, йўлнинг кунчиқаридаги деворлари оқланган пастакана, кўримсиз идорага тикилганча ўйловда қолди. Кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, кўзойнагини жиндак кўтарди:

— Ҳа, айтгандай, — у синиқ илжайди ва идора томон қош учуриб сўради: — Колхоздаги анави ағдар-тўнтердан хабаринг борми?

Махсум паст, мақрли овозда, дярли шавирлаб сўради. Сўровдаги безовта оҳанг, оҳангдаги қандайдир офатга сирли ишорат Ҳақимбекни сескантирди. Бояги гина-қудуратини ҳам унутиб, иштибоҳ аралаш Махсумнинг кўзига тикилди, тағдор им қоқди:

— Нима гап, тинчликми?

— Асли, ҳо-ов, ўшандаёқ кўнглимга келувди: бу чоҳдан энди Ҳақим чиқиб кетолмас, деб қўювдим! Айтганим келди! Кўнглимга соларкан-да ўзи! Охири бахайр бўлсин, аммо занғар Тошбев тагдан кўзган-ти! — Махсум челақ тубида қолган узум доналарини сувдан кўтараётгандек ҳаракат қилди. Сўнг бармоғини кўкка нуқиб деди: — Тепадан тафтиш келган! Хўжайинлар оёғи куйган товукдай пителиаб қолишди! Шу кеча саҳар-мардон раисингни элтиб тикиштипти! Ишинг хуржун!

Махсум шум хабар таъсирини унинг юзларидан ўқмоқ ниятида синчидек қаранди. Бу қараш Ҳақимбекни сергаклантирди, Махсум бежороқ, Афтидан, у асл муродини яшириб турар, гап ўғирлаб, Ҳақимбекнинг кўнглини билмоқчи эди. Ҳақимбек қувлик қилди, ичидагини ташига чиқармади.

— Э, садқайи сар, менга деса: очиқ пуштага кетмайдими! — дея бу гапга нодахл кишидек бепарво кўл силтади. Махсумнинг: «Раисингни элтиб тикиштипти! Ишинг хуржун!» деган замзамаси эсига тушдию, бўлиб ўшқирди. — Нега энди у менинг раисим бўларкан? Нега ншим хуржун? А?! Колхозингда ишламасам! Этагини силкиб кетганимга бир йилдан ошди чоғи! Хўш, мудааонг нима? Нега сен курк товукдай қа-қаглаб қолдинг?!



Ҳасми Телур САЪДУЛЛАЕВ чизган.

— Ҳо-ов, урасанми? Бердиси ни айтмасдан, здрасясан!

— Хў-ўш!

— Махоранг борми, ол-э, бир тутатайлик!

Ҳақимбек норозиланиб, тескари қаради. «Ганни мунча айлантирмаса? Бад олган шекилли? Шунда ҳам расининг — Зобитовнинг, анави жоҳар-роларнинг бунга нима алоқаси бор? Ҳадеб писмиқлангани-писмиқланган?»

— Кеча, жўра, Бўрибой ака катта бошини эгиб, эшик қоқиб борипти! Сеникига чиксақ, Адолат: «Адам йўқлар», деди! Бояқиш акаси қамалгани ҳақида чўкиб қолипти...

«Махсум, тилинган чопилдинг, жўрам! Боя ўзинг: шу кеча сахар-мардон расининг элиб тиқишипти, демаганиндиги?! Чамаси, анавилар латта исини олгану ёнгини пайқаган. Ҳалақининг кучугидай зир югуриб қолишипти-ку. Манави ҳам дум берган кўринди. Майли, ёрилсин, тузукроқ ёрилсин-чи!»

«...Шу ишда жўрангинг ҳам кўли бор-ов. Арпасини хом ўрибизми», деб гаранг. Сендан домонгир. Анча-мунча ҳужжатлар йўқ эмиш! «Ҳақимбекдан бўлак бирон киши икки дунёда ҳам «Касса кафтарини ололмайди, бу — аниқ», дейди. Ишқилиб ҳазир бўл, орқа-олдинга қараб юр! Қош қўяман, деб кўз чиқарма! Қизиқ, ҳайронсан киши, қилич дамига оёқ қўйиб, нима қиласан? Емонликни бировга қандай соғинасан? Бей-айб — парвардигор. Улар ҳам жўжа-бирдай жон. Тирикчилик-тирикчиликда. Энди, жўра, бу кўпга келган тўй, сенинг ҳам тўй-тўйламай иложинг қанча. Вақтида ҳамсоатовоқ қилгансан, тўриими?»

— Дурут, терговда замбилни Зобитовга ағдарарсан. Унда... — Махсумга Бўри маймоқнинг нуқси урган, гапидан маймоқнинг ҳиди анқиди. Ҳақимбек уни яхши билгани ваҳидан ажабланмаса-да, ўзини ноқулай сезди. «Бу галчага нима? Мунча қўйиб-

пишмасал... Ҳа, энди кўнгли яримта ғарибнинг. Бўрибой акаси «улуг» бошини эгиб, имдод тилагану бу ийиб кетган-де! — У пинҳона қўлиб қўйди. — Нима бўлганда ҳам шундай дейишинга ҳожат йўқ эди, Махсум!»

Ҳақимбек индамади, ҳозир оғиз очса, Махсумнинг дарди ичида қолади. Хўшёр, саволчан зехн солиб қаради: «Давом эт, Махсум, хўш, унда!»

— Салом Ҳаққулнинг қавлида кетмасанг, деб кўрқаман! — Махсум совуқ нафас қила туриб, зиғирча хиҷолат чекмади, берч юзлари қилт этмади. Аксинча, Ҳақимбекнинг назарида, у бадҳохлик билан сезилар-сезилмас тиржайди:

— Хўш, кейин?

— Нима, кейин? — Кейин «оллоху акбар», деган маънода Махсум юзига фотиҳа тортиди. — Мен гарангман, ажал қўмсаган сичқондай мунча ўйнашмасанг! Колхоздан кетаман, дединг, Зобитов руҳсат берди. Бола-пақир қийналмасин деб, моюна ҳам тайинлаб қўйди. Бола-чақанинг ризқу рўзи шу-ку ахир! Ҳой, ношукур банде, нима, яна тувагинга тилла сумақ, дейсанми? Асли сени, борки, мени ҳам той-тойлаб, оёққа турғизган шу эмасми, Ҳақим? — Махсум қизишиб, баджаҳл муаллимдек кутилмаганда ўдағайлади: — «Касса дефтарини сен олдингми?»

Ҳақимбекдан анойироқ одам бўлса, довлдираб, мен, дейиши, чув тушиши ҳеч гап эмас эди. У пинганингу бузмади. «Дамингга қозон қайнайди-э. Махсум! Ҳай-ҳай-ҳай! Убдон кўлтигинга сув пуракшаними, дейман. Ҳақимни бола кўрдингми? Ҳой нодон, ер тагида илон қириласа, биламан! Кимга ияк суюясан? Бўри маймоқкам... Кўр кўр билан қоронига топишипти-да!»

У Махсумга тешиб юборгудек назар солди. Йўқ! Унинг кўнглида зиғирча ҳайрихоҳлик йўқ. Пихини ёрган жаллоб каби эрмак қилаётганини у англаб етди. Юрагини кемираётган

узул ғазабга айланди. Қаҳри қўзиб, фўзини туголмай қолди, жазаванда Махсумнинг «киноб»ни шартта йиритиб ташлади:

— Сартахтага олиш келиб-келиб сенинг чекинга тушдимми, Махсум? Булак қўшманга қуриб қошимми? Бор, жазманларингга ай... Бориб айт, ўша — Жабраилнингга, ўлгимини босиб ўтибгина Зобитовни турмадан чиқаради. Бошқа йўл йўқ!

Тиззаларига қана даг титраётган Ҳақимбек сарраиёб турган Махсумни ҳайфсиниб, кўрағидан итарди-да, бир қадам юриб, кейин тўхтади, Бурлиб, унга еб юборгудек ўқрайди:

— Айтиб қўй! Салом Ҳаққул эмас Ҳақим! Осонликча жон бермайди! Уэлари ҳам бунни қулоқларига кўрғошиндай қўйиб олсинлар! Шу кунга умримни тикиб, интиқиб яшаган одамман! — У дудуқланиб, гапини йўқотиб қўйди, култ этиб ютинди-да, хийла паст, босиқ овозда давом этди: — Ҳужжатлар худонинг дастиди! Бандасининг қўли етмайди, калталик қилади!

Яна бир таъна Ҳақимбекнинг тил учиде турар, заҳардай юрагини куйдирар, тўкиб солай, деса у гап туқич бермас эди. У чорпоини айланиб ўтаётгандагина: «Ойбарчинини маломатга қўйди-я, бетамиз», деган фикр бағрини ўртади. Тагин Махсумга: «Шошмай тур, бу иргиллашинг қақи, кўп ўкинсан хали!» дея зуғум қилгиси келдию, ўзини тийди, лозим кўрмади. Чорпойдаги бесаранжом Шокирбой бир ишора билан оғиз жуфтлаганини кўриб, уни Махсум ароқча жўнатгани ёдиға тушди ва аччиқма-аччиқ қайрилди-да, йигитнинг барра соҳига тикилганча Бетакаллуф суради:

— Оқелган матойинг қани?

— Утиринг, ака! — Шокирбой тарадаудланиб, кафтини кафтига шарақалади. — Ман айтдим, ҳозир... чойнак чайиб келишсин. Ушанга қўйиб...

Шокирбойнинг гапи оғзида қолди. Ҳақимбек узалиб, кўк сатин кўрпача

қатиға тиқиб қўйилган ароқни абжирлик билан олди. Олатуриб юпка кўрпачанинг кирдан йилтираб кетанга кўзи тушди, ирганди. «Ман айтдим!» эмиш. Корчалонлиги оламни бузадию, ўтирган тўшагини қара! Чойга нон бўктириб уравер! Кўрган кунинг қурсини сенинг, бойвачча!

У ароқнинг нуқрасимон қалпогини юлқиб, юлиб олди ва ҳазон кўлган арқичкага иргитмоқчи бўлди, тагин китмирлиги қўзиб, уни Шокирбойга узатди:

— Ма, ука! Туяча тсаб, ўйнасан! Шокирбой қизаринди. Бироқ қалпоқчани олмасликка ҳадди сифади, ҳарқалай, муҳаррирининг девордармиён кўшниси, биродари. У ҳиринглади:

— Икки жуфт гуғурт чўпиниям қизганманг, ака, оёқчасиз туя-туям! Ишга миниб кетишга ҳам ярамайди!

Ҳақимбек чўнтагиндан олпоқ даст-рўмол чиқариб, шишанинг бежирми оғзини ҳақсала билан арди-да:

— Энди укам, гуғурт чўпини хурматли каттаконингдан сўра! Мушт-дайлигидан у чўп-пўп йиғнаб юргич эди, — деди. Кейин чанқоқбосидага чашма сувидан симираётган ташна каби бир кўтаришда шишани бўшатди. Бўш шишани атай чорпойдагилар бошидан ошириб ҳовузга итқитди-да, ҳайр-хўшни ҳам раво кўрмай, ҳазон чўккан арқчадан илкис ҳатлаб, чим-тол йўлакка чикди.

— Ажали қистаяптими, дейман, қўли рудлаю, арқдан бош кўтармайди!

«Ҳа, Махсумча! Довул қоқавер энди дов сеники! Гўримга ғишт қалаб қол!» Ё ўша дам, ё кейин — мотоциклин ут олдира туриб, ноғоҳоний бир иштибоҳ кўнглидан кечди: «Бўри маймоқ Махсумниқига танда қўйилти-да? Нияти нима экан? Булар бир кўрпани тепкилашиб ўсган, ҳам-кўр. Ҳақимбой Махсумнинг чидаган чизигидан чиқмайди, деган ўйдадир?! Епйрай, Махсум бўрининг оғзига нега бош суқди, а?»

Сайёра ТҮИЧИЕВА

ҲАСАНГУЛИМ

Булбулларинг қай гуллари сайлашадими,
Қир-адирлар кўрки хусн талашадими,
Муҳаббатинг кўзларимга жойлашадими,
Чаман гулим —

Ҳасангулим, қишлоғим!

Сойлар йироқ-йироқлардан келар тошиб,
Қуёш нурин ҳовучлайди бошдан сочиб,
Қулиб турсанг онам каби бағринг очиб,
Ойдин йўлим —

Ҳасангулим, қишлоғим!

Йўлларингга қўшиқларим қолиб кетди,
Хуш бир сезги юрагимни олиб кетди,
Туйғуларим шамол бўлиб елиб кетди,
Енган дилим —

Ҳасангулим, қишлоғим!

Тоза, дилбар атрларга муштоқдирман,
Соғинаман, бугун сендан йироқдирман,
Яхши-ёмон кўнларингга ҳамроҳдирман,
Жоним элим —

Ҳасангулим, қишлоғим!



СЕП

Кимхоблардан сеп қилманг менга,
Бир жуфт атлас бўлса кифоя,
Бисотларнинг кўлпиги нега,
Одмилигим қандай сипо-я!

Меҳр билан, муҳаббат билан,
Кириб борай гар кимдир кутса,
Вафо билан, садоқат билан,
Улар менга дилнин тутса.

Ақл, ҳаё бўлсин менга сеп,
Майли, тақай тилла узукни,
Қизлар учун ифбат-ибо эп,
Одоб билан оқлай тузингиз.

Муҳаббатим бўлсин сарупо,
Орзулардан оқ кўйлак, майли,
Уша уйда янгрисин наво,
Севги, вафо бори тўфайли.



Сизни кўрган кунимда ўзгача эди олам,
Сизни кўрган кунимда минг бир товланар ранглар.
Сизни кўрган кунимда дилимга баҳор ҳамдам,
Оқариб кўринадир орзули, мавжли тонглар.

Сизни кўрган кунимда оймомо тўлин эди,
Гўё яшнаб, яшарган ўн кунлик келин эди.
Шердек қуюлиб келиб, қоғозга ойдин кеча,
Ой нуллари бағримда чандон яширин эди.
Жиззах.





Қатта Фарғона каналининг бош тўғони — Куйганёрда канал қурувчилари шарафига ўрнатилган ёд-горлик.

Қатта Фарғона канали бош тўғони бошқарув марказида: катта диспетчер Клавдия Шаркова, тўғон бошлиғи Гаффор Қўчқоров, бошқарма бош инженери Михаил Кузьмин.

Н. Шарипов
фотолари






Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхознинг донгдор пиллакори, СССР Давлат мукофоти лауреати Фазилят Кўзибоева.



Фарғона область партия комитетининг секретари Турғуной Эгамбердиева.



Ўзбек тўйининг файзи.



А. Гаврилюк, В. Ярошенко фотолари

«Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташаббускор ишчиси, СССР Олий Совети депутати Марямхон Рустамова.



Марғилондаги «Атлас» Абрли газла-лар ишлаб чиқариш бирлашмасининг ил-гор тўқувчи қизлари Роҳатой Одилова, Дилфуза Собирова, Моҳира Мақсудова.



Н. Шарипов фотолари

Варганза анорзорларида.



Шаҳрисабздаги «Хужум»
артелига узоқ йиллар
бошчилик қилган Муха-
нисо Қурбонова бугунги
кунда зардўзлик сирлари-
ни фарзандларига ўрга-
таяпти.

А. Гаврилюк,
В. Ярошенко фотоси



Дарёнинг бошланиши.

А. Гаврилюк,
В. Ярошенко фотоси

БАХШИ-ЗАМОН КУЙЧИСИ



Халқ оғзаки ижоди

Халқимизнинг бой меросини, атоқли халқ дostonчилари ижодини, бугунги кунда ҳам ижодда, меҳнатда ўрناق бўлаётган бахши-шоирлари ижодини тарғиб этишда партия ва ҳукуматимизнинг доимий ҳаётбахш қарорлари, раҳнамолиги катта самаралар берапти. УзССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, бир қатор ижодий союзулар ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар ана шу раҳнамолик ва

ғамхўрликка муносиб жавоб бўлмоқда. Бахши-шоирларнинг Шаҳрисабзда бўлиб ўтган республика конкурси ва унинг натижалари республика матбуоти, телевидение ва радиосида бир неча бор қайд этилиши ҳам халқда зўр қизиқиш ўйғотди. Бахши-шоирларнинг республика конкурси ҳар уч йилда бир марта навбати билан областларнинг марказларида ўтказилиши маъқул кўрилди. Яқинда бахши шоирларнинг Ўзбе-

кистон ССР Ёзувчилар союзи билан республика телевидениеси ҳамкорликда бошлаган телеконкурси ҳам кўп миллионли томошабинларнинг эътиборига сазовор бўлапти. Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган мазкур телеконкурс голибларининг чиқишлари асосида йил охирида махсус телекўрсатув тайёрланиб, Марказий телевидениенинг «Халқ ижоди» кўрсатувига тавсия этилиши кўзда тутилмоқда.

Асрлар тарихини машъалдай ёритиб турган атоқли сиймолар руҳи олдида, халқнинг бой оғзаки ижодига талаб ва эътиборни кучайтиришдек бурч олдида амалга оширажак ишларимиз кўлами тобора кенгайиб бораверади. Эндликда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи томонидан амалга оширилаётган, келгусида қилинадиган ишлар ҳам бундан далолат беради: атоқли дostonчилар қолдирган меросини узлуксиз ўрганиб бориш, уларнинг асарларини нашрга тайёрлаш, тарғиб этиш, айти пайтда бундай зотлар ҳақида хотиралар тўплавларини чоп этиш, халқ ижодини ўрганиш ва пропаганда қилувчи ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бахши-шоирларнинг музейларини кенгайтириш, қабрларини тиклаш, мактабларда улар ҳаёти ва ижодига бағишланган музейлар ташкил этиш, «Ўзбек халқ бахшилари» туркумида плакатлар, пластинкалар чиқариш, республика бахши-шоирлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм яратиш каби

қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг барчаси ижодий союзуларнинг фаоллиги, ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги натижаси ўлароқ дostonчи қиқарилади, албатта. Атоқли дostonчилар юбилейларини нишонлаб бориш, ёш бахши-шоирлар ижодига эътиборни кучайтириш, улар ижодини матбуот, телевидение ва радио орқали тарғиб қилиб боришни мунтазам йўлга қўйиш каби ишлар ҳам зиммамизда.

Яқинда ана шу эзгу ишларнинг амалга оширилиши борасида яна бир ибратли тадбир амалга оширилди. Яъни республикаимиз ёш ижодкорларининг III аъъанавий анжумани кунлари бахши-шоирлар билан ёш ижодкорлар учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Утган ўн кунлик анжуман: муҳокамалардаги ҳолис баҳолар, устоз ёзувчилар билан мулоқотлар, матбуотда, телевидение ва радиодаги чиқишлар, пойтахт бўйлаб сафарлар, театр ва кино томошалари ёшлар қалбига унутилмас хотира бўлиб қолди. Ҳар галгидагидек, мазкур анжуман ҳам кўпгина таланти ёшларни кашф қилди. Улардан баъзилари СССР Ёзувчилар союзи аъъзолигига, баъзи бировларининг қўлёзма тўпламлари нашриётларга, айримларининг асарлари эса газета-журналларга тавсия этилди. Анжуман сабоқлари уларни она-Ватан ва халқ олдидаги, коммунистик гоълар олдидаги бурчини янада тeранроқ англашга ундади. Бахши-шоирлар билан учрашув ҳам ана шундай ёркин хотиралардан бирига айланиб қолди. Унинг



Шоберди бахши Болтаев.

Шамси ОДИЛ

САЛОМ, ҚУЁШ!



Бобо қуёш ёймиш заррин сепини,
Денгиз узра мавжланади камалак.
Гир-гир эсиб турар уммон эпкинни —
Сув мавжида хуршид сочи жамалак.

Қирқ кокилин майда ўрган гўзал «қиз»
Ай-Петридан боқиб турар денгизга.
Бу хил чирой йўқдир қайга боқмангиз,
Ҳаттоки фаришта аталган қизда.

Ай-Петрига Пушкин нафаси теккан,
У ном берган ушбу юксак чўққига.
Бизда Ҳамза ўз ноини бахш этган,
Тоғда қурбон бўлган душман ўқига.

Тоғ ва шоир табиятан ўхшайдир,
Иккиси ҳам халқ бахти-чун яшайди.
Бири элга оби-ҳаёт—сув берса,
Бири кўшиқ тўқиб мангу яшайди.

Тонгда чиқдим Ай-Петри тоғи устига,
Бутун Ялта шаҳри менинг пойимда.
Юксак чўққи кўп муносиб исмига,
Ой чўққини ўшатдим юрт-жойимга!
Тонгда чиқдим Ай-Петри тоғи устига.

Мотамсаро она

«Гуржистон ва Абхазистон оҳанглари» туркумидан

Мусаффо тонг,
Ҳаво сархуш ва тиниқ,
Сутдан ҳам оқ шу тоб
Осмон гардиши.
Батуми шаҳрининг кўчалари лиқ
Одамлар ҳар хил ва турли юмуши.

Мен ўта маҳлиё ҳар кас,
дарахтга —
Ҳар бир хуш манзара фикрим чулғайди.
Муяссар бўлганман,
Шундайин бахтга —
Сирли Ажаристон мени чорлайди.

Гудаут овулдан боя келганман,
Унда бир чойкор қиз қалбим овловди.
Қиз чой қадоқларкан,
Ҳайрон бўлганман,
Бир қадоқ чой билан мени сийловди.

Ичишга чой сўрсам
«Бизда у йўқ...» деб,
Бир қадаҳ май тутиб соғлик тилади.

Мен шунда тортиндим
Уялган бўлиб,
«Ичинг, дер, эр йигит, нима қилади?»
Шу завқ-шавқ руҳида

Шаҳар кезардим,
Тўғримдан чиқди-ку бир кекса аёл.
Пайпоғи, эгни-ю рўмоли қора,
Уни кўриб тамом бузилди хаёл,
«Нега қора киймиш, она бечора!»

Онадан ҳол-аҳвол бўлдим сўрамоқ.
Кўксимга қўл қўйдим,
Она ҳам сезди —
«Салом, гардаш» дея даҳл бўлдим шу чоқ.

У ҳам тўхтади-ю, тез олди алиқ,
«Она нега қора кийгансиз?— дедим,—
Кўпдан чоғи шу хил қаддингиз эгик,
Марҳум кишингиз?... Бу айтинг не удум!».

«...Сен қайдан гелмишсан,
Азиз ўғлон!»— дер.
— Ўзбекман, мен ўзбек,— дедим тез
шошиб.

«О, гардаш, ер қолмиш... ўғлим шўрликни.
Мен шу ҳол, қирқ йилдан кетса-да ошиб,
Гитлер солмиш бошга шу хил ўрликни.
Жангда ҳалок бўлгач ўспирин ўғлим.
Шу кун қора бўлиши: уст-бошим,
кўнглим...»

— О, она қорани,
Қачон ташлайсиз?
Энди оқ кийининг; бўлмас ҳеч уруш!
Қувноқ кўзларимни нетай,
Ёшлайсиз.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти байрами тантаналари куни ўтгани ҳам рамзий маъно касб этиб турарди. Чунки, ўлканинг турли шаҳар за қишлоқларида ҳам ишлаб, ҳам ижод қилиб кўпчилиikka ўрнак бўлаётган бахши-шоирларимизнинг терма ва дostonларида жасорат ва садоқат, меҳнатсеварлик ва она-Ватанга муҳаббат, соф севги каби инсоний фазилатлар куйланади.

Маълумки, халқ оғзаки ижодининг тарбиявий аҳамияти бениҳоят катта. Республикаимиз бахши шоирларининг устоз ижодкорлар аънаналарини давом эттириб келаятганлиги қувончли ҳолдир. Уларнинг матбуот, телевидение ва радиодаги чиқишлари кенг жамоатчилик томонидан қаноқчилик билан қарши олинаётганлиги ҳам шуни кўрсатади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг боғида ўтказилган тантанали анжуман ҳам ёш ижодкорларда катта таассурот қолдирди.

Албатта, бахши-шоирлар фақат ўнлаб дostonлар айтиб, халқ ишида

мадад бўлиб, шогирдлар етиштириш билан кифояланмадилар. Балки улар ўз фарзандларига ҳам дostonчилик санъати сирларини ўргата олдилар. Бугун Ислоом шоирнинг ўғли Зиёдулла бахши, Пўлкан шоирнинг ўғли Умаркул Пўлканлар ота касбини давом эттиряпти. Унинг невараси, марҳум шоир Амиркул Пўлканнинг тўнғичи Саодат бобо санъатини давом эттирадигандек кўринади... Учрашувда Саодат бобоси термаларидан, дадасининг бахшиёна шеърларидан ёд ўқиди. Кейин Умаркул Пўлкан ўғли терма айтди.

Шундан сўнг Шахрисабзда ўтган бахши-шоирларнинг республика конкурси голибларидан бири, сурхондарёлик Шоберди бахшига навбат келди. Шоберди бахши болалигидан дўмбира билан сирдош. У ўнлаб аънавий дostonларни айтиб, ўзи ҳам ижод қилади.

Ундан кейин Зиёдулла бахши, Хурсан бахши, Мамай бахши, Хушвақт бахши, жиззахлик Довурбой куйчи, бўқалик Чори бахши айтишув-

га қўшилди. Бахшиларнинг айтишуви суваратга олинаётган «Дўмбира» ҳужжатли фильмда фойдаланиш учун кинолентасига ҳам туширилди. Учрашув мўлжалдагидан ошиб кетди: даврадагилар бахшиларнинг айтишувига тўйишмас, кетгизгани кўйишмас эди...

Боя атоқли дostonчилар тўғрисидаги хотираларни тўплаш ҳақида ҳам сўзлаган эдик. Шу ўринда яна бир гап. Бу ёдномалар ижодкорнинг ҳаётга, халқига, ижодга, дўстлари ва оила аъзоларига, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатларини, инсоний фазилатларини кўз олдимида яна ҳам равшан жонлантиради. Кичик бир мисол.

Эргаш Жуманбулбул ўғли суҳбатига жуда кўп бўлганлардан бири Ермон Остонов шундай дейди: «Эргаш шоир отамнинг яқин дўсти эди. Бизникига тез-тез келиб турарди. У кишининг дўмбира чалиб кўшиқ айтганини эслолмайман. Кўзларини юмиб, бошини хиёл энгаштириб, сал чайқалиб куйларди.

Кўпинча ўз саёхатлари ҳақида гапирарди. Айниқса, унинг Самарқанд шаҳридан олган таассуротларини қизиқиб тинглардик. Бир гал Эргаш шоир Самарқандга борганда, Салохиддин деган танишининг уйига меҳмон бўлиб борибди. Борса, у бекаси бешиқда йиғлаб ётган боласини ҳарчанд овутолмай овора эди. Шунда Эргаш шоир гўдак эйтиборини ўзига қаратиб, шундай дебди:


Алла, болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Нега буйтиб жилайсан
Ухлайдиган палла-ё.

Қўрпа тикдим парчадан,
Бешиқ қилдим арчадан.
«Қўлгинанг қиймасин», деб,
Қўлбоз эшдим пилладан.

Алла, болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Нега буйтиб жилайсан
Ухлайдиган палла-ё.

Алла, алли деганда,
Танадай туртиб эмганда,
Отанг бозор борар-а,
Бўз от олиб келар-а.

Сен бўз жигит бўлганда,
Кўпкарига кирганда
Голиб чиққин, алла-ё.



Чори бахши Хўжамберди ўғли.

Алла, болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.
Нега буйтиб жилайсан
Ухлайдиган палла-ё.

Шундай қилиб, болани уйқу элитибди...

Бундай хотиралар ўқилганда, буюк дostonчиларимизга бўлган меҳру муҳаббатимиз яна ҳам ортади, унинг шахс сифатидаги ибратли фазилатларидан баҳра оламиз.

Сўзимизни ана шу сарҳадсиз хазинамиз — халқ ижодини улуглаб, халқ ижоди талантларини бир умр тарғиб этиб ўтган устоз Ҳакид Олимжон даввати билан тугатмоқчи эдик. «Халқ доим яратади... Биз ўзбек халқининг жуда бой бўлган оғзаки адабиётига эгамиз... Халқ ижодчиларини тарбия қилиш, уларнинг сиёсий ва маданий савияларини ошириш, ижодий ишларига яқиндан ёрдам бериш керак».

ОТАЕР



Кўшиқчи Довурбой Ҳожимуродов.

Қора либосни ҳеч
Истамам кўриш!
— Рост айтсам,
Эримга бир йил киярдим,
Ўғлим хотири-чун —
Қора абадий...
Дунё мангуга тинч бўлсин даярдим,
Фарзанд доғи ёмон онага, дод-эй...
Аммо ҳамон қонхўр,
Қора гуруҳлар,
Оналар бағрини талх қон этмоқда.
Гренада, Ливанда бу кун қонхўрлар
Ажал уруғини
Тинмай сепмоқда.
Исроил жаллоди
Қутуриб кетиб,
Қайтармоқ истаёди,
У мудҳиш дамни...

Шум Рейган қаҳрада фашистдан ўтиб,
Ўтда ёқмоқ бўлар азиз одамни.
Бу удум кўрранинг
Ҳер ерида бор...
Онанинг ўғил-чун жонидир фидо:
Уларсиз онага икки жаҳон тор,

Оғирдир демолқик: «Ўғлим, алвидо!»
Қайтиб маъсумага бир сўз демедим,
Кўзлар англаб олди Барча маънони.
Фақат мен букилиб айладим таъзим,
Зиёрат қиларкан кўтлуг маъвоини,

Осмон ҳам қорайди,
Томчилар ёмғир...
Денгиз ҳам тунд бўлмиш, феъли шунақа...
Табиат ҳолатим билгандек дилгир,
Маъзосланиб қайтдим, кечин ётоққа...

Уч ёни ТОҒ...

Уч ёни тоғ, олд томони уммондир,
Қора денгиз қошин қоқиб имлайди.
Сапунқоя, Айиқ тоғлар бир ёндир.
Чотқонимдек чўққирсизга чорлайди.

Бу томонда ўсар минг хил доривор,
Банан, лимон, апельсин ҳам шу ерда.
Кезган чоғим кўрдим турфа жонивор,
Шоҳимардон табиати ўр-қирда.

Меваси мўл, дарахтлари пакана,
Бир жом шароб олиб қўяр хўшингиз.
Шинаванда йнгитлармас чакана,
Жувонлари тун ўйирлар тушингиз.

Хур қизларин айтмайсизми, оқ мағиз,
Кўш ўрим соч хаёлингиз бўлади.
Денгиз бўйлаб сайр этаркан тушмагур
Сув париси тирилгандек бўлади.

Мен таърифин келтиролмам Ялтаннинг,
Куйлай десам қўшиқлару ғазалда.
Келар ҳатто ҳаёосидан бол таъми,
Ўзбекистон — Ялта дўст-ёр азалдан.

Мен таърифин келтиролмам Ялтаннинг.



Вьетнам Социалистик Республикасининг Тхиа шаҳри яқинида, аҳоли зич яшайдиган қишлоқлар ўртасида қадимий будда ибодатхонаси бор. Ибодатхонанинг ўзига унинг 1675 йили қурилганлиги қайд этилган. Бу қадимий иншоотга кириш дарвозасини тошдан ясалган, бўйинга қўнғир оқсилган иккикта ит «кўриқлаб» туради. Итларнинг бири ғоят хушвақт ҳолатда, иккинчиси эса, жуда сержаҳл, қопонғич ҳолатда тасвирланган. Бу итлар аслида ибодатхонага киришга дўстона таклиф этиш ва

шу билан бир вақтда душманларни қўрқитиш рамзидир. Иншоот ичкарисида нақшлар билан безатилган тош меҳроб мавжуд. Меҳробга ҳризантема ва иллуфар барглари тасвири туширилган. Бу баргларда маймунлар ва бошқа ҳайвонларнинг суратлари акс эттирилган. Қадимий усталарнинг бу иншоотни қуриш ва безашдаги маҳоратлари одамни ҳайрон қолдирди.

Суратда: Капалак билан уйнашаётган маймуннинг анжир япроғидаги тасвири. Фото «Вьетнам» журналидан олинди.



ЛИРИК ШЕЪРЛАР

— Бардошни ўргатинг менга, эй тоғлар,
Қайдан бунча буюк, юксак бўлгансиз.
Вужудингизни ишқ ўртаган чоғлар,
Қандай чидагансиз, нима қилгансиз?

— Тоғлигим ҳеч гапмас, ўша дардли он
Оҳ урсам қалбимдан отилгай вулқон.

— Ҳайратни ўргатинг менга вулқонлар,
Сиздай баландлардан боқайин мен ҳам.
Топайин энг ширин, энг ёруғ сўзлар
Толезимга висол насиб этган дам.

— Турса унинг васли бағримни ёқиб,
Юксакдан пойига тушганман оқиб.

— Ошиқларнинг мангу сирдоши, эй ой,
Айт, нетай бўзимга тиқилар юрак.
Сен барчага ҳамдам, сен ҳисларга бой,
Айтақол, мен нима қилмоғим керак?

— Ишқ олдида телба бўлар барча соғ
Кўрки, хижолатдан юзларимда доғ.

— Ягона ҳукмрон, эй она қуёш,
Айтсанг-чи, қандай ўт эрур муҳаббат?
Нега ўчмас ахир, шунча тўксам ёш
Кундан-кун олови орди-ку фақат!

— Икки ёнган дилга келганимда дуч,
Бекиндим, бор ёнмоқларим бўлди пуч.

— Сен айтгин, покизам, тиниғим булоқ,
Неча кунки қийнок, азобдодир жон.
Ҳаммадан яшириб йиғлаяман тоқ,
Умид қиргоғига етаман қачон?

— Билмайман, менинг ҳам мангу кўзим ёш,
Чўкиб ётар бағрим аро сонсиз тош.

— Кўзим кўр, кўрганларим кўрқинч, туш,
Юракка тўрт ёқдан урилган пичоқ.
Ташнаман, бадтарроқ ёқар ўт, оғуш,
Жон шеърим очақол, сен ўзинг кучоқ.

— Қалбинг яра бўлса, айт қон қўшиқлар,
Шоир бўла олгай фақат ошиқлар.

Онамга

Теграм дўстлар билан чароғон

кезлар,
Менга аталганда энг ширин сўзлар,
Менга қадалганда мафтункор кўзлар,
Сизни ўйламоғим, мен беоқибат.

Ишқ, омад бошимда қулиб турганда,
Узоқ-яқинларим келиб турганда,
Бағрим қўшиқларга тўлиб турганда,
Сизни куйламоғим, мен беоқибат.

Кутмаган эдим мен, қайдин келди
гам,
Фақат шеърим билан қолдим ушбу
дам,

Сиз жуда кераксиз иккимизга ҳам,
Онажон, тез келинг, қолмади тоқат...
Онажон, келинг...



«АРҒУМОҚЛАР»

Дилбар САИДОВАга

Севган китобингни мақтадинг менга:
«Унда ёзилганлар шеър эмас, балки
Қуйма бир кашфиёт, ё парча қуёш.
Бирор ёлгон сўз йўқ, ҳис йўқ қалбаки».

Сўнгра юрагингдан гўё бир парча
Узиб тутган каби шул китобчани
Кўлимга тутқаздинг:
«Узинг ўқиб кўр,
Чидаб кўр бундаги ҳисларга, қани?!»

Ўқидим,
— Рост,— дедим, сен учраган чоқ,
Мен билмас эканман, шундай ғазаллар
Оламда борлигин.
Шеърин ҳам мутлақ,
Сўзларининг дарди титратаркан жон!

— Китоб қани,— дедим, кўзинг тубида
Интизор туйғулар титраб қўқисдан.
— Уйда,— дедим,— балки янаги сафар
Келтириб берарман чиқмаса эсдан.
Қат-қат китобларнинг юки остида,
Қолди жажжи китоб унутилганча.
Сен мени кўрган чоқ ташналик билан

Сўраб юрдинг уни унутмай қанча...

Бугун кўзим тушди,
Бир тўп танозлар
Ичида қимтинган юпун гўзалдек
Китобча турибди, атрофи гўл-ғиж,
Бу эса «Келмадин деган ғазалдек».

Ҳамон сатрлардан уфуриб турар
Парвозлар орузи, ўтли эҳтирос.
Сахродай қалбларга бостириб кирар,
Аргумоқлар тўли гуррос ва гуррос.

Шундайин бебаҳо қуёш парчасин,
Узоқ вақт бекитиб, наҳот ўйнадим?
«Аргумоқ»¹қа очиб қалбинг дарчасин,
Соғинчини сезмай, қанча қийнадим?

Сахроий юракдан тўкилган пок ҳис
Қани айт, кимларнинг қалбига кирмас!
Кечир дугонажон, ол «Аргумоқлар»,
Утли туйғуларни тушошлаб бўлмас!

1. Ўзлас Сулаймоннинг «Аргумоқлар»
китоби кўзда тутилади.

Кўп эшитдим ширин сўзларни,
Улар ҳақоратдай туюлар энди.
Бас, ахир алдамоқ кўзларини,
Ширин алдовлардан кўзларим тинди.

Мен гўдак эмасман аллага муҳтож,
Еки сийлов кутган нотавон фақир.
Ширин сўзлар айтиб кийдирасиз тож,
Ширин сўзлар айтиб қиласиз тақдир!

Менга рост сўз айтинг, бир ҳақиқий сўз,
Аламдан кўзларим ёшланиб кетсин!
Ўзлгини таниб олайин шу кез,
Қалбимда ғалаён бошланиб кетсин!

Ширин сўзлар билан аллааб яккash,
Алдоқчи оғушда тиндириб қўйманг.
Бир умр ширин сўз тинглемоқликка,
Содда юрагимни кўндириб қўйманг!

Навоий



Емирилиш хатари

Маълумки, Махинжо-Даро жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бирининг харобасидир. Асримизнинг бошларида топилган бу шаҳар қолдиқлари Покистон территориясида жойлашган. Сўнгги йилларда сув ва шўрланиш таъсирида бу

обидалар бутунлай емирилиб кетиш хавфи остида қолди.

Археологларнинг фикрларига кўра, ўта нозик дид ва маҳорат билан бунёд этилган Махинжо-Даро обидасини юзага чиқарган маданиятнинг йўқолиб кетиши ҳозиргача ҳам сирлигича қолаётир. Шаҳар қурилишининг тартиби ва меъморчилигидаги зукколик кишини ҳайрон қолдиради. Бу ерда барча маъмурий бинолар шаҳарнинг юқориги қисмида жойлашган. Уй-жой бинолари ва ҳунармандларнинг устахоналари эса, паст қисмдан ўрни олган. Шаҳар мураккаб системали қувурлар воситасида сув билан таъминланган. Уйларнинг деворларидан ва бўюмлардан топилган кўпгина

ёзувларни ҳалигача ҳеч ким ўқий олган эмас. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу қадимий шаҳарни бундан кейинги емирилишдан сақлаб қолиш учун 14 миллион доллардан кўпроқ маблағ зарурдир.



Суратда: Махинжо-Даро шаҳридан топилган ҳайкал. Бунда ўз даврининг таниқли одами ёни олий амалдор тасвирланган, деб тахмин қилинади. Сурат ЮНЕСКОнинг информацион китобчасидан олинган.

«Ёмғир, ёғавер...»

Мабодо шимол-ғарбий Хитойдаги Юньнань вилоятида истиқомат қилаётган бирор кимсага ёмғир зарур бўлиб қолса, у ҳеч бир қийинчиликсиз бунга эриша олади. Дарҳол уйдан кўчага чиқади-да: «Ёмғир, ёғавер! Ёмғир, ёғавер!» деб қичқиради. Қарабсизки, кўп

ўтмасдан ёмғир ҳам ёғиб беради. Шуниси ҳам борки, қичқирқиқ қаттиқроқ бўлса, ёмғир ҳам кучлироқ ёғади, қичқирқиқ узоқроқ бўлса, ёмғир ҳам анчагача ёғиб туради...

Бундай ҳолатни кўпроқ баланд Гаолигуншань тоғи устидаги «Сохланган оролар» атрофида кузатиш мумкин. Агар шу оролар қирғоғида турган одамлар бир-бирлари билан қаттиқроқ сўзлашсалар, ҳазил-хузил билан қичқирсалар, ўша заҳоти ҳаводан ёмғир куйилади.

Олимларнинг фаразлари-га кўра, бу жойнинг ҳавоси шу қадар намликдан иборатки, атрофдан озгина таъсир етса, ундаги буғлар дарҳол ёмғирга айланиб ерга тушади.

СПЕКТАКЛИ

Устод Уйғун маданиятимиз, шеърятимиз тарихидаги гўзал, истеъдодли шоира Зебуниссо ҳақида аjoyиб драма ёзди. Атоқли драматургининг бундан олдинги Алишер Навоий (Иззат Султон билан ҳамкорликда), Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ҳақидаги тарихий драмалари Ҳамза номидаги академик драма театрида қўйилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. «Зебуниссо» драмаси ҳам ана шу театр сахнасида намоёиш этилмоқда.

Шеърый драмани томоша қилар экансиз, унда Уйғун ижодидаги хос лирик кайфият, салмоқли, тагдор, фалсафий фикрларни бадийий мухтасар ифодали олиш санъати муҳассас эканини ҳис этасиз. Драматург Зебуниссо ҳаётини, у яшаган даврни атрофлича тасвирлаб беради.

Маълумки, Зебуниссо бобурийлар авлодидан. У — Бобурнинг чевараси, Аврангзебнинг қизи. У болалигидан илмга, шеърятга ихлол қўйган, оқила, ноэтиқат қиз бўлган. У юртда осойишталик ҳўкм суришини, халқнинг тинч-тотув, фаровон ҳаёт кеңиришини орау қилади, шеърлар ёзади. Аммо шоиранинг бу истаклари ҳақиқат ҳам амалга ошвермайдими. Отаси Аврангзеб ва унинг атрафидаги қонхўрлар — вазир Амирхон, шайхулислом Миён Бузруклар халққа зулм ўтказиш, айниқса ҳиндларга солиқни кўпайтириш, сарой хазинасини олтин гуваҳарлар билан тўлдириш пайида бўладилар.

Саройдаги энг қабиҳ шахслардан бири вазир Амирхондир. У нима қилиб бўлса-да, шоҳга ёқиш, унинг кўнглини овлаш йўлини қидиради. Аврангзебга эса ана шундай жосуслар ёқади. Тарихдан маълумки, Аврангзеб қонхўр, қаҳри қаттиқ, бағри-тош бўлган. У тоғ-тахт талашиб, акиси Доррошуху ва уқалари Муродбахт, Шоҳшужоларга қарши қирғин жанглар олиб боради, ниҳоят зўрлик билан тахтни эгаллайди. Отаси Шоҳ Жаҳонни ўн олти йил қамоқда сақлайди. Ана шундай золим шоҳ учун Амирхонга ўхшаган вазирлар жуда керак. Амирхоннинг эса нияти бошқа — у Зебуниссога уйланоқчиди. Бунга шў ҳам рози. Отаси ва Амирхоннинг бу ниятлари Зебуниссонинг газабини келтиради. Фақат шўгина эмас, мамлакатдаги адолатсизликлар, халқни талон-тарож қилишлар ҳам Зебуниссонинг юрагини эзади, бу аламларга чидаё олмай, у қон йиғайди. Шўнинг оқибатида отасига тили гапирари. Амирхоннинг юзига ҳам қарамайди.

Аврангзеб томонидан тазкиб қилинган амалиси Муроднинг ахволига эса ич-ичидан ачинади, унга раҳми келади. Бобоси Шоҳ Жаҳоннинг тутқунлиқда ётишига чидаё олмай унинг ёнига бориб, дардқаш бўлиб руҳини кўтаришини истади. Аврангзеб ўз истакларига қарши борган қизи Зебуниссонини банди қилишини буоради. Мана шундай жабр-ситамлар, ҳақсизликлар шоиранинг юрак-бағрини ўртади. Буларни кузатар эканмиз, шоиранинг куйидаги сатрлари нақадар ҳаққоний эканлигини англаймиз:

Лайли зотидан эсам-да, дилда
мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур, лекин
йўлим тўсгай ҳаё.

Ҳа, шоира саройдаги ноҳақликлару хўрланишларга барҳам бериш учун бош олиб кетгиси келади, аммо кучли ҳаё, ифрат бунга йўл бермайдими. Оқибатда барча дарду аламларини ичига ютиб, қалбини қоғозга очиб яшашга мажбур бўлади. Шоира ўз ҳолини бир газалида қуйидагича изоҳлайди:

Зоҳиримдир гозаранг, аммо ниҳоним
қон эрур,
Ўз ичиди сақлагандек қип-қизил
рангини ҳино.

Спектаклда Зебуниссо ролин ижро этган Сайёра Юнусова ўзига хос актёрлик маҳоратини намоён эта олган. Актриса образнинг туб моҳиятини, унинг қалб кечинмаларини ишонarli очиб беришга эришган. Сайёра — Зебуниссонинг ҳар бир ҳаракатида, имо-ишорасида, сўзларида ички изтироб, руҳий курашлар силсиласи сезилиб туради. Унинг отаси билан фикрий тортишувлари, амалисининг ҳолига ачингани, ҳинд йигити Рожа Рам билан сўхбатларию, севғилиси Розий билан учрашувлари, бобоси Шоҳ Жаҳон ёнига бориб, кўз ёшларию юзларини ювиб айтган сўзлари ҳар қандай томошабинни лоқайд қолдирмайди. Актриса юксак ижро маҳорати билан бизни асир этади. Яна шўниси муҳимки, Зебуниссо тушкун эмас, у дўстлари олдида кўз ёшларини тиймаслиги мўмкин, бирок душманлари қаршисида қаддини фоз тутайди, бўйин бермайди, гурури поёсидан қуйи тушмайди. Бу унинг кучли иродасидан, эътиқоди мустаҳкамлигидан далолатдир. Актрисанинг қадди-қомати, хусну латофати, юртириши томошабин тасавуридаги Зебуниссо билан мос келади. Бу образ истеъдодли ёш актриса ижодидаги энг тиниқ, ёниқ роллардан бири бўлиб қолишига шўбха йўқ.

Айни пайтда, бир мулоҳазани шу ўринда айтиб ўтиш жоиздир: Зебуниссо — Сайёра Юнусова спектакль давомида бир неча марта форс-тож тилида газал ўқийди. Бизнингча, спектакль охирида шоира Зебуниссонинг бутун қалб нидоси каби янграган газали ўзбекча таржимасида ўқилса, асарнинг моҳияти, драма қаҳрамонининг қалб амри томошабинга яна ҳам ёрқинроқ таразда етиб борган бўлар эди:

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр
йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатим, отим
Зебуниссо.

Спектаклдаги марказий образлардан яна бири Аврангзебдир. Бу ўта жоҳил шоҳ ўз атрафидаги вазирлар, шайхулисломлар гапига, иввосига учеди. Уз педарини зиндонга ташлашдан, уқаси Муродни саройда иписиб боғлаб қўйишдан, ҳатто ўлдиришдан, қизи Зебуниссонинг қалбини ўрташ, дилига озор беришдан ҳайқимайди. У доимо таженг, бақириб-чақириб юради, етти ўлчаб бир кешиб ўрни-

га, қўпинча қизиққонлик билан фармон беради. Пўлат Саидқосимов Аврангзеб характериини эсда қоладиган қилиб ижро этишга эриша олган. Актёр ижросида Аврангзебдаги теурийларга хос шиддат, жасорат, бир сўзлилик ҳислатлари ўз ифодасини топган. Бироқ баъзи ўринларда ортиқча бақириблар, ҳаддан ташқари жижээклик борга ўхшайди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: Аврангзеб тутқунликда ётган отасини ҳаддан ташқари кўпол сўзлар билан ҳақоратлайди. Буларга ишониш мўкин. Лекин унинг ўз отасига сенсираб гапириши негадир ғайри табиий туюлади.

Биз Шоҳ Жаҳонни биргина саҳнада — зиндонда ётганида кўраимиз, аммо УзССР халқ артисти Ёкуб Аҳмедов бу образни шу қадар табиий, шу қадар маҳорат билан ижро этганки, у хотирамизда ўрнашиб қолади. Бирикки оғиз сўзиданоқ Шоҳ Жаҳон характериини, қалб изтиробларини, у адолат ва эзгулик тарафлари эканини билиб оламиз. Бу ерда асар материалнининг пишқилги, бойлиги, уйғунона маҳорат билан Ёкуб Аҳмедовдай истеъдодли артист санъати уйғун келиб бу образнинг етук талқин этилишини таъминлаган.

Драма воқеалари Ҳиндистонда кечади, унда ҳинд халқининг уч вакилини кўраимиз. Булар — Зебуниссонинг қанизаги Наргис, шаҳзода Акбарнинг дўсти Рожа Рам ва Аврангзебнинг лашкарбошиларидан бири Жой Сингх. Наргис ролин ижро этган ёш актриса Луиза Қосимова ва Рожа Ром образини яратган Эркин Комилов маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Наргис Зебуниссога эътиқод билан хизмат қилади, унинг қувончига ҳам, дардига ҳам шерик. Уни ўзига шу қадар яқин оладикки, ҳатто кўнглини ўртаб юрган севги азобини ҳам ўз бекасида сир тутмайди.

Спектаклдаги Амирхон, Муҳаммад Санд, Розий, Мурод образларининг ижроси ҳам мақтовга сазовор. Актёр Рихисвой Авазов талқинидаги Амирхон шу қадар қаттол, бағришоши, на кўз ёшлари, на оху фиғонлар унинг муз қалбини эрита олади. Розий ролин эса Саидқоми Умаров яқин ижро этган. Бу образда шўрона ҳаракатлар, характер мавжуд.

Бироқ актёр образининг майинлигини метёридан ошириб юборгандай туюлади. Хусусан, газал ўқиганда, қандайдир йилгасиравш қайфияти борки, бу Розий фель-авторига унча мос эмасга ўхшайди. Мурод образи бир неча саҳнада кўринида, холос. Аммо Қаҳрамон Сабдуллаев унинг ўртанган, алданган юрагидан отилиб чиққан оху фарёдларини, ичкиликка ружу қўйиш сабабларини моҳирлик билан очиб беради.

Спектаклнинг ютуқлари ҳақида гапирганда, режиссёр Баҳодир Йўлдошев ва рассом Георгий Брим маҳоратини алоҳида қайд қилиш зарур.

Режиссёр ва рассом утуқларидан бири саҳнада саройнинг жоли тасвири яратилганидадир. Келувчилар саҳна остида зина орқали «саройга» кирадилар. Подшозодлар эса саҳна



Зебуниссо [Сайёра Юнусова] ва Розий [Сандқоми Умаров]

К. Ромеев фотоси

ортдан чиқиб келишсади. Бу ерда ҳам чуқур рамзийлик бор: шу бадийий йўл билан сарой ахли оддий халқдан юқорида турган, меҳнатқаш халқ сарой ахлининг оёғи остида яшаган, деган маъно ифодалиб берилган. Саҳнанинг олдига қатор қилиб найзалар терилган. Бу саройга кириш осон эмаслигига ишорадир.

Спектакль Зебуниссонинг «Самарқанд ушшоғи» қўшиғи фониди бошланганди, шу қўшиқ билан яқунланади. Бу спектаклнинг яхлитлигини, бир маромада давом этишини таъминлайди. Бастакор Сайфи Жалил спектаклга аjoyиб музикалар басталганки, унинг меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳар бир асар — у қайси мавзуда ёзилмасин, қайси давр ҳақида ҳикоя қилмасин — замонга хизмат қилиши лозим. Шў нуқтага назардан қараганда, мазкур драма ва у асосда яратилган спектакль тўмо маъносига билан замонавийдир. Ундаги бош гоё — эзгуликни улуғлаш, урушларга чек қўйиш, халқларнинг ўзаро дўст, аҳил яшашини таъминлаш, илм-маърифатни ривожлантиришдан иборатдир. Айни вақтда тарихимизнинг, адабиётимиз ва маданиятимиз тарихининг баъзи бир кам ўрганилган саҳифаларини ёрқин гавдалантириб бериш мақсади турарди. Устод Уйғун билан отахон театрининг коллективи мана шу эзгу ниятларни амалга оширганлар. Спектаклнинг асосий финалларидан бири ҳам, санъат муҳлислари уни зўр ҳаяжон билан томоша қилишларининг сабаби ҳам ана шўнда. Бу эса адабиёт ва санъатнинг халқ мафнаъатларига хизмат қилишини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

БЕШИНЧИ ЙИЛ МАШЪАЛЛАРИ

Гулум ИСМОИЛОВ

Зулму жаҳолат ичра
Инграгайда Туркистон,
Талаганда мискинни
Қашир даҳанли бўрон,—
Бўлганди большевиклар
Самарқанда зўр деҳқон.
Ҳа, шундай азизларим,
Ширин ўғил-қизларим,
Минг аждарга чап бериб,
Улар йўлу чўлларда,
Ҳақиқат уруғларин
Экишарди дилларга.
Тиним йўқ эди ҳаргиз
Кураш болаларида.
Тунни эритаётган
Зиё толаларидай
Дил шуъласига чулғаб
Элнинг шому наҳорин,
Яратарди бу мардлар
Инқилоб навбахорин.
Боболарнинг хокига
Таъзим этгил, ҳамшаҳрим.
Бил, айна шулар эди—
Тўфон бўлиб чайқалган
Бунда инқилоб наҳрин.
Айни бўрон рўзида,
Бешинчи йил кузида
Ох, она Туркистоним
Дорлар ила тўлганда,
Юрда жандарм суробиди
Азроиллар елганда,
«Йўқолсин, зулм!», дея,
«Подшога ўлим!», дея,
«Самарқанди саҳфасидан
Бўтун Шарққа жар
солганлар
Матонатин тоғ айтсин.
Бой қамчисин ситамину

Балки тўлкинлар айтар.
Гоҳ офтобга олиб учган
Сеҳрий оловқуш бўлиб,
Гоҳ олисга тўлқин отган
Жайхуни пуржўш бўлиб,
Гоҳ куй бўлиб эшилиб,
Жон ипига қўшилиб,
Юракларга балзаммисол
Куйилган у безавол —
Саидризо Ализода овозин!
Балки Боғишамолда
Насим еллари эслар,
Балки асрий чинорларнинг
Сўлмас диллари эслар...
...«Туринг, қуллар, тоғ

отди.



Занжирларни узайлик.
Эрк жангига шайланиб,
Золимга гўр қазайлик!
Самарқанд ҳавосини
Чулғаб дил оҳангига,
Уйғотарди большевиклар
Бонг уриб эрк тонгига.
Айни бўрон рўзида,
Бешинчи йил кузида
Меҳнаткаш ватанини,
Жигар-бағрин, танини
Хомталашлаб ғажиганда
Зулм деган дарранда —
Тун калхатин чангандан
Осилган Самарқанддан
Тунд булутлар орасида
Балқиган каби шуъла,
Мардлар юрак порасидан
Чакмоқ чакиб гулдаради
Инқилобий ашула.
Куйларди чилангарлар,
Чопчилар, бофандалар
Куйларди эрку нурдан
Умри маҳрум бандалар.
Тўфонларни бузиб оққан
Азим Зарафшонсимон —
Бешинчи йил тошқинида
Наъра торган оломон —
Уша шердил жандўшлар
Бизнинг боболар эди.
Ақлу идрок чўққисидан
Аср йўлин қуролган
Уша донолар эди.
Гоҳ дилдан оташ отиб

Жомапўш йигилишда,
Гоҳида қадам ташлаб
Дарёжўш намойишда²
Ёв комини этиб талх,
Зарбдаст Исмоил ҳаммои,
Дарёдил Матқобил чарх,
Ҳарфчин Султонмурод,
Ҳам лочин Отамурод
Шойибф Ризо чўлок,
Ҳам чопчи Иван ўртоқ,
Ҳам шулардай неча мард
Ҳайқирарди шер мисол:
«Битсин зулму истибодди!»
«Хей, инқилоб зиндабод!»
Тун аро кемаларга
Йўл кўрсатган маёқдай,
Шаҳрим самандарлари
Енарди минг-минг ёқда
Ловиллатиб умрини
Улар не-не хатарда,
Кураш хитобномаларин
Тарқатарди шаҳарда —
Толе қушин учиргандек
Қалбидан ҳар сахарда.
Эрк сафига даъват этган
Ушбу дилсўз номалар
Қанот бериб орзуманд
Ҳар мискину мунглига,
Гўёки офтоб бўлиб,
Баҳорий шитоб бўлиб,
Киарди эл кўнглига,
Панжоб мадрасасида,
Ҳар кўчаю бозорда,
Ҳар даррахту деворда,
Темир йўлда, хумдонда,
Полку эскардонда,
Майдои Регистонда,
Қўйинги, ҳар томонда
Гулхан парчаси мисол
Оқаришиб йўлларда
Большевикист нурномалар
Парпирарди қўлларда.
Гўё вожиб бир одатда —
Ҳар куну ҳар соатда
Минг бир тўпдан ўқ
отгандай
Золимларнинг қўқсига,
Минг бир бомба
ташлагандай

Айни шоҳнинг устига,
Утли варақалардан
Сўз оташин ёғдириб,
Ҳаттоки Столипиннинг
Эсхонасин огдириб³
Ёв дилига даҳшат солган
Бизнинг бобокалонлар,
Большевик деб аталмиш
Самарқандий ўғлонлар.
Ўлиб қутлугъ шахримизнинг
Сийнаи сирнокини,
Кўзга суриг боболарнинг
Шу муқаддас хокини.
Аждарсийрат золимларга
Ленин бўлиб тик боқиб,
Ҳақ йўлида жонлар аро
Морозовдай ўт ёқиб,



«Самарқанд»⁴ сийнасида
Сўз лочинин учирган,
Шердил Ализода бўлиб
Дилдаги эрк алангасин
Минг-минг дилга кўчирган—
Самарқандий мардлар эди
Шу қаҳрамон ўғлонлар,
Айни тунда йўлга чиққан
Илк чароғбон ўғлонлар.
Тиним йўқ эди ҳаргиз
Кураш болаларида.
Тунни эритаётган
Зиё толаларидай —
Юрак нурига чулғаб
Элнинг шому наҳорин,
Яратарди бу мардлар
Инқилоб навбахорин.
Йиртиб сармоа номли
Қотили бадбурўшининг
Рангезий ниқобини
Ҳам бўронли кечаларда
Жосус диффурўшининг
Харом этиб хобини,
Ғарибгузар роҳларга,
Сершовкин дастгоҳларга
Элтарди большевиклар



«Искра»ни, Ильични,
Гўё қосиб қулбасига
Етказишиб севинччи.
Келтириб «Умид»⁵ номли
Боғдан муаттар исни,
Гўё меҳмон қиларди
Маҳаллада Марксни.
Ҳар кўчаю қишлоқда,
Дашту тоғда, тошлоқда,
Дастгоҳда, дўконларда,
Казармада, конларда,
Иш устида, сандонда
Ва... ҳаттоки зиндонда
Чорлаб тақдир тонгига,
Бонг уриб эрк жангига,
Жаранглар эди дилсўз
Инқилобий олов сўз.
Мардлар сўзи тараларди
Баҳорий ҳаво бўлиб,
Триратарди дилларни
Долғали наво бўлиб.
1983 йил, февраль.
Самарқанд.

1 Саидризо Ализода— маш-
хур инқилобчи, маърифат-
парвар, олим, журналист ва
таржимон, 1919 йилдан бош-
лаб «Шуъла» инқилоб» жур-
налининг бош муҳаррири,
Комитетнинг фаол аъзоби.
У 1904 йилдаёқ РСДРП
программасини ва Комму-
нистик партия Манifestини
биринчи бўлиб ўзбек ва
форс-тоjik тилларига тар-
жима қилган. 1917 йилда
ўзбек тилида ва 1920 йилда
тоjik тилида нашр этилган
биринчи «Алифбе» китобла-
рининг муаллифи.


2 1905 йил 19 октябрда
Самарқандда бўлиб ўтган
инқилобий митинг ва намо-
йишда профессионал инқи-
лобчи журналист М. В. Мо-
розов бошчилигида марксчи
клубгоначи А. В. Худаш—
Морозова, «Самарқанд» га-
зетаси ходими, 1904 йилдан
РСДРП аъзоси С. Я. Баро-
вер, ҳарф терувчилар Сул-
тонмурод Турсунов, Отаму-
род Шермухамедов, С. П.
Власов, қозғобур И. Шоко-
нов, чархчи Исмоил Мама-
жонов, чопчи Қобил Ашу-
ров, шойибф Ризо Курбо-
нов, адвокат А. Болотин,
темир йулчи В. Марков,
гимназия муаллими В. Д.
Фигельский ва бошқа боль-
шевиклардан иборат бир
неча минг киши қатнашган.

3 1905 йил 25 декабрда Са-
марқанд инқилобчиларининг
фаолияти бобиди масала
Россия ҳукумати мажлиси-
да кўрилиб, бу ҳақда Ички
ишлар министри Столипин
доклад қилган.

4 «Самарқанд»—1904 йил
октябр ойидан чиқа бошлаган,
Шарқда биринчи бўлиб
инқилобга қақирган социал-
демократ ленинчилар га-
зетаси.

5 «Умид» — Самарқандда
1903 йилда машхур инқи-
лобчи М. В. Морозов томо-
нидан ташкил қилинган
РСДРП группасининг «На-
дежда» номли махфий ку-
тубхонаси. Уша вақтда у
Самарқанднинг ҳозирги Рес-
публика ва Пушкин кўчалари
муаллифиди бинода
жойлашган эди.

«НАВРЎ»
РУС ТИЛИДА



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси,
Ҳамаза номидаги республика Давлат
мукофоти лауреати Назир Сафа-
ров — катта ҳаётий тажрибага эга,
ижодий фаолияти серқирра адиб.
30-йилларда адабиётга публицистик
очерклари билан қадам қўйган адиб
ижоди марказида доимо турмуши-
мининг долзарб масалалари тура-
ди. Айни пайтда унинг ижодиди ўз-
бек халқининг ўтмиши, хусусан Жиз-
зах кўзголини тасвири катта ўрин
тутеди. Ёзувчининг «Кўрган-кечир-
ганларим» ва «Эрк элчиларин китоб-
ларидан иборат дилогияси ана шу
мавзуга бағишланган. Автобиографик
характердаги бу асар бир неча қар-
дош халқлар тилига таржима қилин-
ган эди. Яқинда Москвадаги «Худо-
жественная литература» нашриёти
адибнинг «Наврўз»¹ романини рус
тилида босмадан чиқарди. Китоби

Эдуард Арбенов таржима қилган.
«Наврўз» дилогияси — адиб бар-
камол ижодий фаолиятининг сархил
мевасиди. Асарда ўзбек халқининг
Октябрғача босиб ўтган йўли, инқи-
лоб ва унинг биринчи йилларида
халқимизнинг янги ҳаёт учун кураши
ҳамда ёш социалистик мамлакатим-
изнинг мардонатор одимлари тас-
зирилган.

Адиб кейинги йилларда ўз насрий
полотноларида тасвирланган воқеа-
лар асосида суварта олинган «Уйго-
ниш» фильмини яратиш жараёнида
фаол иштирок этди. «Ўзбекфильм»
киностудияси томонидан экранга чи-
қарилган «Уйғониш» бадий филь-
мини жамоатчилик илиқ кутиб олди.

1 Н. Сафаров. «Наврўз». М.,
Изд-во «Художественная литература».
1984 г.

1969 йил: Узбекистонда Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати декадаси ўтаетган кунлар. Тошкентда қорақалпоқ тасвирий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ж. Қуттимуротов, Д. Тураниёзов, Ю. Маткаримов, А. Кенжабоев сингари ҳайкалтарошларнинг ўзига хос, ёрқин асарлари олдиде томошабинлар гавжум.


Дарибой Тураниёзовнинг ўша кўргазмага қўйилган асарларини бугун кўздан кечирер экансиз, унинг ижодига меҳр-муҳаббат билан ёндашиши, бажарётган ишига чуқур масъулият туйғуси билан қараганининг гувоҳи бўласиз. Дарибой қорақалпоқ тасвирий санъатига ўзининг тақрирланмас санъати, ўз образлар олами ва ижодий талқини билан кириб келди.

Дарибой 1928 йили Кегайли райониде колхозчи оиласиде дунёга келди. Кегайли қадимдан моҳир ёғоч ўймакор усталари, ажойиб каштачилари билан машҳур бўлиб келган. Халқ усталари ва каштачилари қалб кўри билан бунёд бўлган нодир санъат маҳсулотлари шубҳасиз Дарибойга маънавий таъсир қилмасдан қўймас эди, албатта. 1947 йилда ўрта мактабнинг 9-синфини тугатган ёш Дарибой мустақил иш фаолиятини бошлаб юборди. Бўлажак расом кўплаб касбларни эгаллади. У техник котиб, ҳисобчи, маданият уйининг оммавий ташкилотчиси, Нукусдаги республика кутубхонасининг мудири, китоб савдосиде инструктор, шофёр, Ўзбекистон Фанлар академияси ҚҚАССР филиалининг омбор мудири бўлиб ишлади. Лекин қаерда ишласин, унинг тасвирий санъатга, халқ амалий санъатига бўлган қизиқиши сўнмади, балки тобора кучайиб бораверди. Натижда 60-йилларнинг охирига бориб тасвирий санъат билан мунтазам шуғулланишга киришди. Ҳайкалтарошлик санъатининг нозик сирларини эгаллашда унга Жўлдосбек Қуттимуродов устозлик қилди. 1968 йили Дарибой ёғочдан ишлаб, сайқал берилган ҳайкалларини Нукус ва Тошкентда уюштирилган кўргаз-

ИЖОД ОЛҒА УНДАЙДИ

маларда намойиш этишга муваффақ бўлди.

Тураниёзов ижодида халқчиллик асосий мезондир. Халқ руҳи, миллийлик унинг барча асарларида ўз ифодасини топган. У яратётган асарлардаги халқчиллик олами ҳис этишида, қорақалпоқ халқ достонлари, эртаклари ва ўзининг бой тасавури билан боғлиқ мазму таллай билишида кўринадди. Шу билан бирга Тураниёзов ҳамisha атроф-муҳитни, жамият ва




Кўза кўтарган ўzbek қиз.


замондошлари ҳаётини тасвирлашга ҳаракат қилади. Қалбига ақин одамлар билан мулоқатда бўлиш, тинимсиз меҳнат, изланиш натижасида «Партизан», «Дутор устаси Саидниёз», «Келин», «Шифокор» каби асарлар яратдики, бу асарлар ўзининг бетакорлиги, табиийлиги, образларнинг ранг-баранглиги билан томошабинлар эътиборига сазовор бўлди.

60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида Тошкент, Москва ва Югославияда намойиш этилган, томошабинлар эътиборини қозongan «Чу-

гурма кийган қария», «Кунжут гули», «Шифокор», «Ўрмон гўзали» каби асарлари Қорақалпоғистон Давлат санъат музейига қўйилди. «Овчи» ҳайкали эса 1977 йили СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг бронза медали билан тақдирланди. Дарибой ўз асарларида персонажларининг кўзини — бутун жозибаси, бутун маъноси билан тасвирлаб беришга катта эътибор беради. Машҳур қорақалпоқ донишманди, ҳозиржавоб Умирбек лақининг кўзлари катта, нигоҳи ўткир ва аламли; «Партизан»нинг мардлик уфуриб турган ва айна пайтда ўйчан қарашлари, «Кўза кўтарган ўzbek қизининг кўзлари тийрак; ва аёл тимсолидаги афсонавий «Ҳумо қуши» қарашлари сирли ва улуғвор; «Қорақалпоқ қизининг кўзларида эса муҳаббат зўр маҳорат билан ифодаланган. Дарибой асарларидаги таъсирчанлик ва ҳаққоният нафис ва бўртма шакллари орқали, нақш ҳамда сураткашликка онд маҳорат хусусиятлари билан уйғунликда кўзга ташланади. Уймакорлик асбоблари ёрдамида маълум асарини яратар экан, ҳайкалтарош бўлажак иши-



Қорақалпоқ қиз.



Гулойим.

даги айрим табиий деталь ва белгиларни алоҳида белгилаб олади. Бу ҳол ёғоч сатҳига бериладиган чизги ва нақшларда ҳам кўзга ташланади.

Нукус музейига қўйилган «Кўза кўтарган ўzbek қизининг кўйлаклари ва дўпписи», «Чўгурма кийган қария»нинг мўйлов ва соколи тасвири ана шу табиийлик намунасидадир, Тураниёзовнинг баъзи асарларида юмор алоҳида ўрин тутаетди. «Партизан», «Умирбек лақини», «Ботир» каби асарларидаги айрим шахслар таърифининг жонли ва таъсирчан бўлиши учун енгил кулги ҳамда муболагадан ўринли фойдаланган. Агар Дарибой Тураниёзов асарларига одам анатомиясининг классик академик талаблари нуқтаи назаридан ёндашилса, уларнинг кўпчилигини мукамал ва тўлақонли деб бўлмайдди. Бироқ ҳаваскорга бундай талаб ҳам қўйиш ноўриндир. Чунки санъаткор таъсирчанликка академик услуб билан эмас, балки бошқа тасвирий воситалар билан эришмоқда.

Дарибой Тураниёзов асарларига чуқур миллийлик хосдир.

Унга 1978 йили «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди. Бу юксак унвон Дарибой Тураниёзовнинг қорақалпоқ халқ достонлари, эртаклари қаҳармонлари ҳамда ажойиб замондошлари образларини яратиш йўлида янада юксак ижодий парвозларга ундайди. Зеро, санъаткор учун халқига сидқидилдан хизмат қилишдан ортқи бахт йўқдир.

Рафазль ТОҚОШ,
санъатшунослик доктори



Ҳайкалтарош иш устида.

Миноранинг умри узайди

Ироқдаги бир томонга оғиб бораётган минора — Мосул шаҳридаги «Аль-Хабда» минорасини сақлаб қолтиш учун чора кўрилди. Мутахассислар 55 метрли бу иншоотни пўлат устунлар билан мустаҳкамлаш ва чиройли ранг-баранг гишт-

лар билан безаш учун роса уч йил меҳнат қилдилар. Шу тарика қачондир юз бериши мумкин бўлган хавфли воқеанинг олди олинди.

«Аль-Хабда» («оғиб бораётган») минораси араб мамлакатларидаги энг баланд миноралардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, табиий шароитлар, айниқса кучли шамоллар таъсирида Ироқ мамлақати шимолидаги кўпгина баланд миноралар аста-секин оғиб

бораётир. Бу ҳолат айниқса Курдистонда кўпроқ сезилаётир.

«Қотил асаларилар»

Пренса Латина агентлигининг хабарига кўра, шу йил февраль ойда Панама мамлакатининг пойтахти Панама шаҳрига африка асал-

арилари яна «ҳужум» қилди. Бундан аввал — ўтган йилнинг сентябрь ойда ҳам худди шундай воқеа содир бўлган эди. Бу гал зақарли «вабо» шаҳарнинг энг катта ва сараҳоли Виа-Эспанья кўчасида довулдек гувилаб учиб, дарахтларда осилиб қолди. Маҳаллий телевидение «қотил асалариларининг йўловчиларга ёпирилгани ва ўт ўчирувчиларнинг аҳолини қаҳри қаттиқ ёвдан асраб қолаётган пайтларини намойиш этди.



ОНА МЕХРИ

ХИКОЯ

ЧОФРОҚИНА ҳовли. Ҳовли эгаида боққа ўтиладиган дарча бор. Айвондаги чорпоғ атрофида уч-тўртта болақай чугурлашиб айланади. Фарзандлари келишганда онанинг уйи шундай гавжум бўлади. Бугун ҳам шаҳарда яшайдиган катта ўғли бола-чақаларни олиб келган. Она пилбани кафтида тўтиб чой ҳўплайди. Унинг пилба тутган кафти пахта чаногини эслатади. Оилавий суҳбат пахта мазусида — она уруш йилларидаги қийинчиликлардан сузлаяпти. Атрофдагилар ҳар замонда ноз-неъматлардан тўтиниб қўйишади. Лиқолчалардаги дурновот, шўрданак, чақилган ёнғоқ, нақш олмалар, огизга солсанг эриб кетадиган ноқлар, тахмондаги духобна кўрпа, кўрпачалар оиланинг фаровон турмушдан далолат беради. Деворда Абдуқодирнинг катта қилишланган фотосурати. Абдуқодир унинг эри. Йилдан-йилга унинг фотосурати хиралашиб бораёпти. Ғўё

йиллар давомида ёққан қору ёмғирлар унинг охорини ҳам ўзалари билан олиб кетаётгандай. У урушга қандай кетган бўлса, шундай кириб келди. Ёқимли табасуми билан хонани нурга тўлдирди. Шундай киргин-барот жанглардан омон қайтган шўрлик, айни кирчиллама ёшида қирчинидан кесиди. Ҳаёт бўлганида, болаларнинг бўй-бастини кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўларди. Бирини топсанг, бирини йўқотсан, дегани шу бўлса керак-да. Ёш ҳам бир жойга бориб қоляпти. Болалар ҳам катта бўлиши. Невараларни айтмайсиизми, ҳовлини бозор қилиб юборишади. Буларнинг ҳаммасига ўзи таянч бўлиши керак. Тўнғичи Сафаржондан кўнгли тўқ, Унга илмдан берган. Тилга тушиб қолди. Чайир, бақувват. Қийинчиликлар унинг қаддини буколмади. Келини Гавҳар ўғлига жуда муносиб. Исирғалари елкасига тушади. Айниқса бурилли қараганда бирам чиройли бўлиб кетадик... Улар шаҳарда яшади.

Кенжаси Бахтиёр сал бошқачароқ, биров гапирса жимгина кулиб эшитди. Болалигида ҳам мўмингина эди. Полвон йигит бўлди. Келини Ширинбиби дастурхондаги ширинликлардан озроқ тотиниб, боласини эмизиш учун четроққа сурилди. Меҳрибон, қувноққина, сипо, юрганга ҳам қулгичлари ўйнаб туради. Жуда чаққон. Шу келинини туширганидан бери ўзи ҳам анча тинчиб қолди. Ҳовлини ёғ томса ялағудек тутди. «Ойжон, энди қирқ қават кўрпачеда ўтириб давр сурадиган пайтингиз», дейди барака топкур.

Уртанча келини Ойниса ҳам чакки эмас. Қадди-қомати келишган. Хусни-малоҳати ҳам бир жаҳон. Кокиллари мажнунтолдай шокила-шокила. Елкасида тўлғаниб туради. Овози бирам ширали. Ҳамманинг ҳаваси келади. Онасини унатиш осон бўлмади. Ойниса эса, доим ўзини олиб қочиб юрди. Асқаржон ҳам бўш келмади. У шоҳида юрса, бу баргида юрди. Асқаржонни чўрткесар, қайсаргина, Ҳазир ҳам пойгакда, қақсар, ириб туриб кетишга шайлиниб тургандай ўтирибди. Меҳмонларнинг ҳурматини қилиб кийиниб олса бўларди. Рангисз майка, дўпписи чаккасига тушиб турипти. Этигининг кўнжига газета тикиб олган. Доим шошиб юради. Уинга ўт кетган одамдай югуриб-елади.

Неварасининг кўнгироқдай овозидан она ўзинга келди. — Буви, мен иккита сомса едим, яна олсам майлими? — Ол, олавер, қоқиндик, санамай еявер. Бу Эрлари, каттасининг ўғли, шаҳарда ўртоқлари уни Алик деб чақирдишади. Ота-онасиям шундай дейишади.

Ойниса ўғлининг нонига асал суриб берди. Равшан унинг эркатойи. Нонни ушатиб ёб ўтирипти. Қўлчлари кичкина, миқтигина. Ҳали қўлига ёнғоқ ҳам сирмайди. Неваралари бири-бирдан ширани. Уларсиз зерикчи қолади киши. Болалар ўзаро вижирлашади:

— Бизнинг рангли телевизоримиз бор! — мақтандаи Эрлари.

— Бизникида рангли сўзана бор. Бу шўхликда ўғил болалардан қолишмайдиган Озода эди. Катталар «гурр» этиб кулиб юборишди. Улар беихтиёр деворга қоқилган сўзанага қарашди.

— Бунча чиройли! — ҳаяжонини босолмади Гавҳар, — эйтибор қилмаган эканмен. Наҳотки қўлда тўқилган. — Бўлмасам-чи, машинада бундай тўқишолмайди.

Онанинг бисотида иккита сўзана бор. Қизлик пайтида ўзи кўвнга атаб йўрмалаган эди. Сўзанани гулдор қилиб тикиш учун бўялган ипак ишлади. Худди баҳор гулларидай ёркин, шўх, тўй кўнига ўхшайди. Иккинчисини турмушга чиққандан кейин тика бошлаган эди. Уруш бошланиб қолди. Оппоқ матога шафакранг доира тўкиб чиқди. Ботаетган офтобга ўхшайди. Унинг қалбида ўша пайтлари шу сўзанани битказгандан кейин Абдуқодир кириб келади, деган ишонч ҳукмрон эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Абдуқодир келган кунлари сўзанани кўриб қувонди. Чевар хотинини роса мақтади ўшанда... Сўзанага қараган сайин хотиралари тирилади. Ҳа, улар қисқа, лекин тотли умр кечирди. Эсласа арзигулик хотиралари бор. Яна Сафаржоннинг гулдурас овозидан сергаланди. У одати бўйича атрофдагиларга ўз сўзини маъқуллатар эди: — Утмишда йўрма қилиш қўшиқ айтиш билан баробар бўлган. Ҳамма хотин-қизлар ўз орзу-истакларини матога нақш тикиш билан ифода этганлар. Яратилган нарсалар шунинг учун ҳам санъат даражасига кўтарилган.

— Сизлар ҳам йўрма қила оласизларми? — деб сўради Гавҳар ованларидан. — Мен бунчалик тиколмайман, — деди Ширинбиби уялиқираб. Ойниса бош ирғади: — Жуда майда иш, сиқилиб кета-

ди киши. Ҳазир телевизордан ортмай қолганимиз. Шу пайт кутилмаганда Асқар тиззаларига шалпатилди:

— Чўлда телевизор вақтинчалик бўлмади. Қандай ашайсан?

У шундай завқланиб, ишонч билан гапирдики, Онанинг кўз олди қоронғулашиб, юраги «ажиз» этиб қуйишиб кетди. «Барбир фикрдан қайтмапти-да!»

Сафаржон онасининг кўнгилидан кечган гапни айтди:

— Нима, ростдан ҳам шундай қарорга келдингми? Маслаҳатлашиб керакмиди...

У яна нимадир деди. Она эшитмади. ...Бу ўғли, бу безовта ўғли! Доим шундай, нимадир бошлаб юради. «Асқар осмонга кўприк солади», дейишади маҳалладагилар. Майли, ҳар кун шундай шошиб, тўлиб яшани, фақат уйда, шу ерда, кўз ўнгида!

...Шаҳарлик меҳмонлар билан суҳбат қургани кўшиллар чиқишиди. Ойниса чой дамлаб келди. Лекин куйиб узатмади. Эридан ранжигани шундоқ ҳаракатларидан сезилиб турипти. У мағрур, сирини олдирмайди. Уз ёнғига ўзи қоврилиб юраради. Асқар уни ўйлармикан?! Равшани ҳали ёш, салга шамоллаб қолади, бунини ўйлармикан?! Онасини-чи! Емай еадиган, киймай кийдирган онасини ўйлармикан!!

Кўшиллар чиққанда суҳбат қовушмади. Ширинбиби кичигини олиб уинга кириб кетди. Утирганлар бир-бир тура бошлади. Сафар қовоғини солиб соатига қаради. «Шаҳарга телефон қилишим керак», деб ўрнидан кўзгалди. Бахтиёр ҳам: «Энди фермага бориб келай», деб турди. Ойниса дарахтларни оқлайман деб оҳир солинган пақирини олиб боққа кириб кетди.

— Ҳой, барака топкурлар, тўхтанглар, иш бўлса қочмайди. Келиб мени роса хурсанд қилдинглар. Гапларинг рост бўлса, энди озроқ қарашиб ҳам юборинглар. Боғда олма бу йил роса бўлиб берди. Еган билан оло бўлмайди. Ҳаммасини тегиб олганмиш. Энди кесиб қуришти керак. Қани оналарнинг садақларининг бири кўрай, — деди она уларни чорпоёга ундаб. Ҳамма яна жой-жойига келиб ўтирди. Она шундай қилса ака-укалар иш устидан яна ўзаро гаплашишини биларди. Каттаси энди ота ўрнида ота, алдаб-сўлдаб кўндирар.

...Қарс-курс қирқилаётган олмлاردан шарбат сизиб, кўнгир тусли юлдузчалар шаклини олади. Атрофда олманинг хушбўй ҳиди анқийди. Эраккалнинг босиқ сўзбалашапти. Лекин она кутган мавзуда гаплашаётганлари йўқ. Сафарнинг ранжигани билини турипти. «Нимагам келдим, менсиз ҳам ҳал бўлган экан-ку», деб ўйлаётган бўлса керак. Боздан Ойнисанинг хиргойиси сизитилиб турибди. У ишга берилиб кетди чоғи овзини барала қўйиб юборди:

...Сенинг учун мен куйдим, омон ёр. Сенинг куйганинг ёлгон...

Шаҳарлик келин «Омон ёрига жүр бўлди ва қайнонасига сал энгашиб Ойниса томонга ишора қилди:

— Зап келинингиз бор-да. Кинога олса арзийди.

— Хусн-душман, болам — жавоб қайтарди она.

Гавҳар хўрсинди: — Бизникига юринг десак, бормайсиз. Ҳеч бўлмаса келинларнингизни юбориб туринг. Шамоллаб қайтишад.

— Эрлари билан борса, бошқа гап. Елғиз боргани билан...

— Мен секин сўраб қўрдим. Чўлга боргиси йўқ. Тўғри қилади. Икки боласи билан оворагарчиликни айтмайсиизми?

Она Ойнисанинг куйлашини тинглаётган эди:

...Асло раҳминг келмайди, омон ёр. Бировнинг боласига, омон ёр...

Бехосдан онанинг ёдига клуб мудири Мансур тушди. Беш-олти марта



Расмини Темур САЪДУЛЛАЕВ чизган.

Бўри хусусида

Мавлон ИКРОМ

Бўри — жисмонан кучли, чидамли, чаққон ва эҷил ҳайвон бўлиб, хавфли йирткичлар оиласига мансуб. Бўрида кўриш, эшитиш ва ҳид олиш аъзолари низоҳатда ривож топган. Инсон кўлига эшитишга қодир бўлмаган ультравозук (овоз)ни ҳам бўри яхши эшитади. У ҳар қандай муҳит ва шаронгга тезда мослаша олади.

Конхўрликда бўрига ҳеч қандай йирткич тенглаша олмайдди. У азалдан одамзоднинг ашаддиди душмани ҳисобланиб келган. Энг муҳими орати шуки, у чорва молларини кўплаб бўғизлаб ёки ёриб ташлайди. Битта кўйни олиб кетса майли-я, аввало кўрадаги 20—25 кўйни нобуд этиб, сўнгга биттасини орқалаб кетади. Бу, ёлғиз битта бўрининг қилмиши ҳолос!

Маълумотларга қараганда, Россияда «...ўтган асрнинг етмишинчи йилларида уй ҳайвонларини қириб ташлаши тўғрисида бўрилар ҳар йили олти миллион сўмликка яқин зарар келтириди. Биргина 1873 йилда Россиянинг Европа қисмидаги 45 та губернияда бўрилар 179 минг баш қора молни, 562 минг баш қўй билан эчкини еб кетган.

Бўрилар келтираётган бундай талафотлар бизнинг асримизда ҳам давом этмоқда. 1924—1925 йиллар орасида бўрилар, қарийб бир миллион баш қорамол билан чорва ҳайвонларини қириб юборган. Кейинги йилларда ҳам бу каби аянчли ҳодисалар тез-тез содир бўлиб турибди. Чунинчи, 1947—1952 йиллар мобайинда Калинин областининг қолхоз ва совхозларида 63 минг 945 баш уй ҳайвонини бўрилар еб кетгани қайд этилган. 1975—1977 йилларда СССРнинг Европа қисмида бўрилар 73 мингтага яқин тўққиз ёввойи ҳайвонларнинг, 1976 йилда эса 15 минг 26 баш уй ҳайвонининг шўрини қуритган. Ҳар йили СССРнинг Европа қисмида, ўрта ҳисобда 20 минг баш уй ҳайвонлари бўриларга ем бўлади. Давлат сугурта инспекциясининг маълумотига кўра, 1977 йилда бўрилар етказган зарар РСФСР бўйича чорвачилик ва ов ҳўжаликларида 8—10 миллион сўмини ташкил этди.

Қуйдаги фактларга эътибор беринг: «Битта бўри бир йилда бир ярим тоннага яқин гўшт еydi, яъни 90 та сайгоқ ёки 50—80 та тўнғизни ёради», «...35 тадан 45 тагача қосулни нобуд этади ва ҳоказо». Калинин область, Вологда районидаги «Сеглинский» совхозда битта бўри бир кечада кўтондаги кўйлардан 26 тасини ёриб кетган. Воронеж область, Россосанск районидаги «1 Май» колхозининг 36 та кўйини бў-

рилар бир ҳамлада бўғизлаб ташлаган.

Ҳозирги пайтда, мамлакатимизнинг кўплаб районларида, шу жумладан, кўриқхона ҳамда қатагонларинда бўриларнинг сонини кескин кўпайиб кетмоқда. Масалан, СССРнинг Европа қисмидаги Дарвинский, Централъно-Лесной, Хоперский, Окский кўриқхоналарининг ҳар бирида ўрта ҳисобда 15 тадан бўри бўлса, Олтой ҳамда Березинский кўриқхоналарининг ҳар минг квадрат километр майдонига 70 та бўри тўғри келади. Бу ерда ҳар йили тўққиз ҳайвонларнинг 25 проценти бўриларга ем бўлади. Бу рақамлар бўриларнинг зарари ҳақида қисман тасаввуру беради ҳолос.

Республикаимиз Урмон ҳўжалиги министри ўртоқ Пўлат Юнусович Юсупов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг муҳбири билан 1982 йил 10 декабрь сонида ўтказган суҳбатда Ўзбекистонда иккинчи миқдорда бўри борлигини қайд этган. Шубҳасиз бу йирткичлар ёввойи ҳайвонлар кўплаб учрайдиган тоғларда, адирларда, чўлларда ва айниқса чорва яйловларига яқин жойларда яшайди. Битта бўри бир кунда 5—6 килограмм гўшт истеъмол қилишнинг мутахассислар алақачон исботлаган. Шундай экан, икки мингта бўри бир кунда неча тонна гўшт ейиши мумкинлигини англаш қийин эмас. Бўри «ейдиган озуқанинг нақ яқин каламуш, юмронкозлик» деган фикрга жуда ҳам ишониб бўлмайди. Афсусларли жойи шундаки, бизнинг айрим журналистларимиз бошқа китба олимлари айтган, лекин бизнинг минтақага мутлақо тўғри келмайдиган ахборотларни тақрорлаб, газетчоларнинг чағитмоқдалар. Канада билан Америкада бўрилар «сиқон билан каламуш» ёган бир пайтда, улар бизда лось, бугу, сигир, қўй ва бошқа ҳайвонларни бемалол еб юришибди!

Бугунги кунда бўри ўз ўлкасини тўйганича еб, аксари ҳолларда, ортиб қолганини ташлаб кетади. Чунки, озуқа кўп. Кўзи ўткир, қарга, қув загиргонлар эса (овчилар таъбирида — сигналчилар) ўлакка устида парвоз қилиб, қанотли ва пийёда жониворларни «маърака» майдонига бўридан эртадилар. Натijaда бўридан ортиб қолган ўлакка ҳақиқий «санитарлар» ўртасида хомталаш бўлади. Қарабсизки, бўри ҳам тўқ, катта-кичик ҳайвонлар, қарга-қушгунлар ҳам.

Дарвоқе, бўрининг «санитарлик фаолияти хусусида. Бўрининг бир фоиз санитарлиги бор, бу рост. Лекин, 99 фоиз у конхўр йирткичидир. Бироқ, ана шу ҳақиқатни ҳаспўшлаб, бўрини юз фоиз эҳтиёт қилишда баъзи олимларимиз ортлиққа фидойилик қилмоқдалар. Мамлакатимизнинг йирки

эколог олими академик С. С. Шварц «Природа» журналининг 1976 йил 11-сонида босилган мақоласида: узоқ мусохаба давомида овшунос-биологларнинг бўри зарарли йирткич эканлиги хусусидаги тўғри ва ҳаққоний мулоҳазалари бўрининг фақатгина ҳайвонот бўриларда кўрган «билармон олим»лар шовқини остида кўчилиб кетгани ҳақида ачиниб ёзади.

Жуда кўпчилики бўрини фойдаланиб, санитар сифатида зарурлигини зўр бериб ишбошлагча уриниш натижаида бу «санитарлар» шу қадар қўпайиб ва зўрайиб кетдики, эндиликда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигига сезиларли даражада зарар келтира бошлади. Биргина 1977 йилнинг ўзида бўрилар келтирган моддий зарар мамлакатимизда 30 миллион сўмини ташкил этди. Бугунги кунда тоғлар, ўрмонлар, чўлу биёбонларда қонун томонидан ҳимояга олинган бу «санитарлар» истаганича хурезлик қилмоқдалар. Марказий газета ва журналларда эълон қилинган мана бу мисолларга эътибор беринг-а:

«Ямал-Ненец автоном округида йирткич бўрилар 1 минг 718 бугунги ўлдириб, 7 минг 48 бугунги ҳар томонга таркиратиб қувиб кетганлар. Улар дом-дараксиз йўқолдилар».

«Хатанг районида бўрилар дастидан қирилган бугулар 54 проценти, Анадирда эса 57 проценти ташкил этади».

«Нарьян-Мар станциясида битта бўри 30 баш бугунги ёриб ташлаб, ҳўжаликка 6 минг сўм зарар етказди».

«Печора-Ильич кўриқхонасида бугуларнинг 38 проценти бўрилар бўғизлаб кетди».

«Учта касалланган бугу подадан қолиб кетиб, бугу-бўш тундрадаги ёлғиз қарагай тағиди гуж бўлиб тўхтаб қолди. Излардан маълум бўлишича, бўрилар 30 метр наридаги ана шу касал бугуларга қайрилиб қарамай ўтиб кетган ва подани қувиб етиб, 22 та соғлом ҳайвонни нобуд этган».

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Булар бўрининг «санитарлигига қафолот беролмайди, аксинча, унинг конхўр ва зарарли йирткич эканлигини тасдиқлайди.

Бўрининг зарари фақат бу эмас. Унинг организмиде 50 дан зиёд юқумли гелиминт гижжа турлари мавжуд бўлиб, айниқса, лентасимон ва чувалчангсимон турлари кенг тарқалган. Бўри бу гелиминт гўмбакларини ҳайвонлардан ташқари, талаш ва тишлаш орқали одамларга ҳам юқтиради. Натijaда эхинококкоз, цистирцеркоз, ценуроз сингари оғир касалликлар келиб чиқадики, бу дардан инсон тезда фориг бўлолмайди, ҳайвонлар эса, бутунлай қирилиб кетади. Шунингдек, бўри бруцеллэ, тўларемия, листереллэ, сибирь язви каби юқумли касалликларни тарқатувичи восита ҳамдир.

Бундан ташқари, бўри ҳайвонот оламида кутуриш вирусини ташувчи йирткич ҳисобланади. Ҳар 2—3 та бўридан бири ана шу вирусга эга. Қадим замонлардан бугун Россияда бутун-бутун губерниялар, Урта Осиде ва Қозогистонда талайгина қишлоқ ва овуллар аҳолиси кутурган бўрилар дастидан жуда кўп озор чеккан.

«Советская Эстония» газетаси ўзининг 1973 йил 23 март сониде «1820 йилда кутурган бўрилар эликта одамини ёриб ташлагани», ундан олдинроқ, яъни «1807 йилда эса икки та кутурган бўри Тарту уездида салкам эликта одами (аксари ярти боқалар) талаб ўлдиргани ҳақида хабар қилади. «Охота и охотничье хозяйство» журналы 1978 йил 11-сониде ёзишича, Белоруссияда 1957 йили кутурган бўри бир ярим кунда 150 километр йўлни босиб ўтган, 25 кишини талаб, шундан 19 кишини оғир жад роҳатлаган, қирқдан ортиқ уй ҳайвонлари ва бечисоб ёввойи ҳайвонларни ташлаган. Шу журнал ўзининг 1978 йил 9-сониде «1975—1976 йилларда кутурган бўрилар Ульянов об-

ластида 15 кишини, Пенза об-ластида 5 кишини, Орел об-ластида 4 кишини, Калуга об-ластида 7 кишини, Оренбург об-ластида 6 кишини тишлаганлигини маълум қилади. Калуга об-ласти, Битошъ станцияси яқинида «куппа-қундуз кунни кутурган бўри гўл териб юрган уч яшар қиз болани ёриб кетди». «Модиноский районидеги, Болше дарёсида иккита бола чўмиларди. Бўри улардан биттасини тишлаб кўтарди. Бола «Онамга айт, бўри мени олиб кетганини!» деб қичқирди сўнги ги бор. Иккинчи бола ўзини сувага ташлаб омон қолди. «Ур-гута райониде... даҳшатли фожиа рўй берди: бўри кўп болалар бир айлани нобуд қилди деб ёзади «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси 1979 йил, 3 апрель сониде. «Калинин областидеги қишлоқлардан биринде, 29 яперси каби юқумли касалликларни тарқатувичи восита ҳамдир.

«Советская Эстония» газетаси ўзининг 1973 йил 23 март сониде «1820 йилда кутурган бўрилар эликта одамини ёриб ташлагани», ундан олдинроқ, яъни «1807 йилда эса икки та кутурган бўри Тарту уездида салкам эликта одами (аксари ярти боқалар) талаб ўлдиргани ҳақида хабар қилади. «Охота и охотничье хозяйство» журналы 1978 йил 11-сониде ёзишича, Белоруссияда 1957 йили кутурган бўри бир ярим кунда 150 километр йўлни босиб ўтган, 25 кишини талаб, шундан 19 кишини оғир жад роҳатлаган, қирқдан ортиқ уй ҳайвонлари ва бечисоб ёввойи ҳайвонларни ташлаган. Шу журнал ўзининг 1978 йил 9-сониде «1975—1976 йилларда кутурган бўрилар Ульянов об-

ластида 15 кишини, Пенза об-ластида 5 кишини, Орел об-ластида 4 кишини, Калуга об-ластида 7 кишини, Оренбург об-ластида 6 кишини тишлаганлигини маълум қилади. Калуга об-ласти, Битошъ станцияси яқинида «куппа-қундуз кунни кутурган бўри гўл териб юрган уч яшар қиз болани ёриб кетди». «Модиноский районидеги, Болше дарёсида иккита бола чўмиларди. Бўри улардан биттасини тишлаб кўтарди. Бола «Онамга айт, бўри мени олиб кетганини!» деб қичқирди сўнги ги бор. Иккинчи бола ўзини сувага ташлаб омон қолди. «Ур-гута райониде... даҳшатли фожиа рўй берди: бўри кўп болалар бир айлани нобуд қилди деб ёзади «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси 1979 йил, 3 апрель сониде. «Калинин областидеги қишлоқлардан биринде, 29 яперси каби юқумли касалликларни тарқатувичи восита ҳамдир.

Бундан ташқари, бўри ҳайвонот оламида кутуриш вирусини ташувчи йирткич ҳисобланади. Ҳар 2—3 та бўридан бири ана шу вирусга эга. Қадим замонлардан бугун Россияда бутун-бутун губерниялар, Урта Осиде ва Қозогистонда талайгина қишлоқ ва овуллар аҳолиси кутурган бўрилар дастидан жуда кўп озор чеккан.

«Советская Эстония» газетаси ўзининг 1973 йил 23 март сониде «1820 йилда кутурган бўрилар эликта одамини ёриб ташлагани», ундан олдинроқ, яъни «1807 йилда эса икки та кутурган бўри Тарту уездида салкам эликта одами (аксари ярти боқалар) талаб ўлдиргани ҳақида хабар қилади. «Охота и охотничье хозяйство» журналы 1978 йил 11-сониде ёзишича, Белоруссияда 1957 йили кутурган бўри бир ярим кунда 150 километр йўлни босиб ўтган, 25 кишини талаб, шундан 19 кишини оғир жад роҳатлаган, қирқдан ортиқ уй ҳайвонлари ва бечисоб ёввойи ҳайвонларни ташлаган. Шу журнал ўзининг 1978 йил 9-сониде «1975—1976 йилларда кутурган бўрилар Ульянов об-

ластида 15 кишини, Пенза об-ластида 5 кишини, Орел об-ластида 4 кишини, Калуга об-ластида 7 кишини, Оренбург об-ластида 6 кишини тишлаганлигини маълум қилади. Калуга об-ласти, Битошъ станцияси яқинида «куппа-қундуз кунни кутурган бўри гўл териб юрган уч яшар қиз болани ёриб кетди». «Модиноский районидеги, Болше дарёсида иккита бола чўмиларди. Бўри улардан биттасини тишлаб кўтарди. Бола «Онамга айт, бўри мени олиб кетганини!» деб қичқирди сўнги ги бор. Иккинчи бола ўзини сувага ташлаб омон қолди. «Ур-гута райониде... даҳшатли фожиа рўй берди: бўри кўп болалар бир айлани нобуд қилди деб ёзади «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси 1979 йил, 3 апрель сониде. «Калинин областидеги қишлоқлардан биринде, 29 яперси каби юқумли касалликларни тарқатувичи восита ҳамдир.



Рисунг Н. ИБРОҲИМОВ чизган.

АВТОКОРХОНА ТАЖРИБАСИ


1980 йилларнинг бошларида Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарлари йўлларида мотори баллонли газ билан ишлайдиган такси автомашиналари қатнай бошлади. Баллонли газларнинг ёнилги сифатида машиналарга нечоғлик фойдали эканлигини илмий-амалий жиҳатдан исботлаш учун йирик шаҳарларда экспериментал ишлаб чиқариш автокорхоналари ташкил этилди. Худди шундай корхона Тошкентдаги 3-таксипарки базасида ҳам ташкил топди.

Айни пайтда корхона юксак малакали инженер ва техникларга, тажрибали ҳайдовчиларга эга. Корхонада экспериментал лаборатория мавжуд. Унда автомобилларнинг агрегатлари ҳамда деталларининг ишлаш жараёни кузатиб борилади. Олинган маълумотлар ўрганиб чиқиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун Горький автомобиль заводига, Заволжье мотор, Рязань автомобиль аппаратлари заводига жўнатилади. Бу ерда ишчи ва хизматчиларнинг меҳ-

нати ва маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар яратилган. Корхона қошидаги 50 ўринли санитарий-профилакторий улар хизматида.

Экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планларини муддатидан олдин удалади. Корхонада 9 бригада «Коммунистик меҳнат коллективи» деган фахрий номни олишга мушарраф бўлган.

«Хизматингизга тайёрмиз. Машиналар навбатдаги рейсга йўл олди.



Моторларни ремонт қилиш цехининг механика участкаси бригадирини Владимир Адокиенко иш устида.

В. Дубровский фотолари



ганича думини қисиб, қарағайзор томон борарди. Серёжа бўри ортидан югуриб қичқирди. Бўри бирдан тўхтаб хурпайди ва тўсатдан болага ташланди. Йиртқични паншахнинг ўткир найзалари тўхтатиб қолди. Хавфни отаси даф қилган эди».

Бўрининг ҳимоячилари: «Бўри фақат қутурган пайтидагина одамга ҳамла қилиши мумкин, дейишди. Бу нотўғри фикр. Бўри қутурмаган пайтда ҳам одамга ҳужум қилади. «1978 йил 21 августда — Стяжной (Брянск области) яқинида бўри 6 кишини талади... Сунгра, ўрмонда дам олаётган аёлларнинг нарсаларини тишлаб тарта бошлади. Аёллардан бири нарсаларни тортиқлаганида, бўри унга ташланди. Кейин бўри аёлни ҳимоя қилмоқчи бўлган эркакка ҳам ҳужум қилди... Уқ овозини эшитгандан сунггина, бўри станция томонга йўналди. Йўлда бир аёл ва икки болани яралаб, олти яшар болани тишлаб олиб қочётганида, овчи бўрини отиб қўлат-

ди. Бўрининг ўлигини текшириб кўришганида, унинг қурмагангилни маълум бўлди». («Охота и охотничье хозяйство», 10-сон, 1979 йил, 28-бет).

Одамхўр бўрилар хусусида. «1948 йили атиги икки ой давомида Даров райони территориясида бўрилар 7—12 ёшли 9 болани нобуд қилди» («Природа» журнали, 11-сон, 1978 й.) «Қолчинск дачаси яқинидаги ўрмонда одамхўр бўрилар қизил байроқча осилган сим шнур билан ўраб олинб, қириб ташланди. Бўрининг ини олдида 13—14 ёшлардаги икки боланинг бош суяги ётарди» («Охота и охотничье хозяйство», 10-сон, 1979 йил).

Бундан 25—30 йиллар муқаддам ушбу мақола муаллифи Янгйер шаҳрига командировкага борган эди. Одамлар, уч кун олдин армия сафидан бўшаб келган солдатнинг оқшом автобусдан тушиб, икки чақирим наридаги уйига етиб бораётганини, йўлда уни оч бўрилар талаб еб кетганини,

эрталаб эса, қайишининг тўқаси билан кирза этигининг парчалари топишганини аниқлиб ҳикоя қилишгани.

Бўрининг яна бир ўзига хос муҳдиш одати шуки, улар оч қолганида бири бирини ейди. Бу хусусият айиқларда ҳам учрайди.

Ўқоридаги мисоллар бўрининг нақадар қонхўр ва зарарли эканидан далолатдир. Хусусан, республика ўрмончилик министри Пўлат Юнусович Юсупов: «Шахсан мен бўрини ҳимоя қилганларнинг фикрига қўшилмайман», деб жуذا тўғри айтган. Бўри одамларнинг ҳимоясига муҳтож эмас. Бу айёр йиртқич ҳар доим ўзини ўзи ҳимоя қилишга қодир. Зоологик тур сифатида ҳам бўри ҳеч қачон қирилиб битмайди. СССР Фанлар академияси ихтиёридаги бўри кўриқоналари (уч ерда) уларнинг омон қолиб, асрдан асрга ўтиб боришига мустақкам гаров ҳисобланади. Бинобарин, фойдали ҳайвонлар яшайдиган тоғларда, дала ва ўрмонларда,

шунингдек, чорва районларида бўрининг сира ҳам кераги йўқ. Маълумки, бўрисиз ороларда ҳайвонлар туёғи йилдан-йилга кўпаяверган. Машҳур олим Анре Крафтининг аср бошида берган маълумотига кўра, Скандинавия мамлакатларида бўри қириб ташлангандан кейин бу зонада буғу, тўнғиз, кийик сингари ҳайвонлар сони тез суруятлар билан кўпайган ва улар яшайдиган майдонлар кенгайган.

«Охота и охотничье хозяйство» журнали редакцияси 1978 йил 13 апрелда «Бўри билан кураш проблемаси» деган темада учрашув ўтказди. Бу учрашув СССРда бўрининг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги туфайли ташкил этилди. Ингилишга илмий-текшириш институтлари ва лабораториялари вакиллари, ов хўраликчилари ва овчилик жамаиятлари бошқармаларининг ходимлари, матбуот вакиллари таклиф этилдилар. Учрашувда А. Банников, Л. Бибиков, А. Колосов, В. Дежкин, Н. Назарова,

Н. Наумов, В. Осмоловская, Я. Русанов, В. Флинт каби мамлакатимизнинг атоқли ва машҳур биолог, зоолог, эколог олимлари ҳам қатнашдилар. Ана шу йиғилишда мутахассислар бўри масаласига жуذا масъулият билан ёндашиб, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан уни кенг муҳокама қилдилар. Натижада бўри жуذا хавфли ва зарарли йиртқич, деган хулосага келинди. Унинг сонини ниҳоят даражада қисқартириш зарурлиги қайд этилди.

Шундан кейин Ватанимиз территориясида йиртқич бўриларга қарши оммавий равишда кураш бошланди. Халқимиз: «Бўрининг оғзи ҳаммиша қон», деб бежиз айтмаган. Табиат муҳофазаси бош масалалардан бири ҳисобланган бугунги кунда бўри сонини кескин суратда камайтириш савобдан бошқа нарса эмас. Бу, ўз навбатида, қанчадан-қанча жониворлар сақлаб қолинади, ашаддий йиртқичдан муҳофаза қилинади, демакдир.

ЛАОСНИНГ ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАРИ



Шарқ мамлакатлари халқлари ўр-тасида: «Табига кўрингин, аммо ўзининг ўзинг даволагин», деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Шарқ халқларининг ҳаёти чиндан ҳам ўзининг сирли-сехрли жиҳатлари билан кишини ҳайратга солади. Лаос мамлакатининг медицинаси ҳам ана шундай сирли хусусиятлардан холи эмас.

Кунлардан бир кун «Литературная газета»нинг ходими В. Моев Лаос пойтахти Луангпрабангда юрган пайтда Нгуа дарёси бўйидаги бир қишлоқда яшовчи Ань исмли қариянинг антиқа ишлари ҳақида эшитиб қолди. Айтишларича, тўқсон ёшли бу чол ўз танасини шамшир билан кесармиш, кесилган жойнинг яраси ўша заҳоти тўзалиб қолармиш...

Бир неча кундан кейин ўтган байрамда газета муҳбири совет элчиҳонаси ходимлари ҳамроҳлигида қария Аннинг хунарини кўришга муваффақ бўлди. Аслида бу хунарин халқ табобати ҳам, санъатга ҳам, спортга ҳам таалуқли дейиш мумкин эди... Нгуа ҳаммаси қирғоғига капалар тикилган, ҳаммаёқ гуллар билан безатилган эди. Музика овозлари эшитиларди. Бугун қария Аннинг ўзи эмас, унинг шоғирдлари ўз хунарларини намойиш этиши мўлжалланган эди. Қариянинг ўзи эга, кўкрагини мукофот нишонларига тўлдириб, томошабинлар қаторида ўтирарди. Барабанлар чалинди. Уткир қайралган шамширлар ўтирганларга бирма-бир кўрсатиб чиқилди. Ижрочилар кўм тўшалган майдончага тушишди.

Ижрочилар, ҳар қайсиси иккитадан шамшир билан, дастлаб рақсга тушишди. Кўёш нурида шамширлар ялтирар, гўё ижрочилар атрофида қақмоқ айланар эди. Сўнгра... улар бирин-кетин шамшир билан ўз баданларини: қўлларини, оёқларини, қоринларини, бўйинларини, ҳатто тилларини оғиздан чиқариб кесавердилар. Бироқ кесилган жойнинг яраси ҳам, қон ҳам кўзга ташланмас эди.

Ижрочиларнинг яланғоч баданларидан тиф ўтмас эди. Томошабинлар ҳайрон эдилар. Балки шамшир бадандан сирғалиб кетаётгандир, деб ўйлаш ҳам қийин эди. Уларнинг кўзлари олдида — бир ярим метр нари-

да ҳозиргина шу шамширлар билан кесилган банан шохлари ётарди. Ижрочилар баданнинг эгилиб, қимирлаб туриши очик-равшан кўринарди. Бир томчи ҳам қон кўринмасди. Бадан мушаклари бўртиб, тердан ялтираб турарди...

Қария Аннинг энг «ёш» шоғирди эллик ёшдан ошган эди. Уларнинг ҳар қайсиси Аннинг хунарини ўзлаштириб олгунча ўттиз йилдан зиёдроқ вақт сарфлабди. Хўш, бундай мўъжизанинг сирини нимада? Қисқа қилиб айтганда: «Машқ қилиш... Ўзини шундай муҳим ишга қоғлаш... Иродани жамлаб ҳаракат қилиш».

— Мана ҳозир рўпарангизда ўтирибман,— деди ижрочилардан бири суҳбат давомида.— Энди боғи машқларни қайтаролмайман. Чунки ҳозир баданим худди сизларникидек юмбаб қолган.

Бу суҳбатдошларнинг кўзбойлагичликка ҳеч қандай алоқалари йўқ. Улар кўрсатган мўъжизанинг манзарининг сирини инсон организми куч-қудратини бир мақсадга ҳақ этабилиш, деб изоҳлаш тўғри бўлур эди.

Шарқ медицинасида бир жиҳат кўзга яққол ташланади: қишлоқ табибларига беморлар муттасил қатнаймайдилар. Бу жойларда одамлар асосан кимёвий дори-дармонлар воситасида ишлайдиган медицинага эмас, кундалик ҳаётда қўлланиладиган халқ табобатига кўпроқ суянадилар.

Ўзингини, Вьентьяннинг Эрталаби қозоридедан, деб тасаввур этинг. Бу ерда бамбуқ ниҳолни ҳам, хризантема гулбарглларини ҳам, пусти чўтир лимонни ҳам, занжабил томирини ҳам, тамархиндий бутогининг боғламини ҳам, бинафшаранг батат қартоқшасини ҳам, номини биз билмайдиган яна аллақандай нарсаларни ҳам, мевачеваларни ҳам кўрасиз. Бунда бўлган киши ейиладиган мева-лар қаерда тамом бўлишиқо дори-дармон ўсимликларнинг қаерда бошланганини била олмайд. Бу ердагилар нилуфар уруғини пистадек чақиб еб юрадилар. Бироқ нилуфар уруғининг дори-дармонлик фазилати ҳам кўпларга маълум.

Шарқ табобати энг аввало инсоннинг табиятга яқинлигидан бошланади. Узининг соғлиғи озгина ўзгариб қолганини сезган киши дарҳол касалликнинг олдини олишга эйтибор бе-

ради. Масалан, ҳаммомда баданини кўкат билан ишқалаш, массаж қилиш — уқалаш Лаосда кенг тарқалган. Бу ерда дастурхонга ноз-неъмат тайёрлашда ҳам табобатга алоҳида аҳамият берилди. Айтилик, европаликлар дастурхониде товуқ гўшти ҳам, ўрдак гўшти ҳам бир хил парранда гўшти ҳисобланади. Шарқда эса, товуқ гўшти «иссиқлик», ўрдак гўшти «совуқлик» деб айтилади. Уй бекаси уларга масаллик тайёрлашда шу жиҳатига эътибор беради: товуқ гўштига «совуқ миждозли» масаллик, ўрдак гўштига «иссиқ миждозли» масаллик тортади. Бу ерда қизил думли балиқ ёки танаси тангачасиз балиқ иссиқлик, бошқа балиқлар эса, совуқлик, қизил қорамолнинг гўшти иссиқлик, қора рангли молнинг гўшти совуқлик ҳисобланади.

Лаосликлар дастурхон безашда шифобахш кўкатларга катта ўрин берадилар. Таниқли этнограф ва тарихчи Ананда Сайпансинг айтишига кўра, бу ерда ўнлаб хил кўкатлардан «лап» номли овқат тайёрланармиш, қайнаб турган «лапга» ҳеч бир сесканишиз бармоқ ботириб олиш мумкин эмас. Бу ўлкада ўта семиз ёки ўта ориқ кишиларнинг ниҳоятда камлиги, яъни соғлом кишиларнинг қулпиги балки халқ табобати даярли барча хонадонларда муттасил қўлланилиши билан боғлиқдир. Бу ерда саксон, тўқсон ёшли бақувват қарияларни кўллаб учратиш мумкин. Уларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ва кўл бериб сўрашишдан тетик-бардамлигини билиб олиш қийин бўлмайди.

— Бизнинг халқимизда ўткир синчковлик бор,— дейди Лаос Халқ Демократик Республикаси Соғлиқни сақлаш министри Кхамлиенг Фолсена.— Масалан, пода боқиб юрган бола ҳам яйловда кўп нарсани сезиб олади. Ута гўштхўр йўлбарс нега баъзан ўт ейди? Яраланган қуш қайси гиёҳга бориб, ярасини тузатади?.. Демак, ҳайвонлару паррандалардан ҳам кўп нарсани ўрганса бўлади. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, маймунар мўмиёи асил бор жойларда болаёлади...

Лаос мамлакатининг табобати ана шу тарика асрлар давомида заррлардан йигилиб, тажриба орттирган, қўшни ўлкалар табобати тажрибалари билан бойиган. Табобат ҳақида пальма япроқларига эзилган китоблардан кутубхоналар пайдо бўлган.

Халқ табобатига онд бундай китоблар асрлар давомида бойиб бораверган, аммо қирғин-урушлар юз берган даврларда кўп қимматли китоблар, рецептлар йўқолиб ҳам кетган... Айни пайтда Лаосда Аньанавий табобатни тадқиқ этиш институти тузилган.

Ўтган йили Лаос мамлакатида 46 тонна шифобахш гиёҳ йиғиб-териб олинди. Бу ишда тахминан 300 минг киши қатнашди. Тўрт миллиондан камроқ аҳолига эга бўлган мамлакат учун бу рақам оз эмас!

Лаос ҳукуматининг айни пайтдаги сисвати аньанавий табобатни сақлашни ва унинг «максулсини»— шифосини кўпайтиришни қўллаб-қувватламакда. Бу нарса гоаят диққатга сазовордир.

Маълумки, кимёвий таркибда тайёрланган дори-дармонлар кўп қолатларда бир касални тузатадию иккинчи бир жойда асорат қолдиради. Шу боисдан булар керак, Шарқда, хусусан Лаосда шифокорлиқни асосан гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Мамлакатдаги Аньанавий табобатни тадқиқ этиш институтида яқинда яна бир тажриба ўтказилди. Лаосликлар кўпдан бери безгекни даволашда «кхиз хэм» номли гулдан фойдаланиб келадилар. Жуда беванд бўлиб ўсадиган бу гул Вьентьян атрофларида кўп ўсади. Аньанавий табобат институтида ана шу ўсимликдан олтинсон доривор ишлаб чиқарилди.

— Биз бу ўсимликдан берберинга яқин бўлган алколоид ажратиб олдик,— дейди министр Фолсена,— номини «лаоберин» деб атадик. Бу дориворнинг таблеткалари «Махасоти госпиталида» интестопан қаторида муваффақиятли қўлланилаётир. Келгуси беш йилликда лаоберинни бутунлай интестопан ўрнида иштишсини режалаштирмакдамыз. Маъзур дори таблеткаси шифобахшликда «европача» дорилардан қолшимайди, беморни яхши даволайди. Бироқ беморда ҳеч қанақа асорат қолдирмайди!

Шарқ табобати

«ҚАЙСАР» МУЗНИНГ ҚИЛИҒИ

Помир тоғ тизмалари яқинида жойлашган Мўғ қишлоғи ёнида Музғози музлиги ястаниб ётарди. Бу йил баҳайбат музликнинг ташқи кўриниши ғалати тус олди. Унинг юқори қисми бири неча ўн метрга кўта-

рилган, кўп жойлари ёрилиб кетган, орти эса синиб кетганди. Қўёш нурулари остида музлик қозлари кўзини қамаштирар, унинг қарсиллаб синиши худди замбаракдан ўқ узилгандек таасирот қолдирарди.

Музғозининг шиддат билан силжиб бориши яқин-яқингача, музликларнинг силжиши фақат иссиқ кунлардагина тезлашиши мумкин, деган фикрда бўлган гляциологларни — музликларни ўрганувчи мутахассисларни хийла ташвишлантириб қўйди. Агар музлик шу зайл силжиб бурса, у дарёни ўзининг «муз» тўғони билан тўсиб қўйиши



ҳам мумкин. Оқибатда бу ерда ўзига хос сунъий кўл пайдо бўлади, кўлда сув ва музларнинг кўллаб тўпланиши натижасида даҳшатли тошқин рўй бериши эҳтимоли бор. Бу тошқин эса воҳадаги кўллаб қишлоқлар ва халқ ҳўжаллигига жиддий зарар етказиши эҳтимолдан холи эмас.

Бугунги кунда Музғози музлиги кўллаб мутахассисларнинг, жумладан гляциологлар, гидрологлар ва метеорологларнинг диққат марказида турибди. Улар музлик ҳаракатини синчковлик билан кузатиб бормоқдалар.

Тадқиқотлар шунинг исбот-

ламоқдаки, музликнинг силжиши кўпроқ қиш ойларида тезлашаркан. Негаки, қиш давомида музликнинг юза қисми совуқ бўлса-да, остки қисмида маълум даражада йиғилган иссиқлик ўзига хос «мой» ролини ўтаркан.

Кейинги пайтларда музликнинг тезлик ҳаракати суткасига 25 метрни ташкил этаётир. Музғози музлигининг ўрганиш учун «Салют—7» орбитал станцияси космонавтлари ҳам жалб этилди. Айни пайтда музлик вертолёт ёрдамида ҳам кузатиб турилмоқда. Тадқиқот ишлари изчил тарзда олиб борилаётир.



ТОШНИНГ ОТПУСКАСИ

ШОХЛИ ОДАМ

Ҳажвия

Онам тўсатдан бетоб бўлиб қолди-лар. «Тез ёрдам» чақирдим. Врач онамни кўриб бўлиб, қўлимга рецепт берди-да: «Мана шу дорини топсангиз, кампир тез тuzалиб кетади-лар», деди...

У дорихонадан чиқиб бу дорихонага югураман, «йўқ-йўқ» деган жавоб оламан. Бир дўконда дори-дармон сотиб ўтирган киши менга раҳми келди шекилли, маслаҳат берди:

— Чорраҳадаги сан-гигиена магазинига бир бориб, кўринг, кўк дўппили киши бор. Сиздақаларга ёрдам беради.

Уша айтилган жойга бордим. Дўконда чиндан ҳам лўппи юзли, кўк духоба дўппи кийган киши чой ичиб ўтирар эди.

— Ҳўш, шунақа дори керак денг?— сўради у.— Сўнг кўзойнагини тақиб, менга бошдан-оёқ разм солди.— Тезагузардаги аптекага бордингизми?

— Аввал ўша ерга борганман.
— Яна қайтиб борасиз. Шох ака бормилар, деб сўрайсиз..
— Шох ака?

— Ажабланманг, у кишининг шохлари бор. Еқтирмаган одамларини сузиб ташлайдилар, қолаверса бу— парол. Айтганча, ўзлари қаерда ишлайдилар?

Шошиб турганим учун жавоб бермай эшик томон йўл олдим. Кўк дўппили ягини қашиб ортимдан мингирлаб қолди:

— Ҳой, айтиб кетинг иш жойингизни...

Тезагузардаги дорихонага кириб: «Шох акам бормилар!» дейишим билан чаққон аёл орқа эшикка кириб ғойиб бўлди. Бироздан кейин ўша эшикдан баланд бўйли, от кўзли, оқ қалпоқ кийган киши чиқди:

— Хизмат?

Арзимни айтдим. У рецептни олиб ичкарига кириб чиқди-да менга кичкина қутича узатди.

— Мана. Эллик сўм...

Унинг гапини эшитиб кайфим учиб кетди. Енимда бор-йўғи ўн сўм бор эди. Дори солинган қутичани айлантириб кўрдим. «Нархи 2 сўм 75 тийин», деб ёзиб қўйган экан.

— Нархи 2 сўм 75 тийин экан-ку?

Шохнинг кўзлари ёниб кетди.

— Сенга жон керакми ўзи? Қаерда ишлайсан?!

— Езувчиман.

— Э... Босмахонада ишлайсанми?

Мен афтингдан биронта Базага бошлиқмисан дебман!.. Кўк дўппи аблаҳ бу сафар янглишибди! Калласи бўлса менинг олдимга сендақанги паст одамларни юборармиди!

— Мен ҳам сизнинг шохингиз бор деб ўйлагандим. Йўқ, одамга ўхшаркансиз,— дедим киноа билан.

— Ҳо-о, ҳали менинг шохим борлигига ишонмайсанми!

Шохнинг кўзлари қинидан чиқаёзди, тишлари ғижирлади. Орқасига тисарилиб калласини эгди-ю буқага ўхшаб қолди. Буқа бир ўқирди-да, қорнимни мўлжаллаб менга ташланди. Узимни ёнга олудим, калласи билан бориб дорихонанинг ойнасига урилди. «Қарс-курс» этган овоз жаранглаб кетди...

Шошиб кўзимни очсам, тонг ёришиб қолибди. Юрагим гуп-гуп уради. Кўксимга туфлаб, ўрнимдан турдим. Чиқиб қарасам, онам ҳовли супуриб юрган эканлар. Умрлари узоқ бўларкан, деб хурсанд бўлдим.

Лекин эртасига касал бўлиб қолдим. Афтидан тушимда қаттиқ қўрққан эканман. Энди тушимда эмас, ўнгимда ҳам дори қидирсам ажаб эмас.

Абдўгани АБДУВАЛИЕВ

Қоровуллик қиларди Тош бир қурилишда, Ҳафта ичра икки кунми бўларди ишда.

Қолган чоғда қўли тегмас эди шахматдан, Топган гапи: «Норни ютдим, қолдим Аҳмаддан!»

Уйда эса доим жаврар шўрлик хотини:
— Ҳой дадаси, михланг синган курси, шотини!

— Вақт жуда зиқ, кўп куйинма, битар, онаси, Отпускуга чиқиб олай, келсин хонаси.

— Унда уйни ремонт қилинг, тўйларимиз бор!
— Сиқилмагин, ёғар, дема. қолган ишга қор.

— Сигирхона қуриш керак, ҳаммом, ошхона!.. Барча ишга отпускани қилар Бахона.

Шундай қилиб, отпускани олди охир Тош, Энди тун-кун юмушлардан кўтармас ҳеч бош.

Бир йиллик иш — узун рўйхат, роса уюлган, Энди шўрлик, дам олмасдан ишга кўмилган.


Ҳамма борса отпускуда сайр, курортга, Тош кабилар ўралашар сувоқ, ремонтга!







— Е, алҳазар бугўдой экиб, арпа оладиган олим бўлибди дейишса, ишонмагандим.

А. Холиқов чизган расмлар

Унинг иш «мақсулоти»...



Чап ёни билан турган бошлиқ ҳузурда.






«СОЮЗ Т-10»

Бу шахмат масалалари «Союз Т-10» космик кемаси парвозига бағишланган. Уларнинг ҳар бирида юришни оқлар бошлайди ва икки юришда қора шахни мот қилади.

И. БИРБРАГЕР,

Шахмат ва шахмат композициялари бўйича СССР спорт мастери.



КРИПТОГРАММА

Ушбу криптограммани қуйидаги «очқич» сўзлар ёрдамида тўғри ҳал этсангиз, Мавлоно Лутфий рубоиларидан бирини ўқийсиз.

I. 9, 11, 17, 2, 12, 6, 1, 3, 4 — Лутфий тугрилиб ижод этган Ҳирот шаҳри яқинидаги жой номи.

II. 5, 14, 15, 13, 6, 1, 6, 13, 4 16: 19 — Шоирнинг машҳур достони.

III. 19, 6, 24, 6, 4, 1, 3, 7, 6 — Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг Лутфий форс тилидан ўзбек тилига таржима этган асари.

IV. 18, 7, 6, 1 — «Гул ва Наврўз» достонида баён этилган Яқин Шарқдаги мамлакат.

V. 1, 6, 13, 3, 2, 25 — Лутфийни ўз устози деб билган ва унинг ижодида юксак баҳо берган улуғ мутафаккир шоир.

VI. 2, 4, 3, 8 — Лутфий газали билан ижро этиладиган мақом.

VII. 7, 14, 1, 2, 23 — Лутфий газалларига мухаммаслар ёзган классик шоирлардан бири.

VIII. 6, 9, 6, 22, 2, 20, 10 — Сўз санъати.

IX. 15, 6, 21, 6, 4 — Ўзбек халқ қўшиқларининг бир тури.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

ЖУРНАЛНИНГ 3-СОНИДА БЕРИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ

I. Эшонтураева. II. Зебунисо. III. Жўраева. IV. Лайли. V. «Феруз». VI. «Едгор». VII. Газал.

Оналарнинг оёғи остидадур.
Равзан жаннату жинно боғи.
Равза боғи висолини истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Алишер НАВОИЙ

МУҚОВАДА

Биринчи бет: **А. ВИНЕР,** Сталинград жангининг қатнашчиси Ҳикмат Иброҳимов портрети.

Иккинчи бет: Урта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрмеханика заводининг ишчиси **Матлуба Турдиева.**

А. Жданов фотоси.

Бутун совет халқи каби республикамизнинг барча меҳнаткашлари, шу жумладан, маориф ходимлари СССР Олий Советининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Қарорини маъмуният билан кутиб олдилар.

Суратда: Чиноз район маориф бўлими мудир **Ҳамдам Набиев** ҳамкасблари билан биргаликда Қарорни ўрганиб чиқишмоқда.

В. Громов фотоси.

Учинчи бет: Хоразм область, Урганч шаҳар, Отаниёзов номидаги музика мактаби талабалари, жумладан, 5-синф ўқувчиси **Зиёда Болтаева** санъаткор бўлишни орзу қилади.

Н. Шарипов фотоси.


Чотқол манзараси.

Л. Николая фотоси.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб нўрсатилиши шарт.

Ушбу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Литературная газета», «Известия» газеталари ҳамда «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.



Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редколлегия: Сарвар **АЗИМОВ,** Наримон **ИБРОҲИМОВ** (бош расм), Маҳмуд **МУДИНОВ,** Анвар **САИДУМАРОВ,** Саид **ШЕРМУҲАМЕДОВ,** Комил **ЯШИН,** Азиз **ҚАЮМОВ,** Муҳаммадали **ҚУШМОҚОВ** (масъул секретарь), Ислиддин **ҲАЙДАРОВ,** Оқилжон **ҲУСАНОВ** (бош редактор ўринбосари), Ҳаким **ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.**

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адрессими: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 19.03.84 й. Босишга рўхсат этилди 13.04.84 й. Р — 13642. Қоғоз 70×108½. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 234510. Буюртма № 3105. Нашр В 113.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.





Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозининг илғор сут соғувчиси Матлуба Еқубова.



Сув келди — нур келди.
В. Тарасевич
фотоси



Жануб гули.



Ешлик сурури.
В. Тарасевич
фотоси